

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

---

Наманган Давлат университети

Муқимжон Ҳайитбоев

# ПЕДАГОГИКА



НАМАНГАН – 2002

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта  
махсус таълим вазирлиги*

Наманган Давлат Университети

Муқимжон Хайитбоев

# *Педагогика*



1889

1889

1889

1889

1889

1889

Наманган —



Ушбу маърузалар матни Наманган Давлат  
Университетининг 2001 йил 20 ноябрдаги ўқув услубий  
кенгаши йиғилишида тасдиқланган

## **Баённома № 2**

Тақризчилар: Физика – математика фанлари доктори,  
профессор Н.Рахимов.  
Химия фанлари доктори  
профессор Ш.Абдуллаев

Муаллиф: Педагогика фанлари номзоди,  
Доцент Муқимжон Ҳайитбоев

Муҳаррир: Педагогика фанлари номзоди,  
доцент А.С.Сагтаров

«Педагогика назарияси ва тарихи» фанининг мақсади бўлажак ўқитувчиларни ҳозирги замон педагогика фанининг назарий асослари ҳақидаги билимлар билан қуроллаштириш, жаҳонга юз тутаётган Ўзбекистоннинг баркамол авлодни тарбиялаш ва ўқитиш ишини ташкил этишининг янги педагогик технологиялар асосида таъминлаш учун зарур бўлган амалий малака ва кўникмаларга эга қилишдан иборатдир.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарида шундай дейилади: «Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишни ва аксинча бидими кам, оми одамлар авторитаризми ва тоталитар тузимни ёқлашларини ҳаётнинг ўзи – ишончли тарзда исботламоқда»<sup>1</sup> – деб кўрсатиб ўтади.

Мазкур китобнинг биринчи бўлими назарий – методологик характер касб этади. Бу бўлимдаги мавзулар воситасида педагогиканинг ҳозирги замон шароитидаги ижтимоий вазифаси, унинг мафкуравий – сиёсий йўналиши ва шахсни камол топтиришнинг асосий масалалари, шунингдек «халқ таълими тўғрисида» ги Қонун ва Миллий дастурнинг ўқув – тарбия ишларини такомиллаштириш тўғрисидаги талаблари асосида кадрлар тайёрлашга қўйилган вазифаларни ҳал қилишдаги аҳамиятини батафсил очиб беради.

Бўлим мазмуни ҳозирги кунимизда ўқувчилар ва ёшларни тарбиялаш масалалари бўйича жаҳон миқёсида олиб борилаётган таълим – тарбиявий жараёнларга ёндашган ҳолда ўзбек педагогикаси назарий жиҳатдан ёритилган.

Иккинчи бўлимда, дидактиканинг илмий асослари билан таништиради. Бу бўлимда таълим моҳияти, мазмуни ва қонуниятлари бошланғич, тўлиқсиз ўрта, ўрта маълумотлар ўртасидаги бирлик, ўқитиш ишини таълим мазмунига, ҳаёт талабига ўқувчиларнинг ёш ва алоҳида хусусиятларига мувофиқ ташкил этишининг шакли ва методларини очиб берилади. Бу ерда таълим – тарбия биринчи, турли хилдаги таълим шакли ва методларининг самарасини белгиловчи меъёр ва шарт – шароитларни очиб берилган.

Учинчи бўлимда тарбиянинг илмий асослари, унинг моҳияти, қонуниятлари ва қондалари, мазмуни, ташкил этиш шакллари ҳамда методлари баён қилинган.

<sup>1</sup> И.А.Каримов. «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т., 1998 й. «Ўзбекистон» нашриети 534-535 бет

Учинчи бўлимнинг айрим мавзулари: синф раҳбарининг тарбиявий вазифалари, синфдан ва мактабдан ташқари ишлар жараёни янгича усуллар билан бойитилган.

Юқорида кўзда тутилган талабларни муваффақиятли ҳал қилиш ва мукамал ўзлаштириш учун таянч сўзлар устида ишлан, билимларни мустаҳкамловчи саволларга жавоб ҳозирлаш назарда тутилади.

**А.Саттаров**  
**Пед.фан.ном.доцент**

## ПЕДАГОГИКАНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ.

### 1-БОБ

#### МАВЗУ: ПЕДАГОГИКА ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ.

##### Режа:

1. Педагогика предмети ва унинг бошқа фанлар билан алоқаси. Бўлажак ўқитувчи тайёралида педагогика фанининг аҳамияти.
2. Педагогиканинг асосий тушунчалари. Тарбиянинг ижтимоий ҳодиса эканлиги.
3. Илмий педагогик тадқиқот методлари ва уларнинг ўзбек педагогикасининг юксалишидаги аҳамияти.

Ўзбекистонимизда янги-янги ислохотлар тобора кенг қулоч ёймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, жумладан ёш авлод таълим-тарбиясида ҳам янги ўзгаришлар содир бўлмоқда. Маънавиятимизнинг қайта тиклаш, янада бойитиш борасида бир қанча ишлар олиб борилади.

Республикамизнинг ижтимоий, иқтисодий ривожланиши ёш авлоднинг камолатига боғлиқ эканлиги энди ҳеч кимга сир эмас. Ўсиб келаётган ёш авлод ва уларнинг келажақда қандай касб-ҳунар эгаллашларига қараб, республикамиз келажагини тасаввур қилса бўлади. Келажак — ёшларники. Ёшлар фаолияти фаровон ҳаётимиз мезонидир. Давлатимиз ёшларнинг таълим-тарбиясига жиддий эътибор бериб келмоқда. Ёшлар таълим-тарбияси ҳар бир ота-онанинг, ўқитувчи-тарбиячининг Ватан олдидаги муқаддас бурчларидир.

Ўйланг: Улар таълим-тарбия борасида нима қилишлари, қандай йўл тутишлари, нимага эътибор беришлари лозим? Бу ва бошқа саволларга маълум даражада педагогика фани жавоб беради. Таълим-тарбия ишлари билан шуғулланувчи тарбиячилар касб-ҳунар хомийлари сифатида ажралиб чиқа болашади. Уларнинг таълим-тарбия борасидаги фаолиятлари ва туплаган тажрибаларидан ўринли фойдаланишлари педагогика фанининг вужудга келишига олиб келади.

Педагогика таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифалари, уларнинг мазмуни, усуллари ҳамда ташкил этиш шакллари ҳақда маълумот берувчи фандир.

Педагогика фани яқка холда ўзи тараққиётга эриша олаётди. У ҳам бошқа фанлар каби ижтимоий фан ютуқларидан

фойдаланади ва мазмунан бойиб боради. Хозирги кунимизда умумбашарият томонидан яратилган билимлар муайян даражада педагогика фани учун манба бўлади.

Педагогика ҳар бир инсоннинг баркамол бўлиб шаклланишига хизмат қилади. Шу сабабли фалсафа, тарих, иқтисод, психология ва социология, этика ва эстетика каби фанлар билан узвий алоқада бўлади.

Ҳар бир ўқитувчи — тарбиячи ўз она юрти тарихини билиши, ватанпарвар бўлиши, таълим — тарбия назарияси ва педагогика тарихи фанидан хабардор бўлмай туриб ўқитувчилик қилиши мумкин эмас.

Ўқитувчи — тарбиячи ўқувчиларга билим бериш, маълумотли қилиш, тарбиялаш мақсадида унга тизимли таъсир кўрсатади. Бунда психология фанига асосланади. Яъни, кўрсатилаётган таъсирнинг самарасини билиш учун ўқувчининг сезги, идроки, тасаввур, диққат ва тафаккур — фикрлаш жараёнининг қандай кечаётганини билишига асосланиб таъсир кўрсатиш режасини белгилайди. Педагогика фани психология ва социология каби фанлар билан узвий боғлангандир. Фалсафа фани эса педагогика фани учун методологик асос бўлиб хизмат қилади. Чунки, хозирги таълим — тарбия назарияси ютуқлари фалсафий фикрлар кураши ва тараққиётининг масъулдир. Фалсафа педагогикани илмий усуллари билан қуроллантиради, таълим ва тарбиянинг объектив қонун қоидаларини ишлаб чиқишга манба бўлади.

Этика ва эстетика фанлари педагогиканинг тарбия назарияси бўлими бўйича маълумот беради. Бу фан ўқувчининг ҳулқи, одоби меъёрларини аниқлаш, белгилаш ҳамда гўзалликни чин маънода тушунтириш, ўқувчи онгини ҳаётнинг жозибали, нафис қирраларига бевосита ҳавас уйғотиш борасида педагогика фани билан алоқададир.

Фанларни ўқитиш йўллари ҳам педагогика фанининг дидактикасига алоқадор, чунки ҳар қандай фанини ўқитилиш усули шу фанининг мазмуни, тизимини ўқувчилар томонидан ўзлаштириб олишга хизмат қилади. Педагогика фани болалар анатомияси, физиологияси, болалар гигиенаси ва педиатрия каби фанлар билан ҳам мустаҳкам алоқада, бу фанлар бир — бирларига чамбарчас боғлиқдир. Педагогика фани объекти йил сайин кенгайиб бормоқда, натижада унинг тармоқлари ҳам бир неча гуруҳларга ажралмоқда. Бу эса педагогика фанлари тизими деб номланади.

Педагогика фани тармоқлари мазкур муаммоларни ижобий ҳал этишда муҳим омил ҳисобланади. Ҳозирги вақтда педагогика бир нечта тармоқларга бўлинган. Жумладан: умумий

педагогика (мактаб ёшидаги ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитиш ҳақида баҳс юритади).

Мактабгача педагогика тарбияси (мактабгача ёшидаги болаларни тарбиялаш муаммолари билан шуғулланади).

Маданий оқартув педагогикаси (маданий – маърифий ишларни бошқариш муаммоларини ўрганади).

Хунар – техника таълими педагогикаси, ҳарбий педагогика (армия сардорлари ва ўқувчиларни ватанимизнинг шон – шарафи ва ор – номуси учун етук курашчи, ҳарбий қурол – яроқлардан самарали фойдалан оладиган ёшларни тарбиялаш йўналишида) каби тизим тармоқлари мавжуддир.

Педагогика фақат соғлом ўқувчиларнинг таълим – тарбияси билангина эмас, балки камолотда хусури бор болалар таълим – тарбиясини ҳам ўрганади. Бундай тармоқларни махсус педагогика деб юритилади.

«Педагогика» атамаси «Пайне» – «Бола» ва «агогейн» – «етакламоқ» деган маънони билдирувчи латинча «дайдагогис» сўзларидан пайдо бўлиши қуйидагича изоҳланади. Эрамиздан олдинги III – I асрларда қадимги Грецияда, қулдорнинг боласини овқатлантирадиган, сайлга борувчи, табиат қўйнида ўйнатувчи тарбиячи – қулларни «Педагог» деб аташган.

У боланинг камолга етишига масъул бўлган. Қулдорнинг боласини етаклаб мактабга олиб борган ва келган. Мактабда ишловчи ўқитувчиларни «Дидаскалар» (дидайко – мен ўқитаман) дейишган. Шу тариқа таълим – тарбия билан махсус шуғулланувчи касб пайдо бўлган. Ана шуларни чех педагоги Я.А.Каменский таъкидлагандек «Педагог» деб номлаганлар ва бу сўз ҳозир ҳам таълим – тарбия берувчи ўқитувчиларга нисбатан қўлланилади.

Педагогика таълим – тарбия мақсадини жамият талабларига ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қараб мазмунан ўзгариб боришини ўргатади, тарбиянинг таркибий қисмларини ва уларни ўртасидаги боғланишларни очиб беради. Педагогика фанига тавсиф берилганда «таълим», «тарбия» ҳамда «маълумот» деган сўзларни ишлатилади. Бу сўзлар ўзаро боғланган бўлиб, бир – бирини тўлдиради. Уларни педагогиканинг асосий категория – тушунчалари деб номланади.

Педагогика таълим – тарбия мақсадини жамият талабларига ва ўқувчиларни ёш хусусиятларига қараб мазмунан ўзгариб боришини ўргатади, тарбиянинг таркибий қисмларини ва улар ўртасидаги боғланишларни очиб беради. Шу аснода таълим ва тарбия соҳасидаги тажрибаларни умумлаштиради, тарбиянинг келгусидаги ривожланиш йўлларини кўрсатиб беради. Педагогика фанида таълис бўлганда «таълим, «тарбия» ҳамда «маълумот» деган сўзларни ишлатдик. Бу сўзлар ўзаро



боғланган бўлиб, бир – бирини тўлдиради. Уларни педагогиканинг асосий категория – тушунчалари деб номланади. Булардан ташқари «ўқувчи», «ўқитувчи», «усул», «интизом», «жамоа», «ирсият», «муҳит», «директор» ва ҳоказо каби тушунча – номлар мавжудки у ҳақда мавзулар юзасидан фикр юритилганда алоҳида тўхтаймиз.

Ҳар қандай фан ўзининг илмий тадқиқот усулларига эга. Бу усуллари орқали ўз мазмунини бойитиб, янгилаб боради.

Шу маънода педагогиканинг илмий тадқиқот усуллари деганимизда ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш ва ўқйтишнинг аниқ жараёнларига хос бўлган ички алоқа ва муносабатларни текшириш, билиш йўллари, услублари ва воситалари мажмуини тушунамиз.

Педагогиканинг илмий тадқиқот усуллари қанчалик тўғри танланса таълим – тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада яхшиланади, педагогика фани ҳам бойиб боради.

Ҳозирча мавжуд ва ишлаб чиқилган қуйидаги илмий тадқиқот усулларига таяниб фикр юритса бўлади:

1) Кузатиш усули; 2) суҳбат усули; 3) болалар ижодини ўрганиш усули; 4) тест сўровномалари усули; 5) мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш усули; 6) эксперимент, тажриба, синов усули; 7) статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули; 8) математика, кибернетика усули.

**Мавзу:** – Кузатиш усули. Педагогиканинг мазкур усули таълим – тарбия жараёнларини амалдаги ҳолати билан таништиради. Уларнинг оқибат натижаларини билишга ёрдам беради ва шу асосда яратилган янги кашфиётлар учун далиллар, омиллар йиғиш имконини туғдиради.

Кузатишлар фақат оддий ҳодисаларни кузатиш, айрим далилларни йиғиш, ҳисобга олиш, аниқлаш учунгина эмас, балки таълим – тарбия жараёнини яхшилаш ва мукаммаллаштириш мақсадида амалга оширилади.

Одатда, табиий кузатиш орқали ўқувчиларни фанларни ўзлаштиришлари, уларнинг ҳулқ – атворидаги ўзгаришларини ҳисобга олиш ва тегишли тарбиявий таъсир кўрсатиш йўлларини белгилан учун қўлланилади.

Илмий кузатишлар эса нафақат ўқувчиларнинг табиий фаолиятини, балки уларнинг илмий дунёқарашлари шаклланиши, фикрлаш жараёни кучи, ҳулосалар чиқаришдаги фаолликларини аниқлайди, уларни таҳлил этади. Бундай кузатишлар оқибат натижасида педагогика фани мазмунини бойишига сабаб бўлади.

Таълим — тарбия жараёнини яхшилаш ёки яратилган илмий фаразларни қанчалик тўғри эканлигини аниқлаш мақсадида суҳбат усулидан фойдаланилади.

Одатда, суҳбат усули мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари жамоаси билан, ота — оналар ва кенг жамоатчилик билан якка ва гуруҳ таркибда иш олиб борилганда қўлланилади.

Суҳбат усулини тадқиқ этишдан олдин режа тузилади, уни амалга ошириш йўллари белгиланади, натижалар таҳлил қилинади ва тегишли хулосага келинади. Шунингдек тадқиқотчининг суҳбат олиб бориш ва уни керакли томонга йўналтира олишни билиши, суҳбатдошининг руҳий ҳолатига қараб суҳбат мазмунини мослаштириши ғоят муҳимдир.

Педагогик тадқиқот усуллари ичида болалар ижодини ўрганиш ва илмий хулосалар чиқариш усули мавжуд.

Бунда мактаб ўқувчиларининг ўзига хос алоҳида фаолиятларига доир омиллар таҳлил қилинади. Муайян хулосаларга келинади. Мақсад Ўзбекистонимиз ёшларининг тирик образлари ва уларни ижобий ҳислатларини шакллантиришдир.

Шу сабабли ёшларнинг турли ёзма дафтарлари тутган кундаликлари, ёзган хатлари, шеър ва ҳикоялари, ҳаётий режалари, ишнолари, турли ёзма ҳисоботлари улар маънавиятини ўрганиш учун манба бўлиб хизмат қилади.

Оқибатда мактаб ўқувчилари орасидан етишиб чиқаётган қобилиятли истеъдодли ёшларни эртaroқ аниқлаш, уларнинг истеъдодларини намойиш бўлиши учун режа ва шароитлар яратиш имкони пайдо бўлади.

Болалар ижодини ўрганиш манбаи кўп бўлиб, улар қуйидагича номланади: фақ олимпиадалари мавзулар бўйича конкурслар, мактаблар бўйича кўرғазмалар, мусобақалар, саёҳатлар ва ҳоказо.

Педагогик илмий тадқиқот усуллари ичида етакчи усул сўровнома ва тест саволларидан фойдаланишдир. Сўровнома анкета (французча «текнириш» маъносини билдиради) усули қўлланилганда яратилган илмий фаразнинг янгилигини билиш, аниқлаш, ўқувчиларни якка ёки гуруҳди фикрларини қарашларини қандай касбларга қизиқишларини, келажак орзу истакларини билиш ва тегишли хулосалар чиқариш тавсиялар бериш мақсадида ўтказилади.

Бунда тест саволлари қанчалик ва ақл билан фикрлаш жараёнига зарар етмайдиган қилиб тузилиши аҳамиятли эканлигини назарда тутиш лозим.

Тест саволларининг ўрни ва уларнинг мазмунан ранг — баранг қилиб тузилиши, ўқувчиларни мустақил фикрларини

ўстиради, келажакни аниқ баҳолаш қобилиятини тараққий эттиради.

Республикамиз раҳбариятининг халқ таълими юзасидан қабул қилинган қарор ва йўл – йўриқлари асосида мактабда бажарилган ва бажарилаётган таълим – тарбия ишлари юритилган ҳужжатлар орқали аниқлаш усули ҳам мавжуддир.

Мактаб ҳужжатларини текшириш орқали ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси, уларнинг педагогик фаолияти ҳақида аниқ маълумотлар олинди.

Умуман мактаб ҳужжатлари дейилганда ўқитувчи ва ўқувчилар сони, ўқувчиларнинг шахсий ҳужжатлари, синф журналлари, кундалик дафтарлари, буйруқ дафтарлари, педагоглар кенгашининг қарор дафтарлари, мактабнинг режадаги пул ҳисоби ва унинг сарфланишига доир ҳужжатлар, турли инвентарлар дафтари ва бошқалар тушунтирилади.

Ҳисоботларни кўздан кечириш тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаш илғор педагогик тажрибаларнинг умумлаштириши, ўқитувчи – тарбиячиларнинг илмий педагогик фаолиятларини текшириш, тегишли чора тadbирлар белгилан мақсадида ўтказилади.

Эксперимент сўзи лотинча «синоб кўриш», «тажриба қилиб кўриш» маъносини аниқлатади.

Экспериментал – тажриба ишлари асосан таълим – тарбия жараёнига алоқадор илмий фароз ёки амалий ишларнинг қўлланиш жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Тажриба ишлари таълим – тарбия ўртасидаги қонуний алоқаларни аниқлаш, натижаларни ҳисобга олиш асосида янги усулларни тadbиқ этишга, таълим – тарбия самарадорлигини оширишга қаратилади.

Шунингдек, таълим – тарбия жараёнининг боришини, тузилиши ва натижаларини олдиндан кўра билиш имкониятини беради.

Эксперимент усули шароитга қараб уч хилда ўтказилади.

- 1) тиббий эксперимент
- 2) лаборатория эксперименти
- 3) амалий тажриба

Педагогик эксперимент ўз мазмунига кўра дидактик, тарбиявий мактабшунослик муаммолари юзасидан ўтказилади.

### **Мавзу бўйича таянч сўзлар:**

Тарбия, таълим, маълумот, мактабгача, педагогика, кичик ўқувчилар педагогикаси, умумий педагогика, она педагогикаси, сурдопедагогика, теллопедагогика, олигофренопедагогика, кўнглининг усуси, суҳбат усуси, болалар ижодини ургатиш усуси,

тест суровиномалар усули, мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш усули, эксперимент усули, статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули, математика ва кибернетика усули.

### **Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар.**

1. Педагогика нима ҳақида баҳс юритади?
2. Педагогика фанини бошқа фанлар билан нима учун алоқада бўлади?
3. Педагогикани асосий тушунчаларини айтиш?
4. «Тарбия» тушунчасини изоҳланг?
5. «Таълим» тушунчасини изоҳланг?
6. «Маълумот» тушунчасини изоҳланг?
7. Кузатиш усули нима?
8. Суҳбат усулини айтиш?
9. Болалар ижодиши ўрганиш усули нимага керак?
10. Бошқа усуллар – чи?

### **Адабиётлар.**

1. И.Каримов. «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», Т., «Шарқ». 1997.
2. И.Каримов. «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» Т., «Шарқ» 2000.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Т., 1997.
4. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» Т., 1997.
5. Ўзбек педагогикаси тарихи (проф. А.Зуннунов таҳрири остида) Т., «Ўқитувчи». 1997.
6. Педагогика. (проф. А.Мунавваров таҳрири остида) Т., «Ўқитувчи». 1997.
7. М.Ҳайитбоев. «Педагогикадан маърузалар» Нам. НамДУ. 2000.
8. И.Турсунов. У.Нижоналиев. Педагогика курси. Т., 1997й.
9. Н.Ғайбуллаев. Р.Ёдгоров. Р.Маматқулова. К.Тошмурадова «Педагогика» маърузалар матни Т., 2001й.
10. М.Ҳайитбоев. Педагогик маҳорат асослари. Нам. НамДУ. 2000.

МАВЗУ: УЎҚУВЧИ ШАХСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ТАРБИЯ.

Режа:

1. Шахс ва унинг ривожланиши ҳақида тушунча.
2. Шахснинг ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллар.
  - А) биологик омил;
  - Б) социал (ижтимоий) омил;
  - В) таълим – тарбиявий омил;
3. Болаларнинг ёш даври ва ўзига хос хусусиятлари.
4. Шахсни камол топтиришида тарбия ва ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги.

Шахс деганда муайян жамиятнинг аъзоси тушунилади. Одам шахс бўлмоғи учун руҳий тараққий этган, ўз хусусияти ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилиши лозим.

Ҳар бир одам шахс сифатида турлича намоён бўлади. У ўзининг характери, қизиқиши ва қобилияти, ақлий ривожланиш даражаси, эҳтиёжи ва меҳнат фаолиятига муносабати билан фарқланади. Булар шахснинг ўзига хос хусусиятлари булиб ҳисобланади.

Инсон тирик – биологик мавжудотдир. Демак, унинг ривожланишига табиат қонунлари, биологик ва ижтимоий – иқтисодий қонуниятлар узвий таъсир этади. Инсонни камол топтиради. Бу тушунчаларни бир – биридан ажратиш мумкин эмас. Чунки шахс фаолиятига, ҳаёт тарзига, ёши, билим, турмуш тажрибасигина эмас, балки касаллиги ва бирор бошқа фожиали ҳолати ҳам таъсир этиши мумкин.

Шахснинг камол топишида ва унинг хулқида ижтимоий ва биологик омилларнинг таъсир кучи ҳаминча ҳам бир хил бўлавермайди, чунки унинг хулқида, муносабатларига алоқаларига, ёши, билими, одатлари, тажрибаси ва ниҳоят вазият ҳам таъсир этади.

Шахснинг ривожланиш ҳолатини тўғри баҳолаш ва билиш учун уни турли муносабатлар доирасига қўйиб кузатиш лозим.

Ҳўш, болалардаги ўзига хосликни, уларнинг руҳий жараёнларини турлича бўлишини, хулқий қарашларидаги фарқни қайси омил белгилайди? Биологик омилми? Ижтимоий омилми? Таълим – тарбиявий омилларми? Бу ва бошқа кўпгина шахс фаолиятига алоқадор саволларга кишилик жамияти тарихи тараққиётида жавоб беришга, уларни назарий ва амалий жиҳатдан ҳал этишга доир уринишлар бўлган.

Педагогика шахсининг камолатга етишини мураккаб ва зиддиятли жараён деб билади. Шахсининг камолга етишида насл — ирсият (биологик), ижтимоий муҳит ҳам, мақсадга мувофиқ амалга ошириладиган таълим — тарбия ва ниҳоят ўзининг мустақил фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шахс қандай жамиятда яшаса ўша жамият ҳаётидаги қонун қоидаларига асосан камол топади. Шу жамиятнинг моддий ва маънавий бойлигидан баҳраманд бўлади. Моддий ва маънавий бойлигини яратишда иштирок этади. Агар шу жамиятнинг моддий ва маънавий бойлиги юксак бўлса, у шахсга шу қадар таъсир кўрсатади ёки аксинча. Иккинчи томондан эса, шахс фаолияти давомида меҳнат орқали моддий ва маънавий бойлигини яратиш жараёнида онгини, ҳаётини, турмуш шароитини ҳам яхшилаб боради. Ана шундай ижтимоий фаолиятлар, ўз навбатида, меҳнат турларини такомиллаштирига олиб келади. Техника ва технология (автоматика, телемеханика, механизация, ишлаб чиқариш технологияси, электрлаштириш, газлаштириш ва ҳоказо) мукамалликка эришиб боради. Оқибат натижада, улар ҳам, ўз навбатида, одамни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан ўзгаришига сабаб бўлади.

Одам атрофни, объектив борлиқни кўпроқ билгани сари онглик даражаси ўсади, фикрлаш доираси кенгаяди, янги малака ва кўникамаларни эгаллайди, янги қизиқиш ва эҳтиёжлар вужудга келади.

Демак, шахсининг камолга етишуви жамият ривожига чамбарчас боғлиқдир.

Ирсият деганда, болага ота — она ва умуман яқин аждодлардан, яъни наслдан — наслга ўтадиган биологик хусусият ва ўхшашликлар тушунилади.

Одам шахсининг ва ҳуққининг ривожланишида биологик омиларнинг таъсирини юксак баҳолаб, шахсни наслга боғлаб ўрганувчи оқимлардан бири бихевиоризм бўлиб, у XX асрнинг бошларида психология фанида кенг тарқалди. Бунга америкалик педагог ва руҳшунос Э.Торндайк асос солди. Унинг фикрича шахсининг барча хусусиятлари, шу жумладан онг ва қобилият ҳам наслдан — наслга ўтади, гўё одамнинг кўзи, тишлари ва бармоқлари каби ақлий қобилият ҳам табиатан берилгандир.

Америкалик прогматизм (прогма — фойда) педагогикасининг отахони Джон Дюн (унинг назариясини ҳозирги кунда давом эттираётган А.Комбас ва бошқалар ҳам) шахсининг ривожланишини биологик нуқтаи назардан асосладилар. «Ҳақиқий тарбия ташқаридан киритиладиган нарса эмас, у билан дунёга келган хусусият ва қобилиятни ўстиради», — дейди Д.Дюн.

Биогенетиклар (Болдуин, Чемберлен, Стенли Холл ва бошқалар) XX аср бошларида болаларнинг руҳий жиҳатдан ўсишини зоологлар Ф.Мюллер ва Э.Геккеллар томонидан кашф қилинган биогенетик қонун асосида боради, деган фикрни олға сурдилар.

Биологияда биогенетик қонун «Онтогенез филогенезни такрорлайди» деб таърифланади. Маъноси — ҳар бир организм ўзининг эмбрионал тараққиётида ўзидан аввалги босқичларни такрорлайди, яъни индивидуал организм ўзининг тухум ҳужайра ҳолатидан мукамал ҳолатига етгунча бошидан кечирадиган қатор шакллари шу организмнинг аجدодлари босиб ўтган жуда кўп шаклларнинг қисқа, ихчам такрорланиши демақдир.

Масалан, немис руҳшуноси В.Птерн янги туғилган бола ҳали инсон эмас, деб ҳисоблайди. У фақат сут эмизувчи ҳайвондир. Ярим ёшга етганда у маймун билан тенглашади. Икки ёшида бола бошланғич инсон ҳолатига етади (юради, гапиради). Беш ёшигача бўлган болаларнинг руҳий ҳолатлари ибтидоий давр одам хусусиятларига мос келади. Ўсмирлик йилларида киши ўзида ўрта аср онгини акс эттиради ва етуклик ёшида мавжуд жамиятнинг маданий даражасига мос онг эгаси бўлади, дейди. Яъни, инсон 17—18 ёшида мавжуд жамиятнинг аъзоси бўлади, деб ҳисоблайди. Баъзи биогенетиклар эса 13, 10 ва ҳатто 8 ёшда ҳам бола мавжуд жамиятнинг аъзоси бўла олади деб ҳисоблайдилар.

Австриялик руҳшунос К.Бюллер ҳатто боланинг ахлоқий жиҳатдан ўсишини ҳам ирсиятга боғлайди. Бошқа чет эл руҳшунослари боланинг руҳий тараққиётида тана тузилмаларининг эндокрин аппарати (ички секреция безлари) даги ўзгаришлар ва ҳоказолар катта аҳамиятга эга деб ҳисоблайдилар.

Назаримизда боланинг камол топишида руҳий ҳаётининг ибтидоий шакллари ва ўхшашликлари бўлиши мумкин. Бу албатта, бола табиатиининг ривожланиб кетмаганиги натижасида юз беради. Лекин боланинг руҳий ҳолати ибтидоий даврдаги одам ҳаёти билан бир хилдир, деган хулосага ишониб бўлмайди.

Биогенетиклар сифатида бола чизган расм ибтидоий кишилар чизган расмларга ўхшашлигини кўрсатадилар. Аслида ўхшашликнинг сабаби ибтидоий одам расм солишни билмаган, бола эса ҳали расм солишни ўрганган эмас. Агар катта ёшдаги киши ҳам ҳеч қачон расм солмаган бўлса, унинг дастлабки расмлари ҳам худди боланикидек ёки ибтидоий одамнидек бўлади.

Ғашириниши ўрганаётган бола эндигина сўзлай бошлаган ибтидоий одам даражасида туради, дейиш ҳам унчалик ишонарли эмас. Ибтидоий одам меҳнат қилиш жараёнида ўзининг нутқини ярата борган. Бола эса ўзи яшаётган муҳитдан тайёр тилнинг тайёр шакллари билан ўзлангириб олади. Бола нутқ ва билими орқали ибтидоий жамият тафаккурини эмас, балки ўзи яшаётган давр тафаккурини шакл ва мазмунини эгаллайди. Бола ҳаётининг дастлабки давридан ўзини ўраб олган муҳитнинг таъсири остида ўсади, улғаяди.

Айрим педагог ва руҳшунослар орасида болага бошқача қараш ҳам мавжуд. Уларнинг фикрича, инсоннинг камолати икки омилга — ирсият ва ижтимоий омилга ҳам боғлиқдир. Ирсият ўзгармайди, ижтимоий муҳит ҳам ҳамма даврлар учун ўзгармасдир.

Октябр тўнгтаришидан кейин камолга етишишнинг икки омилига асосланган педалогия деб номланган таълимот вужудга келди. Педалогия таълимотига кўра боланинг камолга етиши ва ҳатто келажаги ирсиятга ва ўзгармас муҳитга боғлиқ. Улар таълим — тарбиянинг аҳамиятини ҳисобга олмадилар. Педагоглар «тест» ва махсус анкеталар ёрдамида боланинг ақлий даражасини аниқлашни кенг қўлладилар ва тарғиб этдилар.

Ирсият, муҳит ёки таълим — тарбиянинг аҳамияти ҳақида тарихдан яна кўнлаб мисоллар келтирсак бўлади, ҳатто ирсият, муҳит ёки таълим — тарбияни инкор этувчилар ҳам бўлган.

Ирсият бор ва биологик омиларни инкор эта олмаймиз. Лекин ирсиятни мутлақо ўзгармас деб тушунамаслиқ керак. Антропология фани ютуқларига асосланадиган бўлсак, тарихий — ижтимоий тараққиёт натижасида одамнинг анатомик — физиологик белгилар (одамнинг калла суяги, қўли оёқлари, ақлий қобилиятлари ҳам) ўзгариши мумкин. Бу ўзгаришлар авлоддан — авлодга ўтади ва тобора мустаҳкамланиб боради.

Демак, бола шахсининг ривожланишига наслнинг таъсири деганда ота — онага, авлод — аждодларга ўхшовчи биологик такрорланишини тушуномқ керак. Ҳар бир бола ота — онасидан мерос сифатида биологик кўринишларга (танасининг тuzилиши ва унинг мутаносиблиги, сочининг, кўзининг, терисининг ранги, бўй — баста ва бошқалар) эга бўлиб дунёга келади. Булар жисмоний хусусиятлардир. Шунингдек, олний нерв фаолиятининг кўринишлари (холерик, сангвиник, флегматик, меланхолик) ҳам туғма ўтади, бу физиологик хусусиятлардир.

Маълумки, бола бир қанча туғма хусусият ва инстинктлар билан туғилади. Масалан, қорни очса йиғлайди, ёруғликни сезади, товуш чиққан томонга қарайди, иссиқ — совуққа муносабат билдиради ва ҳоказо. Аммо бу хил хусусиятлар ҳайвонга ҳам тааллуқлидир.



Айни вақтда болага инсонга хос хусусиятлар ҳам ирсият орқали туғма ўтади (масалан, ақлий ёки жисмоний меҳнат қилиш қобилияти, тафаккур ва пўтқининг ривожланиши ва ҳоказо), ammo булар туғма имкониятлар бўлиб, уларнинг ривожланиши учун инсон боласи инсоний муҳит, одамлар орасида яшаб, улар билан алоқа қилиши, ижтимоий меҳнатда иштирок этмоғи лозим, чунки инсон биологик мавжудот сифатидагина эмас, балки ижтимоий мавжудот сифатида ҳам ривожланади ва камолга етади. Шунингдек, ирсий йўл билан ўтган, ақлнинг ўсиши, камол топиши учун ақлий фаолият, шарт – шароит ҳам бўлиши лозим.

Физиология ва руҳшунослик фанининг кўрсатишига, инсон боласи тайёр қобилияти билан эмас, балки бирон – бир қобилиятнинг рўёбга чиқиши ва ривожланиш манбаи – лаёқат билан туғилади. Лаёқат ўз холича ривожлана олмайди, у гўё мудроқ ҳолат бўлиб, унинг уйғониши – ривожланиши учун қулай муҳит керак. Муҳит деганда кишига таъсир этадиган ташқи воқеаларнинг йиғиндисини тушунамиз. Бунга табиий муҳит (географик), ижтимоий муҳит, оила муҳити (микромуҳит) ва бошқалар киради ва улар болаларнинг ривожланишига алоҳида таъсир этади.

Агар бола ўз туғма лаёқатига мос муҳитда ўсиб, зарур фаолият билан шуғулланса, лаёқат эрта кўриниб ривожланиши, аксинча, бундай муҳит бўлмаса, йўқ бўлиши ёки мудроқлигича қолиб кетиши мумкин.

Бола туғилиши билан ижтимоий ҳаёт шароитлари, тайёр ижтимоий онг шаклларига дуч келади. У меҳнат шароитининг таъсири остида ўсади, улғаяди. Кишиларнинг ўзаро мулоқотлари натижасида боланинг нутқи шаклланади, ўсади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий муҳит кишиларнинг фаол иштироклари, фаолиятлари натижасида тарихан ўзгариб боради.

Демак, боладаги ирсий белгиларнинг ўсиши, камол топиши муҳити, яшаш шароити ва тарбияга боғлиқ десак бўлади. Бунга тарихда жуда мисоллар кўп. Алишер Навоий онасидан – шоир, Эйнштейн – физик, Улуғбек – астроном, Ибн Сино – табиб бўлиб туғилмаган, албатта. Улардаги қобилият куртакларини ривожланиши, истеъдодга айланишида ижтимоий муҳит, таълим – тарбия муҳим роль ўйнаган.

Инсон боласи, агар ижтимоий инсоний муҳитга эмас, бошқа муҳит, айтайлик ҳайвонлар муҳитига тушиб қолса, унда ирсий белгиларнинг айрим биологик кўринишлари сақланар, лекин инсоний фикр, фаолият, ҳатти – ҳаракат бўлмайди.



Жамиятнинг болалар онгига таъсир ўтказиши асосан таълим тарбия билан амалга оширилади. Бола ёшлигидан

атрофдаги кишилар билан мулоқотда бўлиб, билимлар, кўникма ва малакалар эгаллайди. У дастлаб она ва мактабгача тарбия муассасаларида, кейинчалик мактабда таълим — тарбия олади.

Болани ўраб муҳит, меҳнат ва тил оқибат натижасида тарбия воситасига айланади. Бунда муҳитнинг таъсири стихияли тарзда эканлигини ҳисобга олмоқ лозим. Шу сабабли, инсон камолотида таълим — тарбиянинг етакчилиқ қилишига имкон бериш даркор. Чунки:

1. Таълим ва тарбия жараёнида киши организмининг ўсиши ва муҳитнинг стихияли таъсири бера олмайдиган нарсаларни ўрганиб олади. Масалан, бола ўз она тилини атрофни ўраб турган муҳитнинг таъсирида ўрганиб олиши мумкин. Лекин ўқиш, ёзишни махсус таълим йўли билангина ўрганиб олиши мумкин. Махсус меҳнат ҳамда техника, билим, кўникма ва малакалари фақат таълим жараёнида шаклланади.
2. Таълим — тарбия давомида ҳатто кишининг баъзи бир туғма камчиликларини ҳам керакли томонга ўзгартириш мумкин. Кишилар баъзан туғма камчиликларидан қатъий назар, туғма камчилиги бўлмаган бошқа кишилар билан баравар фаолиятда бўлиши мумкин. Чунинчи, баъзибир болалар айрим камчиликлар билан туғилади (кўр, кар, соқов ва ҳоказо). Лекин махсус таълим — тарбия ёрдамида уларнинг ақли тўла тараққий қилади.
3. Таълим — тарбия ёрдамида муҳитнинг салбий таъсири натижасида рўй берган камчиликларни ҳам тугатиш мумкин (болаларнинг карта ўйнаши, кўполлик, сўкиши, папирос чекишлари ва ҳоказо).
4. Таълим жараёнида болада билимлар, кўникма ва малака ҳосил бўлибгина қолмай, балки илмий дунёқараш ҳам шаклланади, камолга эришиб боради. Билимлар эгалланиши унинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан ўсишига ёрдам беради. Масалан, Топмуҳаммад Алиевич Саримсоқов йигирма тўққиз ёшида академик бўлган. Виктор Гюго 15 ёшида Франция фанлар академиясининг махсус ёрлиги билан тақдирланган. Н.И.Лобачевский 14 ёшида Қозон университетига ўқишга кирган ва 23 ёшида университетнинг профессори даражасига эришади. Ўзбек олимларидан Шавкат Алимов, Шавкат Аюнов ва Раҳим Ҳайитовларга ҳам шу ёшларида профессорлик насиб этганди.

Демак, бизнинг асосий ва энг муҳим вазифамиз, болаларнинг қобилиятлари ва истеъодларини ўз вақтида



пайқаб қолиш ва уларнинг камол топишлари учун қулай шароит, таълим — тарбия беришдир.

Болаларни тўғри тарбиялаш, самарали ўқитиш учун бола ривожланишига доир ўзгаришларни, ёш даврига хос хусусиятларини билиш ва ҳисобга олиш лозим, чунки уларнинг ўсиши, ривожланиши, руҳий жиҳатдан тараққий этиши турли ёш давларида турлича бўлади. Агар ўқитувчи, тарбиячи болани ҳар томонлама тарбиялашни мақсад қилган бўлса, у ҳолда болани ҳам ҳар томонлама билмоғи лозим. Шунингдек, мақсадга мувофиқ педагогик таъсир кўрсатиш усуллариини ҳам эгаллаган бўлмоғи керак, боланинг ёши, индивидуал хусусиятларини доимо ўсишда, ривожланишда, ўзгаришда олиб қараш, фикрлаш лозим.

Тиббиёт, болалар анатомияси, физиологияси, психологияси, педагогика фанлари ютуқлари ва уларнинг тавсияларига кўра болаларнинг ёш давларини қуйидагича гуруҳлаштириш қабул қилинган.

1. Гўдаклик даври — чақалоқлик даври (туғилгандан то бир ёшгача бўлган давр).
2. Ясли даври — бир ёшдан уч ёшгача.
3. Мактабгача тарбия ёши — 3 ёшдан 6—7 ёшгача.
4. Мактаб ёшидаги кичик ўқувчилар — 6—7 ёшдан 11—12 ёшгача.
5. Ўрта мактаб ёшидаги ўқувчилар (ўсмирлар) — 12 ёшдан 15—16 ёшгача.
6. Мактаб ёшидаги катта ўқувчилар (ўсмирлар) — 16 ёшдан 18 ёшгача.

Маълум бир ёш даврига хос бўлган анатомик, физиологик ва руҳий ўзгаришлар ёш даври хусусиятлари деб аталади.

Янги туғилган бола диққат билан парваришлангга муҳтождир. Шароит яхши бўлса, жисмоний жиҳатдан тез ўсади, асаб тизими тез тараққий қилади ва такомиллашади. Бола туғилган вақтда таъми (мазани) билади, иссиқ ва совуқни сезади. Аста — секинлик билан унинг бошқа сезги аъзолари тараққий этиб боради. 3 ойлик бўлганда буюмларни фарқлайди, ўзига яқин кишиларни кўрса ҳурсанд бўлади, айрим товонларни чиқаради, 6—8 ойлик бўлганда буюмларнинг шакли ва рангини фарқлай олади. Рангдор ўйинчоқларни хуш кўради, уларга интилади.

Соғлом ўсаётган бола 11—12 ойлигидаёқ атрофидаги кишиларни танишдан таниқари, айтилиши осон бўлган айрим сўзларни талаффуз қилади, нутқи ўса бошлайди.

Боланинг 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даврини мактабгача даври деб ҳисоблаймиз. Таҷрибалардан маълумки, болалик даврида пайдо бўлган таассуротлар изи умрбод сақланиб

қолади. Бу давр боланинг ақлий ва жисмоний жиҳатдан тез ўсиши, дунёни таниши, атроф — муҳитга ўз муносабатини билдириши нотаги кучайиб бораётган давридир. Шу сабабли ота — оналар ва тарбиячиларнинг болаларни тўғри ўсишлари, ақлий, ахлоқий, эстетик жиҳатдан тарбиялашга жиддий эътибор беришлари лозим.

Мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашда:

А) соғлиги ҳақида, тартиб ва гигиена талабларига;

Б) ўйин машғулотлари, сўз, мусиқа, экскурсия, бадний ва жисмоний тарбияга;

В) ўзини тутга билиш, дўстлик — биродарликни ўрнига қўйиш, катталарга ҳурмат, ўйин қоидаларини бузмаслик, буюмларни асраш ва ҳоказоларга ўргатиш муҳимдир.

Бу даврда болаларнинг бўйи ҳар йили ўртача 6 сантиметр, оғирлиги эса 1—2 килограмм ўсади. Суяк, мускул тизими юмшоқ, эгиловчан бўлади. Шу сабабли уларни толиқтириб қўймаслик лозим.

Уларни ҳаётни ва фаолияти асосан ўйин орқали намоён бўлади.

Шунинг учун ўйинларнинг ранг — баранг бўлиши ва жамиятимиз мақсадларидан келиб чиқиб ташкил этилиши ниҳоятда муҳимдир.

Болани неча ёшдан бошлаб ўқитиш керак деган муаммо педагогика учун муҳим масала ҳисобланади. Ота — онанинг қизиқишлари асосида болани ўқитишни уdda қиладиган даражага етказмасдан мактабга бериши унинг соғлиғига зарар етказиши, бола машғулот мазмунини тушуна олмай қийналади ва ниҳоят ўқишдан орқада қолади. Аксинча ўқиши лозим бўлган пайтдан кеч мактабга берилса, боланинг соғлом фаоллик талаб этувчи руҳий кучлари номақбул томонга бурилади, у қийналиб ўқийди.

Жисмоний ўсишга хос хусусиятлари бу даврда болага нисбатан ўқитувчи — тарбиячидан эҳтиёткорликни талаб қиладди. Уларни асабийлашишдан сақлаш, кўпроқ ҳаракат қилишлари, очиқ ҳаводан фойдаланишлари ҳақида ҳамхўрлик қилишлари лозим.

Стул, партада тўғри ўтиришларига, қалам, ручкани уш қўлда тутиш, дарс пайтларида қаттиқ ҳаракат қилмаслигини назорат қилиш даркор.

12—13 ёшдан 15—16 ёшгача бўлган даврда ўқувчиларни ўсмирлар дейилади. Ўсмирлик даврида боланинг жисмоний ва руҳий тараққиётида кескин ўзгаришлар рўй бериши сабабли, бу давр ўзини даври дейилади.

Қиз болалар 13—15 ёшда, ўғил болалар 16—17 ёшда балоғатга етадилар. Бу давр кескин ўзгаришларга бой

бўлганлиги сабабли ўсмирларнинг ҳуқида бир—бирига зид ҳолатлар: гоҳ болаларча серҳаракатлилик, гоҳ сусткашлик, гоҳ жўшқинлик, гоҳ бўшанглик, гоҳ ишга кучли ҳавас, гоҳ ишни пайсалга солиш, ўжарлик қилиш ҳолатлари кўп учрайди. Шу сабабли ота—оналар ва ўқитувчи — тарбиячиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, шонилмасдан ўйлаб иш кўриш тавсия этилади.

Ўсмир болаларнинг руҳий тараққиёти қуйи синф ўқувчиларига нисбатан илгарилаб кетади. Ўқиш таъсирида ўсмирнинг умумий, абстракт тушунчаларни тобора кўпроқ тушуниб ва билиб бориши тезлашади.

Ўсмирлик даври айрим педагог ва психологлар, врачлар таъкидлаганидек тарбияга берилмайдиган давр эмас. Ўз вақтида Жан Жак Руссо бу даврни «иккинчи туғилиш» деб атаган эди. Ўсмирлик даври бола учун жуда имкониятлар берадиган даврдир.

Бу давр 16 ёшдан 18 ёшгача ва ҳатто, ундан юқори — 22—23 ёшларгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Ўспирилик ёшидаги ўқувчиларда узоқ муддатли ва тизимли таълим натижасида фикрлаш, танқидий фикрлаш ривожланади, интеллектуал қизиқиш ўсади, дунёқараш шаклланган бўлади. Бу даврда ўспирининг тасаввур ва тафаккур доираси деярли ниҳоясига етган ва ижтимоий ҳаётнинг бирор соҳасига йўналтирилган бўлади.

Энди бу даврга келиб, гавда, қоматлари тўлишиб, гўзаллашиб боради. Мускулларнинг кучи ва иш қобилияти ортиб боради. Жинсий етилиш асосан тугайди. Умуман, ўспирилик жисмоний ўсишнинг тинч даври ҳисобланиб, киши аъзоларининг ўсиши, такомилланиши ниҳоясига етади.

Ўспирилик даврининг характерли хусусиятлардан бири — ўспирин ўз—ўзига баҳо беришга интилади, хушмуомилалик, одоблилик ва вазминлик каби ахлоқий сифатлар қарор топади, такомилланиб боради.

Умуман олганда, ўқитувчи — тарбиячилар ўқувчиларнинг барча ёш давлари, жисмоний ва руҳий тараққиётидаги ўзгаришлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида етарли маълумотга эга бўлишлари шартдир. Бу маълумотлар ўқитувчининг айрим масалаларни ижобий ҳал қилиши учун, шунингдек, ўқувчиларга педагогик таъсир ўтказиш режасини тузиш учун зарурдир.

Бизнинг улуғ мақсадимиз, тарбиялашувчиларнинг қалбига яхшилик, инсоний фазилат уруғини сеппидир. Шундай қилишимиз лозимки, токи ёш авлод ўзини жамиятнинг ишончли ва керакли аъзоси, она—Ватан учун ҳар қандай ишга яроқли инсон деб ҳис қиладиган бўлсин.

## Мавзу бўйича таянч сўзлар.

Шахс ривож, биологик омил, социал омил, таълим – тарбия, жисмоний, ақлий, маънавий камол топиш, соғлом авлод, биологик, психология асослари, ёш даврлар, акселерация шахснинг ижтимоий етуклиги.

### Билимларни мустҳакамлаш учун саволлар.

1. Шахснинг шаклланиш жараёни қанақа бўлади?
2. Шахснинг шаклланишидаги асосий омиллар?
3. Биологик омилнинг нима алоқаси бор?
4. Социал омилни – чи?
5. Муҳитни – чи?
6. Ирсиятни – чи?
7. Таълим – тарбия ҳам омилми?
8. Акселерация нима?
9. Ёш даврларига тавсиф беринг?
10. Шахснинг ижтимоий етуклиги масаласи нима?

### Адабиётлар.

1. И.Каримов. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., «Шарқ».1998 й
2. И.Каримов. Баркамол авлод орзуси. Т., «Шарқ» 1999й
3. И.Каримов. Соғлом авлод – халқимиз келажаги. «Халқ сўзи» газетаси 8 декабрь, 1999й.
4. Педагогика (проф. А.Мунавваров таҳрири остида). «Ўқитувчи». Т., 1996й.
5. Турсунов И. Нишоналиев У. Педагогика. Т., 1996й

МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОҢДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ.

Режа:

1. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.
2. Таълим тўғрисидаги қонуннинг мақсади ва принциплари.
3. Таълим тизими ва турлари.
4. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.
5. Таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш.
6. Таълим тизимини бошқариш.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин барча соҳаларда ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳозир биз қийин ва масъулиятли даврни ўз бошимиздан кечирмоқдамиз. Бу эса аввало, халқимиз онгида ва фикрлашида жуда катта ўзгаришлар бўлиши билан боғлиқдир. Давр тақозоси билан маориф соҳасида ҳам катта ўзгаришлар, яъни таълим — тарбия ишини қайта қуриш, уларнинг янги ва шакл услубларини қидириб топиш, уларни амалга тадбиқ этиш, мактаб ҳаётига инсоншарварлик тушунчасини, халқ педагогикаси ғояларини тўла олиб кириш, ўқитувчи шахсини ҳурмат қилиш, ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасида ўзаро инсонча асосланган муносабатни қарор топтириш ва шу асосда мактабда ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялаш шу куннинг долзарб муаммосидир. §

Мана шу мақсадда 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Ана шу сессияда Президентимиз И.А.Каримов таълим ислоҳотлари ҳақида ўз фикрларини билдирди.

«Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслнинг тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Мана шунинг учун ҳам биз бугунги кунда биз бу масалага жиддий эътибор бермоқдамиз. Лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу иниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси, тақдири — буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб беридаган юқори малакали, онгли мутхассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз».

1996 – 1997 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг биринчи синфларида ўқини янги алифбода олиб борилди. Янги имло, алифбода ўқитиш учун зарур дастур, қўлланма ва дарсликлар яратилди.

Шу давр мобайнида 300 га яқин янги турдаги таълим муассасалари очилди. Олий ўқув юртлари қошида 46 та лицей ташкил этилди, 800 га яқин ўқитувчи чет элларда таълим олди, кўпгина ўқитувчилар ҳорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш мақсадида чет мамлакатларга бориб қайтди. Ўрта махсус таълим соҳасида вилоятларда жойларда бизнес мактаби, кичик ва ўрта мактаб учун касб – ҳунар курсларининг очилиши, бозор иқтисодиёти талабларидаги келиб чиққан ҳолда, янги мутахассисликларнинг (фермер, солиқ, божхона ходими) киритилиши эътиборга лойиқдир.

Олий мактаб соҳасида тест усули жорий этилиши, вилоят марказларида педагогика институтларининг университетларга айлантирилиши ва жойлардаги ўқув юртларига юқори таъсис низом берилиши, таъсис этилган миллий ташкилот ва ҳалқаро жамоалар ҳисобидан чет элларга тажриба алмашиш ва талабаларни ўқинига юбориши йўлга қўйилиши, чет эл мутахассисларининг жалб қилиниши ҳам шулар жумласидандир. Энди бевосита «Таълим тўғрисида»ги қонунимизга келадиган бўлсак бу қонун 5 бўлим, 34 та моддадан иборатдир.

#### **«Таълим тўғрисида» ги қонуннинг мақсади:**

Фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб – ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилгандир.

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Бу қонун ҳужжатлари, таълим тўғрисидаги қонун, кадрлар тайёрлаш миллий дастури, низомлар, қонун ости актлари, қўлланмалар ва ҳалқаро шартнома қондаларидир.

Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари ҳам қонунда белгиланган бўлиб, таълим – Ўзбекистон Республикаси ижтимоий соҳасида устивор деб эълон қилинади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб – ҳунар таълимининг мажбурийлиги;



- ўрта махсус, касб – ҳунар таълимининг йўналишини; академик лицейда ёки касб – ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш;

Фуқароларга жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъий назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланди.

Билим олиш ҳуқуқи:

- давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш;
- ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;
- таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб – ҳунар ўргатиш;
- барча турдаги таълим муассасаларининг биттирувчиларининг ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга бўлиши;
- оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида ҳалқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эга.

Таълим тўғрисидаги қонунда педагогик фаолият билан шуғулланувчи шахслар ҳақида ҳам айтиб ўтилган, яъни: тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Педагогик фаолият билан шуғулланувчи суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди. Қонунда таълим стандартларига ҳам ўзгартиришлар киритилган.

Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб – ҳунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;
- таълим тизимининг фаолият кўрсатиш ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий – педагогик муассасалар;
- таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб – ҳунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

#### **Мактабгача таълим.**

Мактабгача таълим бола шаксини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти – етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъий назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

#### **Умумий ўрта таълим.**

Умумий ўрта таълим босқичлари қуйидагича:

бошланғич таълим (I – IV синфлар)

умумий ўрта таълим (I – IX синфлар)

Умумий ўрта таълим олинш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилгандир. Мактабнинг бириччи синфига болалар 6–7 ёшдан қабул қилинади. Билимларнинг зарур ҳажминини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

Болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилишини мумкин.

## **Ўрта махсус, касб–ҳунар таълими.**

Ўрта махсус, касб–ҳунар таълими олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб–ҳунар коллежида ўқишнинг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга. Академик лицей – ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни уларнинг чуқур, табақалашган ва касбга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юртидир.

Касб–ҳунар коллежи – ўқувчиларнинг касб–ҳунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган 3 йиллик ўрта касб–ҳунар ўқув юртидир.

### **Олий таълим.**

Олий таълим юқори малакали мутахассис тайёрлашни таъминлайди.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларида ўрта махсус, касб–ҳунар таълими асосида амалга оширилади. Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи бакалаврият ва магистратурага эга.

**Бакалаврият** – олий таълим йўналишларидан бир бўйича пухта билим берадиган, ўқиш камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

**Магистратура** – аниқ мутахассислик бўйича бакалаврият негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотли шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

### **Олий ўқув юридан кейинги таълим.**

Олий ўқув юридан кейинги таълим жамиятнинг юқори малакали илмий ва илмий–педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларни таъминлашга қаратилгандир.

Олий ўқув юридан кейинги таълим олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот муассасаларида олиниши мумкин.

### **Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.**

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди ва бунинг тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **Мактабдан ташқари таълим.**

Болалар ва ўсмирларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш уларнинг бўш вақти ва дам олишнинг ташқари тизим учун давлат органлари жамоат бирлашмалари,

шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий, эстетик, илмий — техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин.

Бу болалар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари, марказлари, спорт мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар шаклида тузилиши мумкин.

### **Оиладаги таълим.**

Давлат оилада таълим олишга ва мустақил равишда таълим олишга кўмаклашади. Болаларни оилада ўқитиш ва мустақил равишда таълим олиш тегишли таълим муассасаларининг дастурлари бўйича амалга оширилади. Таълим олувчиларга ваколатли давлат муассасалари томонидан услубий маслаҳат ва бошқа йўсинда ёрдам кўрсатилади.

### **Таълим тўғрисидаги ҳужжатлар.**

Аккредитация қилинган таълим муассасаларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома) берилади. Оилада ёки мустақил таълим олганлар тегишли равишда экстерн тартибда имтиҳон тошпирган шахсларга ҳам берилади.

### **Таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш.**

Таълим муассасида таълим олувчилар қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга мувофиқ имтиёзлар, стипендия ва ётоқхонда жой билан таъминланади.

### **Таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш.**

Таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилади.

### **Етим болаларни ва ота-оналарнинг ёки бошқа қонуний вакилларнинг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш.**

Бундай болаларни ўқитиш давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жисмоний ва руҳий ривожланишда нуқсонли бўлган, узоқ вақт даволанишга муҳтож болалар ва ўсмирларни ўқитиш уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади. Болалар ва ўсмирлар бу таълим муассасаларига юбориш ота-оналар, қонуний вакилларнинг розилиги билан психологик — тиббий комиссиянинг ҳудудасига биноан амалга оширилади.

Алоҳида шароитларда тарбияланиш ва ўқитишга муҳтож болалар ва ўсмирлар учун уларнинг билим олиши, касб

тайёргарлиги ва ижтимоий тикланишни таъминлайдиган, ихтисослаштирилган ўқув – тарбия муассасалари ташкил этилади. Озодликдан маҳрум қилинган шахсларга ҳам таълим олиш учун шароитлар яратилади. (24 – модда).

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар киради:**

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;
- таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқариш ва амалга ошириш;
- таълим муассасаларини ташкил этиш, тугатиш тартибини белгилаш;
- таълим муассасаларни, педагог, илмий кадрларни аккредитациядан ва аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;
- бошқа давлатнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;
- давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;
- давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;
- давлат грантлари миқдорини ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;
- давлат олий таълим муассасасининг ректорларини тайинлаш;

### **Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари (27 – модда).**

Ўз ҳудудларида таълим муассасаси фаолиятининг ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайдилар:

- таълим муассасаларини ташкил этадилар, тугатадилар, уларнинг уставларини рўйхатга оладилар;
- ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини ваколат доирасида молиялаш миқдорларини ва имтиёзларини белгилайдилар;
- таълим сифати ва даражасига, шунингдек педагог ходимларнинг касб фаолиятига бўлган давлат талабларига риоя этилишини таъминлайдилар.

### 29-модда:

Таълим соҳасида давлат бошқаруви органлари подавлат таълим муассасаларида таълим тўғрисидаги қонуни ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилади.

Подавлат таълим муассасалари таълим тўғрисидаги қонуни ҳужжатларини бузган тақдирда аккредитация қилган органлар уларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйишга ҳақли.

### 30-модда:

Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси ва таълим олишлари учун жавобгардирлар.

### 31-модда:

Давлат таълим муассасаларини молиялаш республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

### 32-модда:

Таълимни ривожлантириш фондлари юридик ва жисмоний шахсларнинг шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин.

Таълим муассасалари таълим муаммолари юзасидан ҳалқаро ҳамкорликда иштирак этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Таълим тўғрисидаги қонуни ҳужжатларини бузишда айблар бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

### Мавзу бўйича таянч сўзлар.

Қонуни, миллий дастур,ғоя, миллий ғоя, миллий мафкура, онг, фикр, ақл, қалб, руҳ, маърифат, мактаб таълими, тарбияси, таълим – тарбия жараёнининг узлуксизлиги бошланғич, тўлиқсиз, ўрта маълумот. Билим олишда тенглик, Диний ташкилотлардан ажратилганлиги, ўз она тилида ўқиш, ҳунар коллежи, Академик лицей, ўқитувчи ҳуқуқи.

### Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Баркамол авлод деганда нимани тушунасиз?
2. Халқ таълими тизими нимани англатади?
3. Халқ таълими тўғрисидаги Қонуни – чи?
4. Миллий дастур нима?
5. Таълим – тарбия узлуксизлиги деганда нимани тушунасиз?
6. Маълумот турларини шарҳланг.
7. Нега мактаблар диний ташкилотлардан ажратилган?
8. Ҳунар коллежини шарҳланг?

9. Академик лицейни шарҳланг?
10. Ўқув – тарбия муассасаларини нима учун узлуксизлиги бирлиги таъминланган?

#### Адабиётлар.

1. И.Каримов. «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» Т., «Шарқ» 1997 й.
2. И.Каримов. «Баркамол авлод орзуси». Т., «Шарқ» 1999й.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни Т., 1997й.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Т., 1997 й.
5. М.Хайитбоев. Педагогикадан маърузалар. Н., НамДУ. 2001й

### IV БОБ

#### МАВЗУ: ЎҚИТУВЧИ ШАХСИ ВА УНГА КЎЙИЛГАН ПЕДАГОГИК ТАЛАБЛАР.

Режа:

1. Ўқитувчи инсон қалбининг меъмори.
2. Бўлажак ўқитувчининг педагогик қобилиятлари.
3. Муаллимнинг маърифатпарварлик фазилатлари.

Мамлакатимизнинг маданий ва иқтисодий ривожланиши ҳар бир соҳада юқори малакали мутахассисларга эҳтиёжнинг янада ошиб бораётганлигини тақозо қилмоқда.

Халқимиз азалдан ўқитувчи ва мураббийларнинг олий ҳиммати, уларнинг ғоят инсоний ва масъулиятли меҳнатларини қадрлаб кетган. Дунёда нуфузли касблар кўп, аммо улар орасида ўқитувчилик касби алоҳида юксак мавқега эга. Айни замонда ўқитувчи касбига ниҳоятда ката талаблар қўйилади, чунки биз мураббий муаллим кўлига фарзандларимиз келажagini, тақдирини ишониб топширамыз.

Мустақил Ўзбекистондаги катта ўзгаришлар, давлатимиз тараққиётидаги ислоҳотлар, халқ таълимига ҳам мутлоқ янгича ёндалишини талаб этипти. Ўз истиқлол ва равнақи йўлига эга давлатнинг улкан вазифаларини ҳаётга жорий эта оладиган жаҳон мезонлари даражасида билимли ва малакали, ахлоқан пок ва маданиятли, юртпарвар ёш авлодни ўқитиш, тарбиялаш, кўмак қўқаролар этиб шакллантириш мактабнинг бош

вазифасидир. Шу боис республикамиз раҳбарияти мактабни истиқдолнинг таянчи — халқ таълимининг раънақиға, узлуксиз устивор йўналишни сифатида ёнданмоқда.

Мактабга эътибор, шубҳасиз таълим тизимининг янгилаенишига кенг кенг имкон бермоқда. Янги турдаги мактаблар: лицей, гимназия, катталар таълим марказлари, ихтисосланган мактаблар, синфлар, ўқув гуруҳлари, лицей боғчалар, шунингдек, ўқитишнинг хилма — хил янги дастурлари, техникавий воситаларни вужудга келтирмоқда.

✓ Ҳозирги замон ўқитувчиси, ҳамма замонларда бўлганидек, аввало ўзи тарбияланган, кенг мушоҳадали, дунёқараши ва билим доираси юқори даражали, эл ўртасида обрўли, комила инсон бўлмоғи, илмий ҳақиқатни ёшлар онгига етказиш билан таъсир юритишга, мустақил хулосалар чиқаришга ўргата оладиган маҳорат эгаси бўлиши зарур. Айни пайтда бола қалбида Ватанга ва инсонга муҳаббат туйғусини унинг онгига сингдира олиш, ёш авлод келажак фаровонлигининг таянчи эканлигини англага билиш лозим.

Биз ўқитувчини ҳурмат ва эъзоз билан қалбимизнинг — маънавий меъмори деб атаимиз. Бу одилона фикр. Мактабга илк бор йўл олган фарзандларимизни ана шу мураббий қўлига ишониб топшираимиз. Фарзандларимизнинг билими, тарбияси, одоби мактабга ва ўқитувчига боғлиқ.

Касбига содиқ, жонкуяр, билим доираси кучли ишнинг кўзини билладиган ҳақиқий мураббий дарс бераётган фанига ва ўзига нисбатан болаларда ҳурмат, муҳаббат олади. Ана шундагина дарс учун зарур бўлган билим бериш ва билим олиш сари йўналтирилган эътирос, фаолият, ички яширин туйғу, қобилиятларнинг ривожланишига қулай шароит яратилади.

Инсон муҳаббат билан тирикдир. Ватанга муҳаббат, оилага, фарзандга муҳаббат, ўқитувчининг ўқувчига бўлган муҳаббати билан инсон бу ёруғ олмада бахтли яшайди. Ўқитувчи қайси миллат фарзанди бўлишидан қатъий назар — ҳаммасини бирдек кўриб, ўз фарзандидек севиб ўқитган муаллим инсон шахсини камол тонтирадиган буюк устоздир. Зеро муаллимлар инсонга кичик ёшдан тарбия бериб, илм хазинасига олиб кирадилар. Шу жиҳатдан олганда уларни ҳеч муболағасиз инсон қалбининг меъморлари деб аташимиз мумкин.

✓ Ҳозирги ўқитувчи қуйидаги талабларга ўзини тайёрлаши, мақсадга мувофиқдир.

1. Ўқитувчи ўқитиш ишини ҳозирги замон фан техника тараққиёти вазифаларига боғлаб олиб бориши билан бирга ўз фанини чуқур эгаллаши лозим.
2. Ўқитувчи педагогик одобга риоя қилиши керак. Педагогик одоби ўқитувчилик касбига ҳос хусусият



бўлиб, у ўқитувчининг болалар билан ишлаш жараёнида маҳорат сифатида юзага чиқади. Дарҳақиқат, педагогик одоби ўқитувчининг ўзини тутилиш, ўқувчилар билан алоқасидаги психо— педагогик фаолиятдир. Педагогик одоби—бу шароитта қараб тўғри педагогик йўл, метод излаш билан кўринади.

3. Бўлажак ўқитувчи педагогик маҳоратни тинмай эгаллаб бориши, чунки ўқувчилар ҳар соҳада мурожаат қилишлари ва қошиқарли жавоб олишлари лозим. Дарс жараёнида ўқувчилар билан бўлган муомилада ўқитувчининг маҳоратлари ва ишғизоми билан белгиланади. Бўлажак ўқитувчи ўз устида тинмай ишласа, таълим ва тарбия соҳасидаги илғор ўқитувчиларнинг тажрибаларини ўрганиб, уни ўз ишига ошириб бориши мумкин. ✓

4. Бўлажак ўқитувчи фақат назарий билимларни эгаллаш билан чегараланмай, амалий малака ва кўникмаларни эгаллаши ҳам талаб этилади. Айниқса педагогик, психологик билимлар асосида ўқувчиларни илмий билим, дарс бера билиши, тарбиявий ишларни режалаштириш, ўқувчилар ташкилотига педагогик раҳбарлик, синфдан ва мактбдан ташқари ишларни уюштира билиш, ота—оналар, жамоатчилик ўртасида тарбиявий ташкилотчилик ишларини самарали олиб бориш каби билим ва малакаларни эгаллаш лозим.

✓ Қозирги шароитда ҳам, келажакда ҳам бўлажак ўқитувчининг бажариши лозим бўлган вазифалари қуйидагилар бўлиб қолади.

1. Ўқувчиларга таълим—тарбия бериш.
2. Ижтимоий сиёсий ишларни олиб бориш.
3. Ижтимоий психологик ишларни олиб бориш.
4. Услубий ишларни ўрганиш.
5. Маҳоратли ўқитувчининг педагогик тажрибасини ўрганиш.
6. Илмий—текшириш ишларида қатнашиш. ✓

Бўлажак ўқитувчининг тайёрлаш муайян касбий сифатларни шакллантириш, уларни малака ва кўникмага айлантириш олий таълимни диққат эътиборида бўлиши керак. Бу касбий сифатларни қуйидагича белгилаш мумкин.

1. Педагогик касбни совиш ва бу касбни жонажон иш деб билиш.
2. Педагогик касбининг жамиятдаги ўрнини, ижтимоий аҳамиятини ва обрў—эътиборини юракдан ҳис этиши.
3. Болаларга ўз фаолиятининг асос ва мезони сифатида ёндашиши ва ўқувчининг эҳтиёжлари, характери,

хусусиятга эини тушуна билган ҳолда унга тўғри таъсир қила билиш.

4. Педагогик кузатувчанлик ва зийракликни ўзида мужассамлаштириш.
5. Педагогик назокатни эгаллаш.
6. Педагогик ижодий ҳаёл қила олиш.
7. Ташкилотчилик қобилиятини бўлиши.
8. Ҳар томонлама билимли бўлиш, ўз маънавий бойлигини ошириб бориш.
9. Ўқувчига ва ўзига нисбатан талабчанликни бўлиши.

Бўлажак ўқитувчида бундай нисбий сифатларни бўлиши келажақда муваффақиятли иш олиб боришига ёрдам беради.

Ўз – ўзидан равшанки бўлажак мутахассис – юксак маданиятли, ғоят билимдон, ҳақиқий зиёли бўлмоғи мумкин.

Бундан буён ҳар қандай ўқитувчининг бутун педагогик фаолияти назария билан амалиётнинг фан билан турмушнинг бирлигига асосланади.

4 Педагогик қобилият деганда биз шахснинг таълим – тарбия ишида юқори натижага эришиши шартли бўла оладиган психик ва педагогик хусусиятларнинг бирлигини тушунамиз.

Педагогик қобилиятларнинг турлари қуйидагиларни ўз ичига олади.

Педагогик қобилиятларнинг турлари қуйидагиларни ўз ичига олади.

1. Дидактик қобилият – таълим жараёнининг қонуниятларини тушунган ҳолда ўқитиш услубларини муваффақиятли ишлаб чиқишга ёрдам беради.
2. Конструктив қобилияти – бу тарбияланувчини шахсий лойиҳалаш ва таркиб топштиришни таъминлаш ҳар хил вазиятда ўқитувчининг боланинг ўз – ўзини тутишини билиш.
3. Перспектив қобилият – (кузатувчанлик қобилияти) – боланинг психик ҳолатини шу дақиқада ўқувчига қараб тушуниши бу ўқитувчидан диққат эътиборли, сезгир, кузатувчан бўлишни талаб қилади.
4. Экспрессив қобилият – ўқитувчи ўз фикрларини, билимларини, ҳис – туйғуларини, эътиқодини илҳами орқали, мимика орқали баён қилиш.
5. Коммуникатив қобилият – болалар билан ўқитувчининг ўзаро тўғри муносабат ўрнатишига ёрдам беради.
6. Ташкилотчилик қобилият – ўқув – тарбия ишларини ташкил қилиш ва ўтказишга ёрдам беради.

Педагогика олий ўқув юртраларида таълим ва тарбия ишларини муваффақиятли бориши ўқитувчининг таълим жараёнига бўлган муносабатининг таълим жараёнига бўлган

муносабатига, унинг ақлий характериға ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ўқитувчи фаолиятида фақат билимларни баён қилиш билан чегараланиб қолмай, талабанинг педагогик қобилиятини тартибга солишга ҳам боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида бўлажак ўқитувчининг педагогик қобилиятини тартибга солишга ҳам боғлиқ. Уни келажакда яхши мутахассис бўлиб етишиши учун замин тайёрлайди.

‡ Ҳар қандай бўлажак педагог — энг аввало маърифатпарвар ўқитувчи, ҳукумат ички ва ташқи сиёсатини тарғиботчиси, фан — техника ва маънавият ютуқларини элга етказувчи буюк сиймодир. Шунинг учун ҳам педагогнинг ҳамма фазилатлари ичида фақат биттаси хал қилувчи ўрин эгаллайди. Бу педагогнинг ғоявий эътиқоди, маърифатпарварлик қобилиятидир.

Тарбиявий ишда муваффақиятга эришиш учун бўлажак ўқитувчи маънавиятимизнинг назарий асосларини чуқур билиши ва бу соҳадаги билимларини бойитиши асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Маърифатпарвар педагогнинг асосий фазилати ўз соҳасини тарғиб қилаётган ғояларини мукамал билишидир.

Бу бўлажак педагогдан чуқур илмий тайёргарликни ва ўрганаётган фани юзасидан билимларини мунтазам бойитишини талаб этади. Ҳозирги замон ўқувчилари, айниқса юқори синф ўқувчилари кўп нарсадан хабардорлар, чунки улар телевизорда бўладиган кўрсатувларларни мунтазам кўриб борадилар, ташқи таъсир этувчи ахборотларни тез қабул қиладилар, мактаб ва олийгоҳларда ташкил этиладиган илмий тўғаракларда иштирок этадилар. Бўлажак ўқитувчи ҳар соҳада мутахассис бўлиши лозим. У саволларни ўқувчилар билан батафсил таҳлил қилиш билан бирга уларда маънавий дунёқарашни шакллантиришга ўз хиссасини қўшади. Лекин шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай фан ўқитувчиси, ҳар бир педагог бир томонлама маълумотга эга бўлишдан қониқмаслиги керак. Ўқувчиларни қизиқишлари ва эҳтиёжлари кенг, шунинг учун улар ўз мураббийсидан фан — техника ва маданиятнинг турли соҳалари тўғрисидаги билимини кутадилар. Яхши маърифатпарвар педагогнинг яна бир характерли белгиси, бу талабанинг руҳиятини билишдир. У ёки бу ғояларни қабул қилувчи кишиларнинг қизиқишлариши, эҳтиёжлариши, билимларини ва олаётган маълумотларини ўзлаштириш даражасини яққол тасаввур қилиш лозим. Янги маълумотлар олаётган талабаларнинг қобилиятларини ҳис қилиш маърифатпарвар — педагог учун катта аҳамиятга эга.

Маърифатпарвар ўқитувчининг яна бир таъсирчан фазилати, ҳушчақчақ ва ўтқир сўзликдир.

Маърифатпарварлик ҳам маҳорат талаб этади. Шунинг учун айрим услублари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

1. Ишонтириш — услуб хилма-хил усуллари билиш, бўлажак педагогга ўқувчиларнинг қизиқишларини оширишга, уларнинг руҳиятига таъсир этишга, шахсининг ривожланишига, маънавий дунёсини шаклланишига ёрдам беради.
2. Изланиш — услуб талабаларнинг айрим муаммолар ҳақида ўйлаб кўришга мажбур этувчи услубдир. Шу билан бирга бу йўл билан талабаларнинг тафаккур доираси синаб кўрилади ҳамда эҳтиёжлари ҳисобга олинади. Айрим тоншириқларни мустақил бажариш мангикий ўйлаб кўришга ундайди.
3. Муозара — бу услубни қўлланиши ўқувчи — талабаларнинг ўзаро бахslashувга фикр алмашинувга ва олинган билимларни ўзаро мулоҳаза қилиб, умумий хулоса чиқаришга имкон туғдиради.

Маърифатпарвар ўқитувчининг таъсирчан воситаси юқорида санаб ўтилган услублардан ташқари, унинг сўз бойлиги, нутқ маданиятини эгаллаши ва ундан фойдалана олиш санъатини эгаллашга ҳам боғлиқдир.

Маърифатпарвар ўқитувчининг кенг тарқалган иш формаларидан бири бу оғзаки сўзга чиқишдир. Бу ҳар бир бўлажак педагогдан нутқ маданиятининг эгаллашни талаб этади.

Нотиқлик санъати қуйидаги характерли белгилар билан ажралиб туради.

1. Тўрилиги — ўзбек адабий тили меъёрига бўйсилиши.
2. Тозалиги — маънавиятга тўғри келмайдиган сўзларни гапирмаслик.
3. Ақллилиги — ҳар бир сўз ўз ўрнида ишлатилиши ва сўзлар бир-бирига маъноли боғлиқ бўлиши.
4. Мангиклиги — ишлатилган жумлалар ёки ҳар бир тўлиқ гап маъно жиҳатидан бир-бирини тўлдириши, кетма-кетма келиши.
5. Равшанлиги — нутқ қисқа ва маъноли аниқ бўлиши.
6. Соддалиги — тингловчиларни илм савиясига тўғри келиши.

Педагог учун ҳар қандай сўзга чиқиш, фақатгина тингловчиларга маълумот бериш эмас, балки уларнинг эътиборини қозонишдир. Маърифатпарварликнинг асосий мақсади ҳам ўтказилаётган суҳбатни ҳар бир кишига тааллуқдигидир.

Бошқаларнинг гапларини, хулосаларини ҳурмат қилиб эшитиш, маърифатпарвар фаолиятининг асосидир. Баъзи педагоглар ўз талабалар орасида муозара уюштиришни

эплогмайди, сабаби бу уларнинг мунозара олиб бораётган мавзу бўйича талабаларнинг ўз фикрини айтишга имкон бермаслигидир. Ўз обрўси ва билимдонлиги билан бошқаларнинг эркин фикр юритишга тўсқинлик қилишидир. Маърифатпарварлик ҳар бир ўқитувчидан зиё таратишни, ўз тингловчиларининг ҳар томонлама маънавий жиҳатдан тарбиялашдир. Маърифатли, маънавияти бой бўлажак ўқитувчигина она халқимизни келажак сари етаклай олади.

### **Мавзу бўйича таянч сўзлар.**

Ўқитувчи – жамиятнинг етакчи кучи, ўқитувчига қўйилган педагогик талаблар, ўқитувчи қобилиятлари, дидактик, конструктив, преспектив, экспрессив, коммуникатив, ташкилотчилик қобилиятлари, ўқитувчи ҳуқуқи.

### **Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар.**

1. Ўқитувчи жамиятда қандай шахс?
2. Ўқитувчининг вазифалари нималардан иборат?
3. Ўқитувчига қандай талаблар қўйилади?
4. Ўқитувчи қандай қобилиятга эга бўлиши керак?
5. Дидактик қобилиятга тавсиф беринг?
6. Конструктив қобилиятга тавсиф беринг?
7. Преспектив қобилиятни шарҳланг?
8. Экспрессив қобилият нимага керак?
9. Коммуникатив қобилият – чи?
10. Ўқитувчининг ҳуқуқи нималардан иборат?

### **Адабиётлар.**

1. И.Каримов. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998й
2. И.Каримов. Баркамол авлод орзуси. «Шарқ». Т., 1999й
3. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Т., 1997й
4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т., 1997й
5. Педагогика (проф.Мунавваров таҳрири остида). «Ўқитувчи». Т., 1996й
6. М.Ҳайитбоев. Педагогик маҳораат асослари. Н., НамДУ. 2000й
7. М.Очиллов. Университетлар тизимида педагог ходимлар тайёрлаш муаммолари. «Таълим – тарбия» журнали. 6 – сон. Т. 1997й

*ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТ АСОСЛАРИ  
(Дидактика)*

## V БОБ

МАВЗУ: ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ.

Режа:

1. Халқ педагогикаси ва ўзбек педагоглари ижодида таълим жараёнини талқин этилиши.
2. Таълим жараёнида билиш фаолиятининг тутган ўрни.
3. Таълим жараёнининг икки томонлама характери.
4. Билиш фаолиятини босқичлари.

Таълим жараёни билиш фаолиятини умумий қонуниятларини ўргатади.

Таълим назариясида таълим жараёни тушунчаси ўз моҳияти билан таълим қойдаларини, методлари ҳамда ташкилий шаклларни ўз ичига олади. Таълим жараёнининг асосий вазифаси ёш авлодни илмий билимлар, кўникмалар ва малакалар тизими билан қуроллантиришдан иборатдир.

Шарқ халқлари педагогикасининг буюк алломаси Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асари орқали илм—фан, маърифатни аҳамияти, таърифи ва тавсифида одамларни тинмай илм олишга, билим ўрганишга ундади. Дунёдаги барча хайрли ишлар, эзгу амаллар негизида илм—маърифат ётади, илм зиёси туфайли жаҳолат зулмати ёзилади, фикр равшанланади, оламга рўшнолик таралади. Ҳар бир соғлом фикрли одам дунёнинг борлиқ ишларидан огоҳ бўлиши, бунинг учун тинмай билим олиши, маърифатга интилиши керак.

Мутафаккир Абу Райҳон Беруний (973—1048) илмнинг қадр—қимматини юксак баҳолаган ҳолда, инсоннинг чип фазилати илмда эканлигини алоҳида таъкидлайди: «Илм ўзи лаззат бағишлайди. Одамлар илм туфайли эзуликка эришадилар. Улар илм туфайли ёвузликдан халос бўладилар. Шунинг ўзи энг аниқ фойда, энг катта давлат эмасми, ахир».

Билимлар ривожида шарқнинг буюк алломаси Ал Хоразмийнинг салмоқли улиши бор, албатта. Бу буюк олим алгебра, арифметика, астрономия, география ва музика соҳаларида бир қанча асрлар ёзган. Унинг «Алжабр ва ал муқобала ҳисобидан қисқача китоб» асари асосида алгебра пайдо бўлди.

Ўзбек шеърятининг буюк даҳоси Алишер Навоийнинг дидактик мероси унинг бебаҳо «Ҳамса» асарида, ҳикматларида, лирик дурдоналарида ўз ифодасини топган. Масалан: «Фарҳод ва Шириш» дostonидаги Фарҳод илми, ҳунарли, ижодкор шахс. Фарҳод илм – ҳунарни ҳаёт билан боғлайди.

«Садди Искандарий» дostonидаги Искандар образи истеъдодли олим, илм – маърифатнинг жарчиси ва ҳомийси сифатида талқин этилган. Искандар илм ва ақл кучи воситасида давлатни бошқарганлиги туфайли мамлакат обод, халқи фаровон ҳаёт кечиради.

Алишер Навоий ҳаётининг сўнгги даврларида битган «Маҳбубул қулуб» чуқур таълим – тарбиявий аҳамиятга молик фалсафий асардир. Асарда донишманд алломанинг уғитлари, панд – насиҳатлари мужассамланган. Асар шоирнинг келажак авлод билан ҳаёлан мулоқатлари тарзида ёзилган.

«Маҳбубул қулуб» баҳонасида улуғ адиб Алишер Навоийнинг педагогик қарашлари ҳақида сўз юритилар экан, бу ноёб асар бир баҳр эканлигини ҳар бир педагог унутмаслиги, таълим жараёнида бу панду – насиҳатлардан унумли фойдаланмоғи керак. Зотан, «Маҳбубул қулуб»да шоирни ўйлантирган муаммолар бугунги кунимизга ҳам ниҳоятда мос тушади.

Ўзбекистонда таълим жараёнини ташкил топиши ва ривожланишида Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Муҳаммадрасул Расулий, Қори Ниёзий, Озод Шарофиддинов каби педагог ва олимларнинг номлари билан боғлиқ.

Таълим жараёнида ўқувчи билмасликдан билишга, нотўғри ва ноаниқ билишдан тобора тўлароқ ва аниқроқ, чуқурроқ билишгача бўлган педагогик жараёни босиб ўтади. Бу жараёнда уч фаолият:

- 1) ҳиссий идрок этиши
- 2) абстракт тафаккур
- 3) амалда синтаб куриши жараёни акс этади.

Биз яшаб турган дунёни билиш жараёнида кўплаб ҳодисаларнинг ташқи ва ички моҳиятини билиб оламиз.

Билим жараёнида мушоҳада, тасаввур ва мавҳум тафаккурга асосланиб фактлар умумлаштирилади ва илмий ҳулосалар чиқариши натижасида назариялар, қонуналар асосий тушунчалар яратилади

Билим иккига: назария ва амалиётга бўлиниб, ҳар қандай назария ўз тасдиғини амалиётда топади. Назария янги билимни янгича билишни бошлаб берувчи тизимли ғоядир. Назария ҳар хил шаклда ифодаланади:

- 1) аксиома
- 2) теорема

- 3) қонуш
- 4) формула
- 5) график рақам ва бошқалар.

Назарияда ғоя шаклланади.

Амалиёт билимларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини кўрсатувчи мезондир. Гарчи шундай бўлсада амалиёт ҳам ўз шакллариға эға. Булар қуйидағилар:

- 1) кузатиш
- 2) тажриба
- 3) ўзгартириш
- 4) яратиш ва бошқалар

Амалиёт ижтимоий ҳаёт ва табиатнинг мураккаб жараёнларини билиб олишда инсон учун асосий қурол бўлиб хизмат қилади.

Таълим жараёни инсоннинг билиш фаолиятини шакллантиради. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг билим, малака кўникмалари ҳосил қиланади. Ўқувчида дунёқараш, фикр ва эътиқодларни шакллантиради.

Таълим жараёни ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти бўлиб, икки томонлама характерға эғадир.

- 1) таълим бериб, ўқувчиларда янги билим, малака, кўникма ҳосил қиланади.
- 2) Тарбия бериб, ўқувчиларда ахлоқий, ақлий, жисмоний, эстетик қарашларини шакллантириб боради, натижада муайян даражада ўқимишли, маданиятли, тарбияли чин инсон бўлишға йўл очади.

Ўқитувчининг фаолияти ўқув материалларини баён қилиш, тушуштириш, билим беришдан, ўқувчиларда фанға қизиқишини таркиб топтиришдан, ўқувчиларнинг мустақил машғулотлариг раҳбарлик қилишдан, уларнинг эғаллаган билимларини текшириш, ўқув жараёниға қизиқтириш, рағбатлантириш ва билганларини холис баҳоланшдан иборатдир.

Ўқитувчи фаолияти таълим жараёнини ташкил этади, чунки у ўқитади таълим беради, ўргатади.

Ўқувчи фаолияти таълим жараёнида ички фаолият бўлиб, ўқитувчи берган билимларни англаб олади ва тушунади. Ўқитиш билишдан фарқли ўлароқ муаллим раҳбарлигидан амалға оширилади.

Таълим жараёнида фаннинг энг зарурий, энг муҳимлари аста-секинлик билан ўзлаштирилади. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчиға билим берар экан, уни соддадан мураккабға, осондан қийинға томон стақлайди, худосалар чиқаришға, ҳаётда, ишлаб чиқаришда қуллаш билишға ўргатади. Ўқитувчи ўзи ўтаётган



мавзуни қанчалик содда усулда баён қилмасин, у чуқур илмийликка асосланган бўлиши лозим.

Ўқитувчи мавжуд билимларни ўргатар экан ўша жараёнда болаларнинг имкониятларини ўрганади, қийинчиликларини кўради, уларни бартараф этиш чораларини излайди.

Таълим жараёнида билиш фаолияти босқичма — босқич амалга ошириб борилади. Ўқитувчи ўқувчиларни янги билимларни ўзлаштириб олишга, уни ҳаётда қўлай олишга ўргатиб боради. Бу тасодифий ҳодиса бўлмай, ўқув жараёнини маънавий шуни тақазо этади.

Таълим жараёнида билиш фаолияти идрок қилиш, тушуниш, мустаҳкамлаш ҳамда уларни амалда қўллаш босқичлари иштирок этади. Бу босқичларсиз ҳеч қандай янги билимларни олиш мумкин эмас.

Идрок — борлиқни инсон онгида акс этилишидир. Идрок икки хил бўлади: тўғри идрок, нотўғри идрок. Баъзан ўқувчи нотўғри идрок қилиши ҳам мумкин. Масалан: кутаётган одамга ўхшаш одам кўринса, худди ўзи кутаётган одам дейди, яқинлашганда қараса бошқа одам бўлиб чиқади. Худди шунга ўхшаш билимларни ўзлаштириб олаётганда нотўғри идрок этиш табиийдир.

Ўқувчиларнинг идрок этадиган билимлари, амалий тажрибаси даражасига қараб муайян мақсадни кўзловчи жараён бўлмоғи керак.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятидаги иккинчи босқич билимларини англаб олишдир. Тушунчаларни англаб олишда индукция ва дедукция каби фикрлаш масалалари орқали фикр юритиш педагогик тажрибада синалган усуллардир. Индукция — (майдалаш), яъни хусусий ҳоллардан умумий ҳолида борадиган, дедукция — (йириклаштириш), яъни умумийдан хусусийга борадиган фикр юритиш йўлидир.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятидаги учинчи босқич — билимларни мустаҳкамлаш ва қўлланишдир.

Мустаҳкамлаш — янги билимларни идрок қилиш жараёнида ҳосил бўлган муваққат боғланишларни пухталаштиришдир. Мазкур педагогик жараёнда бўш ва беқарор боғланишлар мустаҳкамланиб боради. Бунинг учун ўқитувчининг китоб ва дарсликлар билан мустақил ишлашидан, турли хил машқлар, амалий машғулотларни бажариш, кўргазмали қуролли, компьютерлар устида ишлашларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Ўрганилган билимларнинг кейинги мустаҳкамланиши уй тошириқларини бажариш жараёнида давом эттирилади.

Билим, кўшма малакаларни муваффақиятли эгаллаб олиш воситаларидан бири — аввал ўзлаштириб олган

билимларни амалда қўллансидир. Амалиёт давомида билимларни амалда қўллансидир. Амалиёт давомида билимлар тўлдириб борилади, уларни амалда қўллаш кўникмаси ҳосил қилинади. Амалий вазифаларни ҳал қилиш вақтида билимларга эҳтиёж пайдо бўлади, бу эса янги билимларни эгаллаш учун туртки бўлади.

Ўзбек мактаби олдига «Халқ таълими» тўғрисидаги Қонун ва «Миллий дастур» катта ва шарафли вазифаларни қўйди. Таълим жараёнини такомиллаштириш, янги технологияни ишлаб чиқиш, узлуксиз таълимни таркиб тоштириш, таълим жараёнини сифатли ва талаблар даражасида ташкил этиш имконини беради.

### **Мавзу бўйича таянч сўзлар.**

Ҳиссий идрок этиш, абстракт тафаккур, синаб кўриш, мушоҳида, аксиома, қонун, кузатиш, тажриба, ўзгартириш, кўникма, малака, мустаҳкамлаш, тушуниш, англаш, умумлаштириш, қўллаш.

### **Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар.**

1. Таълим жараёнини талқин этиш?
2. Таълим жараёнида билиш фаолиятини ўрнини кўрсатиш?
3. Таълим жараёнини икки томонлама характерини ажратинг?
4. Ўқитувчи фаолияти қандай бўлиши керак?
5. Ўқувчи фаолияти – чи?
6. Тўғри идрок қанақа бўлади?
7. Нотўғри идрок – чи?
8. Мустаҳкамлаш нима учун керак?
9. Билиш фаолияти босқичларини айтиш?
10. Ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини асосий мезонлари нималардан иборат?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. И.Каримов. Баркамол авлод орзуси. «Шарқ» матбаа нашриёти. Тошкент 1999 йил.
2. «Халқ таълими» тўғрисидаги қонун. Т., 1997 й.
3. «Миллий дастур» Т., 1997 й.
4. Авторлар жамоаси. «Педагогика» Тошкент. «Ўқитувчи» – 1996 й.
5. Авторлар жамоаси. «Педагогика тарихи хрестоматияси» Тошкент. «Ўқитувчи» – 1997 й.
6. М.Ҳайибоев. Педагогикадан маърузалар. Н.НамДУ.2000й.

### МАВЗУ: ТАЪЛИМ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ҚОНЛАЛАРИ.

#### Режа:

1. Таълимнинг илмий, тизимли ва изчил бўлиши қондаси.
2. Таълим – тарбиянинг бирлиги ва таълимда назариянинг амалиёт билан ўқитиш қондалари.
3. Таълимда кўрсатмалилик, онглилик, фаоллик ва мустақиллик қондалари.
4. Таълимда билим, кўникма ва малакаларни пухта ва мустаҳкам ўзлаштириш, ўқувчига хос хусусиятларни ҳисобга олиш қондалари.
5. Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик қондаси.
6. Таълимда кўрсатмалилик қондаси.
7. Таълимда ўқувчига хос хусусиятларни ҳисобга олиш қондаси.

Маълумки, қонуният — бу барқарор, зарурий, у ёки бу ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги муганосиблик ва муҳим алоқа. Ижтимоий эҳтиёжлар ва шароитлар ўқув жараёнининг характери, унинг вазифалари, мазмуни, шакллари, усуллари ва воситалари қонуний равишда аниқлаб беради. Агар ўқитиш жамият талабларини эътиборга олмаса, у ҳолда уни, албатта, қайта қуриш, такомиллаштириш керак.

Демак, таълим бериш, тарбиялаш ва ўқувчиларнинг умумий ривожланишини бир бутунликда амалга ошириш зарур. Ифодаланган қонуний дидактик алоқаларни ва ўқитиш қондаларини илмий асосланган ўзаро боғланишда қўллан кўникма ва малакаларни чуқур, пухта, онгли ва таъсирли ўзлаштирилишини таъминлайди. Ўқитишни айнан шундай натижага қаратиш унинг онглилик, пухталик, таъсирчанлик қондаларини характерлайди.

Таълимнинг мазмуни ҳаёт, ҳозирги замон фани билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам, вазифаларда мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши жадаллаштириш муаммолари, ишлаб чиқаришни механизациялаш, автоматлаштириш, компьютерлаштириш каби асосида интенсификация уз аксини топиши керак.

Ҳар бир ўқитувчи англаб етиши муҳимки, ўқув жараёнини самарали қуриш бу, инда ўзини оқлаган педагогик қонуниятлар, қондалар, дидактик қондаларни ҳозирги замон шароитидаги янги масалаларни ҳал қилишда ижодий фойдаланган ҳолда, улардан бутунлай ва ўзаро алоқада фойдаланиш демакдир.

Ўқитишнинг муқобил томонларини танлаш учун бутун қонуниятлар бирлигини ва дидактик қоидаларни эътиборга олиш зарур.

Ўқитиш қонуниятларидан уни самарали ташкил этишга инсбатан муайян муҳим талаблар келиб чиқадики, буни ўқитиш қоидалари деб атайдилар. Ўқитиш қоидаларини билиш ўқитишнинг зарур усулларини янада ишончлироқ танлашга имкон беради.

Таълим қоидалари — ўқитувчининг фаолиятини ва ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиш, тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилишнинг асосий қонун ва йўл-йўриқларини ўз ичига олади. Шу билан бир вақтда таълим қоидалари ҳар иккала фаолиятни, яъни ўқитувчи ва ўқувчи ўз олдига қўйган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш имкониятини берадиган бир қанча талабларни ҳам умумлаштириб беради. Шунга кўра таълим қоидалари ўқитишнинг энг муҳим масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ҳал қилишнинг асосий негизи ҳисобланади.

Таълим қоидалари деб умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнларининг йўналиши, ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, билим ва малакалар ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларининг йўналишисига айтилади.

Сўнгги йилларда олимлар томонидан яратилган педагогик адабиётларда дидактик қоидалар турлича гуруҳлаштирилмоқда.

Ана шунга асосланган қуйидагича таълим қоидаларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

1. Таълимнинг илмий бўлиш қоидаси.
2. Таълимнинг тизимли ва изчил бўлиш қоидаси.
3. Таълимнинг тарбияловчилик характери.
4. Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлиш қоидаси.
5. Таълимнинг онглилик, фаоллик ва мустақиллик қоидаси.
6. Таълимда кўрсатмалилик қоидаси.
7. Таълим жараёнида ҳар қайси ўқувчига хос хусусиятларни ҳисобга олиш қоидаси.
8. Таълимда илмий билим ва кўникма, малакаларни пухта, мустаҳкам ўзгартириш қоидаси.
9. Таълимнинг ўқувчига мос бўлиш қоидаси.
10. Таълим ва тарбиянинг мос бўлиш қоидаси.

Илмий билимлар — воқеликнинг инъикосидир.

Теварак — атрофни ўраб олган дунёнинг қонуниятларини, нарса ва ҳодисаларнинг ички муҳим хоссаларини ва ўзаро алоқаларини акс эттирувчи билимларгина илмий ҳисобланади.

Таълимнинг илмийлиги қоидаси ўқувчининг ўқув материалдаги қонуниятларни акс эттириши, тушуниши ва ўзлаштириши учун шароит яратиш мақсадида зарурдир.

Назарий қоидаларни тушуниш — материални илмий асосда тушунтириб беришнинг муҳим белгиси бўлиб, у ўқувчининг фикрлаш фаолияти хусусиятларини белгилайди. Илмий билимлар илмийлигича қолиб, воқеликнинг ҳар хил даражада акс эттириши мумкин. Илмий изоҳ таълимнинг ҳамма босқичларида ҳар бир сифда илмийлик қоидалари вазифаларидан бири — назарий маълумотлар тизимни шу маълумотларда теварак — атрофдаги дунёни қанчалик чуқур акс этганлиги нуқтаи назаридан билиб олишдир.

Илмийлик қоидаси барча ёш гуруҳлардаги ва турли ўқув юртларидаги ўқувчиларга ўрганиш учун илмий жиҳатдан ишонарли, амалда синаб кўрилган маълумотлар берилишини талаб этади.

Илмий билимларни эгаллаш жараёнида ўқувчиларда илмий дунёқараш, эътиқод таркиб топади. Тафаккур ривожланади.

Таълимнинг илмий бўлиш қоидаси таълим жараёнида ўқувчиларни ҳозирги замон фан — техника тараққиёти даражасига мувофиқ келадиган илмий билимлар билан қуроллантириш, ёшларни илмий — тадқиқот усуллари билан таништириб боришни таъминлашга қаратилган.

Дидактиканинг илмий қоидаси мактаб таълимнинг мазмунигагина алоқадор бўлиб қолмай, ўқитиш усулларига ҳам алоқадордир. У таълим жараёнида фан — техника ютуқларидан фойдалана оладиган ўқитиш усулларини такомиллаштиришни ҳам талаб қилади.

Ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир давридаги мактабнинг тарихий тажрибаси таълим вазифасини маълум бир тизимсиз бажариб бўлмаслигини кўрсатади.

Ўқув материалининг тушуштириш тизими ўқув материали аниқ баён қилинган ғояларга, ўқитувчи бу ғояларнинг қайси бирини тушутирмоқчи эканлигига, болалар ёши, уларнинг билимларни ўзлаштиришга қанчалик имконият беришини, ўқитувчининг яхши билиш — билмаслигига, шу ёш ва шу савиядаги болаларга хос фикрлаш фаолиятининг хусусиятларига, дарсдаги билимларнинг ўзлаштириш жараёни одамда қандай тушунилишига боғлиқдир.

Ҳозирги замон дидактикаси ўқитишда хусусийдан умуминга қараб боришни талаб қилувчи классик қоидага ўзгартиришлар киритди.

Кўн ҳолларда бошланғич синфлардаёқ умумий ҳолатлардан яна хусусий ҳолатларга бориш мумкинлиги исботланди, шу муносабат билан анча вақт тежаллади ва ютқизилмайди, аксинча, ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш ишида ютуқларга эришилади.

Дарс мазмунининг муқобил тузилишини танлаш, ўқитишдаги дидактиканинг тизимлилик қондасини ҳисобга олишни талаб қилади.

Таълимда изчилликка риоя қилиб ўқитиш лозим, токи бугун ўрганилган билимлар кеча ўрганилганларни мустаҳкамласин, эртага ўрганиладиганларига замин ҳозирласин.

Янги ўтилаётган фан ёки баён қилинаётган янги материалнинг ўқувчиларнинг олдинги ўзлаштирган илмий билимлари, кўникмалари ва малакалари билан изчил ва узвий боғланиши, шу билан бир вақтда ўқитилаётган ўқув материалларини ўзлаштириш орқали келажақда янги билимларни ўзлаштиришга, шунингдек навбатдаги таълим босқичига замин яратилиши назарда тутилади.

Таълимнинг тизимли бўлиши унинг изчил бўлиши билан боғлиқдир. Изчилликка асосланган таълимнинг характерли белгиси шундаки, у ўқувчиларнинг олдиндан ўзлаштирган билим ва малакалари замирида янги билим, кўникма ва малакалар ҳосил, уларнинг ўзаро боғланишларини такомиллаштириш ва аксинча, янги билимларни баён қилиш жараёнида олдиндан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларини яна ҳам чуқурлаштириш, кенгайтириш ва мустаҳкамлашни таъминлашга қаратилгандир.

Тизимлилик ва изчиллик ўқувчиларда ҳар қайси ўқув фанларининг бир—бири билан узвий боғлиқ бўлишини кўрсатишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Таълимнинг тизимли бўлиш қондаси баён қилинаётган ўқув материалларини мустаҳкамлаш ва илгари ўтилган тўлдиришда хизмат қилишини; ўқувчиларни узлуксиз ва тизимли суратда мустақил иш олиб боришларини; ўқувчиларнинг ўзлаштирган билим ва ҳосил бўлган кўникма, малакаларини ҳисобга олиб боришни ҳам ўз ичига олади.

Тизимлилик ва изчиллик қондалари ўзаро боғлиқ бўлган алоҳида ўқув фанлари ҳамда кундалик ўқув материалларини маънавий жиҳатдан бир—бирига мустаҳкам боғлиқ ҳолда ва муайян бир тартибда ўқитиш ҳамда таълим жараёнида ўқувчиларни тизимли илмий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириб олишларини таъминлайди.

Мактаб ўқувчиларига таълим бериш, тарбиялаш ва уларнинг умумий ривожланишларини бир бутунликда амалга ошириш зарур. Таълим тизимида таълим ва тарбиянинг бирлиги

қоидаси асосий ва етакчи қоидалардан бири ҳисобланади. У дидактик қонуларни ўқини ва ўқитиш борасидаги туб моҳиятини ифодалайди. Бинобарин, ўқув фанларининг ҳар бири, ҳатто айрим мавзу ва мавзучалар ҳам, шубҳасиз, тарбияловчилик характерига эга.

Таълим жараёнида ўтилаётган катга ва кичик мавзуларнинг мазмунидан келиб чиқадиган тарбиявий томонларини тўғри белгилаш ва уни таълим билан бирга, бир бутунликда амалга ошириши таъминлаш жуда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Демак, бир бутун таълим жараёнида икки ўзаро боғлиқлик: ҳаётни билиш ва унга бўлган муносабатни таркиб топтириш жараёни ажралиб туради.

Мактабда бериладиган таълим билан тарбия ўртасидаги педагогик жараённинг бутунлигини таъмин этувчи узвий бирлик ҳаминша мавжуд.

Мактаб таълимида ўқувчилар табиий фанларни — математика, химия, биология, астрономия ва бошқа фанларни ўзлаштириш орқали илмий эътиқодлари шакллана боради. Улар дунёни ўрганиш мумкинлигини илмий асосда англаб оладилар, ҳақиқатга ишонч билан, ёлғон нарсаларга нафрат билан қарай оладиган бўладилар. Улар устидан ҳаққоний ҳукм чиқарадиган ақли, идрокли, иймонли инсон бўлиб етишадилар.

Мактаб таълимида гуманитар фанларнинг ҳам тарбиявий моҳияти жуда муҳимдир. Тарих фанини ўрганиш орқали ўқувчилар (янги таклиф этилган фан дастури асосида) республикамиз тарихи, унинг ривожланиш босқичлари, моддий — маданий, илмий сиёсий, маънавий жиҳатдан ривожланиши, адабий — бадний мероси, бобокалонларимиз томонидан қолдирилган қимматли хазиналаримиз, ҳозиргача ўрганилмай қолган халқ педагогикаси дурдоналари билан танишадилар. Қўйинг — чи, шарқона удумлар, одатлар дунёсига кириб борадилар, тарихнинг чин ижодкори халқ оммаси эканлиги ҳақида аниқ билимга эга бўладилар. Адабиёт ва санъатни ўрганиш ўқувчиларни чин инсон қилиб тарбиялашдаги энг зарур шартлардандир.

Таълим — тарбиянинг бирлиги таълим жараёнини тўғри ташкил этиш ва ўқитишни хилма — хил усул ва услублардан фойдалана олинга кун жиҳатдан боғлиқдир. Айниқса, таълим ва тарбиянинг бирлигини таъминламоқ учун:

- а) баён қиланаётган ўқув материалларининг мазмуни ҳам илмий, ҳам ғоявий жиҳатдан тўғри ташкил этилиши;
- б) ўқитилаётган мавзунинг илмий ва тарбиявий моҳияти очиб берилиши, таълим жараёнида ҳадислардан фойдаланиш имконини яратилиши;

в) баён қилинаётган илмий билимларнинг пухта ва мустаҳкам ўзлаштирилиши ва турмушда унга амал қилиниши;

г) таълимда муаммоли жараёнини вужудга келтириш, ўқувчиларнинг қизиқишлари, фаоллик ва ташаббускорликларини таъминлашга эътиборнинг кучайтирилиши;

д) таълим жараёнида ўқувчиларнинг уюшқоқлик, интизомлилик ва жавобгарликни сезиш, ўзаро ёрдам ҳисларини тарбиялашни таъминламоқ зарур.

Дидактикада таълимни турмуш билан, ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлаб олиб бориш энг асосий ва етакчи қоидадир. Илмий билимлар кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти эҳтиёжлари асосида пайда бўлиб, ана шу фаолиятга хизмат қилганлиги ва ҳаёт билан боғланганлиги сабабли, бу билимларни эгаллаш учун уларнинг мазмунини узлаштириб олишгина эмас, балки билимларни амалда қўллай билиш керак.

Бу қоида таълимнинг илмий қоидаси билан мустаҳкам боғлангандир. Ўқувчилар илм билан қурооланар экан, илмни назарий жиҳатдан ўрганар экан, илмни амалий эҳтиёж туфайли пайдо бўлганини, ишлаб чиқариш кучларини қандай тараққий этаётганини, техника ва иқтисод соҳасидаги янгиликлар тобора ривожлангандир боришини, илм эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга ва яна ҳаётни яхшилашга ёрдам беришини билиб борадилар. Бинобарин, баркамол инсон тарбиясининг мақсад ва вазифалари ҳам, таълимнинг мазмуни ҳам ўқитиш усуллари, таълимни ташкил этиш шакллари ҳам назария билан амалиётнинг бирлигига асосланади.

Мактаб таълим тизимида назария билан амалиётнинг бирлиги қоидаси даставвал ўқув фақининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятига боғлиқ ҳолда ўқини жараёнида амалга оширилади.

Бу бирлик илмий билимларни пухта ўзлаштириш ва уни амалда қўллай олиш, ўқув материалларини идрок қилиш, англаш, шунингдек, уни мустаҳкам эсда сақлаб қолиш каби руҳий ҳиссиётлар билан боғлиқ ҳолда бир бутун жараёнини ташкил этади.

Таълим жараёнида ўқитувчилар математика, физика, биология, химия, астрономия ва бошқа табиий фанлардан ўзлаштирган назарий билим, кўпикма ва малакалар ўқув тажриба хоналари ва лабораториялари, замонавий техника воситалари, тажриба ер участкалари ва ишлаб чиқариш меҳнати. Жараёнида қўлланилади. Бу машғулотлар уларни келгусида мураккаб илмий назарияларни амалда қўллай олишлари учун зарур бўлган тажриба билан қуроолантиради.

Таълим жараёнида назария билан амалиётнинг бирлиги қоидасининг илчлилик билан амалга оширилиши оқибатида



ўқув материалининг туб моҳиятини, табиат ва жамият тараққиёти қонуниятларини илмий асосда атрофлича тўғри чуқур тушуниб оладилар ва келажак амалий фаолиятлари учун зарур бўлган маҳорат, кўникма ва малакалар ҳосил қиладилар.

Ўқувчиларни амалий фаолиятга тайёрлаш назарий билимларни эгаллаш жараёнида бошланади. Кейинчалик бу лаборатория ва амалий машғулотларда давом эттирилади. Бу машғулотларда ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида тажриба шароитида олган билимларини ишонарли эканлигини текширадилар, мустақкамлайдилар ва чуқурлаштирадилар. Билимларни амалда қўллаш малакаларини ҳосил қиладилар.

Ишлаб чиқариш таълими ўқувчилар амалий фаолиятининг муҳим босқичидир. Улар эгаллаб олган назарий билимлар асосида танланган касбларига доир меҳнат кўникмалари ҳосил қиладилар. Шу билан бирга назарий билимларга ҳам аниқлик киритиб борилади.

Ўқувчиларнинг корхоналарда ўтказиладиган ишлаб чиқариш амалиёт машғулотлари ўқишни унумли меҳнат билан боғлаб олиб боришнинг яқунловчи босқичидир. Амалий машғулотларда ўқувчиларнинг бажараётган ҳамма ишлари орқали уларда фан асосларини ўрганиш ва меҳнатга бўлган қизиқиш, интилиш тобора ривожланади, меҳнатга бўлган муҳаббат, меҳнат аҳлига ҳурмат эҳтиром камол топади.

Бу қоида ўқитишни шундай ташкил этишни назарда тутадик, бунда ўқувчилар илмий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш усулларини онгли ва фаол эгаллаб олишади. Уларда ижобий ташаббускорлик ва ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ маданияти ва илмий дунёқараш, эътиқод таркиб топади.

Ўқитишнинг онглилик қоидаси ўқувчилар янги материални идрок қилишда таърифлар, теоремалар, адабиётдан шеър ёдлаш ва ҳоказоларнинг ифодаланишининггина эмас, балки уларнинг ҳаётий ҳодисалар, жараёнлар билан боғлиқ бўлган мазмуини ҳам тушунишни талаб этади. Акс ҳолда билимларда юзакичилик авж олади, бунда материал қуруқ ёдлаб олинган бўлади. Ўқувчилар уни қайта айтиб бера оладилар, лекин унинг моҳиятини тушунайдилар ва амалий фаолиятда қўллай олмайдилар.

Билимларни онгли равишда ўзлаштириш ўқувчиларда бу билимларга нисбатан маълум муносабат ҳосил қилишни, эмоционал кечинмалар унотини ҳам ўз ичига олади. Ўқувчининг билимларни ўзлаштиришга фаол муносабатда бўлиши унинг билиш фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради.

Ўқитиш жараёнида онглилик ва фаоллик қондаси ўқувчиларда тафаккур ва нутқни ривожлантиришни назарда тутади. Мустақил тафаккур турли усуллар билан ҳосил қилинади. Тафаккурни шакллантириш усулларида бири мустақил ҳал қилиш, муаммоли вазифалар қўйишдир.

Таълим жараёнида ўқувчилар фаоллиги, даставвал, уларнинг ақлий фаолияти — тафаккур қилиш фаолиятидир. Шунга кўра, таълимни онгли ўзлаштириш қондаси, бир томондан, ўқувчиларнинг мустақил, фаол фикр қилишларини назарда тутса, иккинчи томондан, айнаш шу жараён давомида ўқувчиларнинг мустақиллик ва фаолликларини ҳамда мантиқий фикр қилиш фаолиятларини тарбиялаб, такомиллаштириб боришни назарда тутади.

Онглилик ва фаоллик қондаси ўқувчиларни меҳнат ва ўқишда ижодий фаолият усулларига ўргатишни талаб этади.

Худди шу мақсадга мактаблар ҳақидаги ҳужжатлардаги тавсиялар — дарсни ташкил қилишнинг фаол шакллари қўллаш, юқори синфларда маъруза ва семинар машғулотларини бирга қўшиб олиб бориш, ишлаб чиқариш корхоналарига экскурсия, унумли меҳнат давомида ўқув характеридаги тошшириқларни бажариш ва бошқалар хизмат қилади. Ўқувчилар фаоллиги ривожлантириш, уларнинг ўқув фаолиятларини такомиллаштириш туфайли айни вақтда ўқитишда юксак самарадорликка эришилади, яъни ўқув жараёни тезлашади.

Таълимнинг кўрсатмалилик қондаси дидактик қондаларнинг бири бўлиб, у ўқитиш жараёнининг сифатини орттиради. Ўқитишнинг кўрсатмалилиги шунини тасдиқлайдики, агар ўқувчиларда ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни бевосита идрок қилишга боғлиқ муайян ҳиссий, амалий тажриба бўлган тақдирдагина улар билимларини онгли суратда ўзлаштирадilar. Бу қонда ўқитиш жараёнида кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм — маза билиш, тери — мускул ҳаракат каби сезги органларининг бир йўла объект устида сафарбар қилинишини талаб қилади. Таълимнинг пухта ўзлаштириш қондаси, муҳим дидактик талаб ва қондаси муҳим дидактик талаб ва қондаларни, яъни ўқувчилар томонидан тизимли ва онгли ўзлаштирилган илмий билимларни мустаҳкам эсда сақлаб қолиш ва ўзлаштирилган илмий билимларни ўз турмуш фаолиятларида қўллаш олиш малакаларни билан қуроллантиришни назарда тутади.

Демак, пухта ўзлаштиришнинг характерли белгиси таълимнинг мустаҳкам эсда сақлаб қолишдир. Бошқача қилиб айтганда, бу қонда ўқувчиларнинг хоғира фаолияти, яъни ўқув материалларини эсда қолдириш, эсда сақлаш ва қайта эста

тушириш каби хотира жараёни фаолиятига боғлиқдир. Ўқув материалларини мустаҳкам эсда сақлаб қолиш, айни дарс жараёнида баён қилинаётган ўқув материалларини тизимли ва онгли ўзлаштирилишига боғлиқ. Аввалги машғулотларда ҳосил қилинган билим, кўникма ва малакалар анча мураккаброқ материални ўзлаштириб олиш учун база бўлиб хизмат қилади, лекин ҳосил қилинган билим пухта ўзлаштирилган, яхши мустаҳкамланган бўлиши ва ўқувчиларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиши керак. Мустаҳкамлаш қоидаси шулардан иборат бўлиб, уларга риоя қилмаслик ўқувчиларнинг илмий билимларини пухта ўзлаштира олмаслигига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, билим кўникма ва малакаларни ўзлаштириб олишнинг мустаҳкамлигига аввало ҳам ўқиш қоидалари: тушунарлик, тизимлик ва изчиллик, назария билан амалиётнинг боғлиқлиги, кўрсатмалилик, ўқувчиларнинг онглилиги ва фаоллиги қоидаларини амалга ошириш билан эришилади. Пухта ўзлаштирилишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан такрорлаш ва машқ қилдиришга боғлиқдир.

Такрорлашнинг аҳамияти шундаки, такрорлаш жараёнида фақат олдиндан ўзлаштирилган ўқув материалларигина эсга туширилмай, балки шу ўқув материалларига боғлиқ бўлган янги—янги маълумотлар ҳам берилади, ўзлаштирилган билимларнинг ноаниқ, туман бўлиб қолган томонлари ойдинлаштирилади ва тўлдирилади.

Такрорлаш, хотирада қайта тиклашни бир неча йўл билан олиб бориш мумкин. Ҳар бир дарсда аввалги дарс материали билан янги материал ўртасида боғлиқлик ўрнатини мақсадида кундалик такрорлаш ўтказилади. Мавзу ёки бўлим юзасидан ўрганилган материални тизимлаштириш, чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ўқув йилининг охирида асосий масалалар бўйича яши такрорланади.

Такрорлашнинг иккинчи тури махсус қайтаришдир. Бундай такрорлаш катта мавзуларни ўтиб бўлгач, шунингдек, маълум бир чорак ичида ўтилган материал юзасидан олиб борилади.

Махсус такрорлашнинг кенг тарқалган утри ўқув йили охирида алоҳида ажратилган соатларга ўтказилади.

5. Таълим — тарбия жараёнининг ҳамма томонлари умумсинф ўқувчилари жамоасига ҳос хусусиятларга амал қилган ҳолда йўлга қўйилади. Бироқ ҳар бир ўқувчи ўзига ҳос жисмоний, ахлоқий, руҳий ва бошқа хусусиятларга эгаки, бу унинг ўқув фаолиятига катта таъсир этади. Шу жиҳатдан таълим жараёнида умумсинф ўқувчиларини ҳамда шу синфдаги ҳар қайси ўқувчининг ўзига ҳос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш кўриш мўҳим дидактик аҳамиятга эга.

Ўқувчиларнинг реал ўқув имкониятларини, уларнинг ривожланиш жиҳатларини ўрганиш ҳозирги вақтда шунчаки хоҳиш эмас, балки мажбурий талабдир. Бу сиз ўқув жараёнини муқобиллаштириши, уни бойитиш ақлга сиғмайди.

Синф ўқувчилари жамоасига хос бўлган умумий хусусиятлар, аввало маълум синф ўқувчиларининг жисмоний, ақлий ва руҳий ривожига намоён бўлади. Таълимнинг муваффақиятли бўлишида ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини кузатиш ва ўрганиш ҳамда шу хусусиятга мос муомила қилиш ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

### **Мавзу бўйича таянч сўзлар.**

Таълим қонунияти, қондаси, таълимнинг илмийлиги, таълимнинг изчиллиги, таълимнинг мослиги, лойиқлиги, таълимда онглик, кўрсатмалилик, таълимнинг тушунарли бўлиш қондаси, таълимнинг фаоллик қондаси.

### **Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар.**

1. Таълим қонуниятларининг таърифланг?
2. Таълим қондаларининг нима аҳамияти бор?
3. Таълим қондасини илмийлиги нима?
4. Тизимлиги — чи?
5. Изчиллиги — чи?
6. Мос ва лойиқлик қандай амалга оширилади?
7. Кўрсатмалилик қондасини шарҳланг?
8. Онглик ва активлик қондасини таърифланг?
9. Тушунарли бўлиш қондаси қанақа бўлади?
10. Мустаҳкам бўлиш қондаси — чи?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. И.А.Каримов. «Баркамол авлод Ўзбекистон келажакининг пойдевори». Т., 1997й.
2. И.А.Каримов. «Баркамол авлод орзуси». Тошкент. «Шарқ». 1999 йил.
3. «Педагогика». Тошкент «Ўқитувчи» нашриёти 1996 й
4. У.Нишоналиев. С.Турсунов. «Педагогика». Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти.
5. М.Ҳайитбоев. Педагогикадан маърузалар. Ш.ПамДУ. 2000 й.

## МАВЗУ: ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ.

### Режа:

1. Ўқитиш методлари ҳақида умумий тушунча. Ўқитиш методининг мақсад ва вазифаси.
2. Таълим жараёнида ўқитиш методларининг икки ёқлама характери. Метод ва приём тушунчаси.
3. Билим манбаига боғлиқ бўлган ўқитиш методлари.
4. Ўқувчиларнинг билиш фаолияти типига боғлиқ бўлган ўқитиш методлари.
5. Ўқишга рағбатлантирувчи методлар.
6. Ўқитиш методларига нисбатан хилма — хил талабларнинг кўплиги, унинг гносеологик психологик ва педагогик асосланиши.

Ҳозирги кунда мактаб таълими системасини ислоҳ қилишга киришилар экан, таълим методларининг мазмунини маълум даражада янгилаш характери нишлаб чиқишни тақозо этади.

Бу борада Президент И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқида шундай дейди: «Норасида боланинг мияси, онги нимани ўзига сингдира олади, нимани қабул қилмайди? Ким бу масалани илмий жиҳатдан тадқиқ қилган? Болаларимизга қачондан бошлаб, қандай қилиб, қандай усулда ва услубда миллий қадриятларимиз, урф — одатларимизни ўргатишимизни, чуқур аниқлашимиз керак? <sup>1</sup>.

Бу вазифа ҳозирги даврнинг марказий муаммосига айланган. Одатда, кенг маънода қўлланадиган «метод» тушунчаси ўқитувчиларнинг ўз олдларига қўйган мақсадларига эришиш, маълум билимларни ўзлаштириш борасидаги назарий ва амалий фаолият усуллари аниқланади.

Таълим соҳасидаги вазифаларнинг тўхтовсиз замон талабларига мослашиб бориш ва янги имкониятларнинг юзага келиши янги «Таълим ҳақида» ги қонуннинг қабул қилиниши, ўқитиш методларининг муттасил янгилаб туриниши, халқ педагогикаси, айниқса миллий шарқ халқлари педагогикасидан ижодий фойдаланишни тақозо қилмоқда.

Буюк шарқ олими Абду Райҳон Беруний (973—1048) педагогик қарашларида ўқувчиларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш жараёнида, айнан янги мавзу устида мулоҳаза юритишни,

<sup>1</sup> И.Каримов, Баркамол алоҳид — Ўзбекистон тараққиётининг пошиси, Тошкент 1998 йил.

шунингдек, ўқувчиларнинг зерикмаслигини, хотирасига малол келмаслигини (зўриқтирмаслик, чарчатмасликни назарда тутгани) таъкидлаб, «Бизнинг мақсадимиз ўқувчини толиқтириб қўймасликдир, ҳа деб бир нарсани ўқиб бериш зерикарли бўлади ва тоқатни тоқ қилади. Агар ўқувчи бир масаладан бошқа бир масалага ўтиб турса, у худди турли-туман боғ-роғда сайр қилгандек бўлади, бир боғ ўтар ўтмас, бошқа боғ бошланади. Киши уларнинг ҳаммасини кўргиси ва томонга қилгиси келади. Ҳар бир янги воқеа—нарсани кишига роҳат бағишлайди, деган эди.

Бу ибора билан Абу Райҳон Беруний ўқитиш методларини мақсад ва вазифалари хилма-хил эканлигини уқтиради.

Ўтмишда яшаб ижод этган ўзбек халқининг улғу мутафаккирлари, шоир ва ёзувчилари, педагоглари ўзларининг маърифат соҳасидаги дурдона фикрларида таълим жараёнида тарбиялашни ҳам кўрсатиб бердилар.

Айниқса, Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний ва бошқа йирик мутафаккирлар ўзларининг ҳам бадий, ҳам илмий ва педагогик асарларида, яратган дарсликларида ёш авлод таълим-тарбиясига доир қимматли фикрларини мерос қилиб қолдирдилар.

Алишер Навоий ўқитувчини фақат дарс берувчи кишигина деб билмай, балки уста тарбиячи ҳам бўлиши керак деб ҳисоблар эди. У илм билан одобни бирга олиб борилишини, яъни ўқув жараёнида тарбия берилишини таъкидлаб ўтади<sup>1</sup>.

Келажак инсоннинг таълим-тарбияси ҳақида етук педагог, жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзи ташкил этган мактабларда ёшларга дунёвий фанлар ўқитиш, ахлоқий, ақлий тарбия бериш, ҳунар ўргатиш каби бир бутун таълим-тарбия жараёнини амалга оширади.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўқувчилар учун бир қатор дарсликлар яратиб, унда фақат ўқитишни эмас, балки ўқитиш жараёнида ўқувчиларни тарбиялаш масаласини олға сурди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий дарс жараёнида тарбиялаш мумкинлигини ўз дарслигидаги «Боланинг ёмон бўлмоғига сабаб бўлган онанинг жазоси» номли бадий прозасида ерқин тасвирлаб ўтади.

Ёш авлодга таълим жараёнида тарбия беришда ўзбек педагогларидан Абдулла Авлоний ўзининг «Турки гулистон ёхуд ахлоқ» номли асарида ўқитиш методларининг навиҳасига тўхталиб шундай дейди: «Таълим билан тарбия орасида бир оз

<sup>1</sup> М. Ҳайитбоев. «Ахлоқий тарбиянинг педагогик асослари» Ўзбекистон беш йилда: яқунлар, режалар, муаммолар. ТошДУ. Тошкент. 1996 йил.

фарк бўлса ҳам иккиси бир – биридан айрилмайдиган, бирининг вужуди бирига боғланган жон ила тан кабидир».<sup>2</sup>

Кейинги йилларда «метод» сўзини «усул» деб аташ бошланди. «Метод» термини бошқа тилларда ҳам, жумладан инглиз, немис, француз, рус педагоглари ҳам ўз ҳолича, яъни «метод» деб аташади.

Аслида «метод» термини юнонча *miteidos* – сўзидан олинган бўлиб, назария бераман, ўргатаман, ўқитаман деган маънони аниқлатади.

Ўз – ўзидан маълумки ўқитиш методи ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кўзланган мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолият усулидир.

Таълим методлари ўқитиш жараёнида икки томонлама характерга эга. Биринчи томондан ўқитувчи ўқитиш жараёнини қандай қилиб ташкил этиш ва олиб бориш кераклигини белгилаб беради. Иккинчи томондан ўқувчи фаолиятини қандай бўлиши, билимларга ёки янги назарияни ўқувчилар ўрганишида қандай иш ҳаракатларнинг бажариш лозимлигини белгилаб беради.

Таълим методлари ҳар иккала фаолиятнинг, яъни ўқитувчи томонидан ўқувчиларни билим, кўшикма ва малакалар билан қуроллантириш ҳамда ўқувчилар томонидан ўша назарда тутилган илмий билим, кўшикма ва малакаларни ўзлаштириш фаолиятида қўлланадиган йўл – йўриқларни ўз ичига олади. Таълим жараёнида ҳар икки фаолият актив бўлсагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Бироқ ҳар иккала фаолият ҳаминша бир хил йўналишда, ўзаро алоқада ҳамжиҳат бўлавермайди. Шунга қарамай, ҳар иккала фаолият бир мақсадни, яъни ўқувчилар томонидан дастур ҳажмидаги илмий билим, кўшикма ва малакаларни ўзлаштириш жараёнини муваффақиятли амалга оширишни таъминлашга қаратилган ҳаракатдир.

Мактаб таълими жараёнида «метод», «усул», «услуг» (приём), «восита» терминлари ҳам кўп ишлатилади.

Метод – ўз қонун – қондаси, шарти билан бажарилиши ҳамма учун бир хил бўлган ва икки томонлама фаолиятнинг қандай ташкил этилишига боғлиқ бўлган, назарий ва амалий жиҳатдан тажрибада синалган иш – ҳаракат йўлидир.

Усул – маълум ўқув мавзусини ўқишда фойдаланилаётган асосий ўқитиш методи билан бирга иккинчи бир ўқитиш методининг айрим қонун қондаларидан фойдаланиб иш куришидир.

<sup>1</sup> А. Авлоқин «Турки гулистон ёхуд «ахлоқ» Тошкент. «Ўқитувчи» – 1996 йил.

<sup>2</sup> Авторлар жамоаси. Ўзбек адаби тили дугати. «Фан» нашриёти. Тошкент.

Услуг — бу дарсда аниқ ўқитиш методларини амалга оширишда ўқитувчининг ўзига хос ёрдамчи воситалардан фойдаланиб иш кўришдир. Айрим ўқитувчига хос «услуг» бошқа ўқитувчида учрамаслиги мумкин. Масалан, маълум бир мавзунини суҳбат методи билан ўрганаётиб, ўрни келганда ўқувчилар билан савол—жавоб тариқасида иш юритилса ёки кўрсатмани кўрсатган фойдаланиб, изоҳ бериб ўтилса, (булар бошқа бир мустақил ўқитиш методларини қону — қоидаларидир) асосий фойдаланилаётган методнинг (суҳбат методининг) йўналишини ўзгартиради ва шу методга нисбатан солиштирма методик усул бўлиб қолади.

Восита — маълум ўқитиш методи ёки методик усулларни амалга оширгани учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материаллари бўлиб, ўқитиш жараёнининг англаб олишга хизмат этади. Ўқитиш воситалари — дарсликлар, ўқув қўлланмалари ўқитишнинг техник воситалари, ўқитишнинг кабинет шакли ва бошқа шу кабилардир. Масалан: дарс жараёнида қўлланиладиган табиий ёки тасвирий кўргазма материаллар (тўғри тўғри бурчакнинг ўзи ёки сурати), амалий машғулотларда қўлланиладиган ўқув асбоблари, шунингдек мавзуга оид ўқув материалларидан келтирилган далиллар (маълумотлар, исботлар, таъриф, қоида, формула ва бошқалар)нинг ишлатилишидир.

Таълим жараёнида ўтиладиган янги билимларнинг хусусиятларига қараб танланган ўқитиш методлари бирор бир методик услуб ёки воситаларни уз ичига олган бўлиши мумкин.

Масалан, физика, химия каби предметларни лаборатория машғулотида ўқитиш ва ўзлаштириш мумкин бўлмаганидек, математика, тиллар грамматикасини машқ қилмай, мисол ва масалалар ишлатмай туриб, кўзланган мақсадга эришиб булмайди. Бироқ дарс жараёнида қайси ўқитиш методи, қайси услуб ва воситалардан фойдаланиш, ўргатилаётган фанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиши табиийдир.

Айрим ўқув предметларини ўқитишда қўлланиладиган хусусий методлар умумий ўқитиш методлари билан ўзаро алоқада бўлади. Хусусий методлар, умумий методларнинг илмий, назарий асосларига амал қилган ҳолда ривожланиб боргани каби, умумий методлар ҳам хусусий методларнинг янги—янги амалий хулосаларига асосланган ҳолда ривожланиб боради.

Ўзбек мактабларида қўлланиладиган ўқитиш методлари Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг мактаб таълими ҳақидаги қонуни ва кўрсатмаларига амал қилган ҳолда такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг IX сессиясида Президент И.Каримовнинг «Баркамол авлод — Ўзбекистон



тараққиётининг пойдевори» номли нутқида ва қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги Қонунда» ўқув – тарбия жараёнининг янада такомиллаштиришнинг илмий – педагогик асосларини ишлаб чиқиш, халқ таълимини ислоҳ қилиш, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини активлаштириш, уларни мустақил ишлашга ҳамда узлуксиз суратда ўз касб – маҳоратларини ошириб боришга одатлантириш каби вазифаларни қўйди. Ана шу муносабат билан халқ таълими ва мактаб, лицей, гимназия фаолиятларининг мазмунига бир қатор янгиликлар киритилмоқда.

Ҳозирги талаблар асосида ўқитиш методларини 3 гуруҳга бўлиб кўрсатиш мумкин.

1. Билим манбаига боғлиқ бўлган ўқитиш методлари.
2. Ўқувчиларнинг билим фаолияти типига боғлиқ бўлган ўқитиш методлари.
3. Ўқишга рағбатлантирувчи методлар.

Билим манбаига боғлиқ бўлган ўқитиш методлари халқ таълими жараёнида энг кўп ишлатиладиган методлар бири бўлиб, мазкур ўқитиш методларига деярли ҳамма синфларда ва барча ўқув предметларини ўргатишда, янги билимлар беришда, олиб бориладиган дарслар жараёнида кенг фойдаланилади.

Бу методлар қилинаётган янги билимларнинг мазмунини назарий ва амалий жиҳатдан ўргатиш жараёнида, тўғридан – тўғри ўқитувчининг жонли нутқи орқали амалга оширилиши билан характерланади ҳамда бошқа ўқитиш методларидан шу билан фарқланади.

Билим манбаига боғлиқ бўлган ўқитиш методлари ҳар иккала фаолиятнинг, яъни билим, назария берувчи ўқитувчининг янги билимларни моҳирлик билан оғзаки баён қилиб бориши ва иккинчи томондан берилаётган янги билимларни ўқувчилар томонидан диққат билан тингланиб, оинги ва мустақкам, тушуниб ўзлаштиришга асосланади.

Шу билан бирга янги билимларнинг баён қилиш суръати, тез ёки секин бўлиши билан бирга, ўқитувчи нутқининг таъсирчан ёки зерикарли бўлмағлиги каби назарий қоидалардан қандай тарзда фойдаланишини назарда тутати.

Билим манбаига боғлиқ бўлган ўқитиш методларининг йирик уч гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Ўқув материалларини оғзаки баён қилиш методи.
2. Кўргазмаллик методи.
3. Амалий машғулотлар методи.

Ўқув материалларини оғзаки баён қилиш методи қуйидаги 6 турда қўлланилади: савол – жавоб, суҳбат, ҳикоя қилиш, ўқув

материалларини тушуштириш, мактаб маърузаси, дарслик ва китоблар устида ишлан.

Савол — жавоб методи мактаб таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган ўқитиш методи бўлиб, у деярли ҳамма синфларда, барча ўқув фанлари бўйича қўлланилади. Савол — жавоб методи қуйи синфларда энг кўп тарқалган. Шу билан бирга ҳар қандай ўқитиш методларидан фойдаланиш жараёнида савол — жавобга мурожаат қилинади. Савол — жавоб методидан фойдаланилаётганда янги билимларнинг мазмунини тўла ифодаловчи саволлар олдиндан ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги жараёнида ишлаб чиқилди. Иложи борича бериладиган саволлар ўқув доскасида ёки кўрсатмали қуролда ўқувчиларга кўринадиган ҳолда ёзиб қўйилади. Дарс охирида олинган жавобларга яқин ясалиб ўқитувчи томонидан изоҳланади. Тузилган саволлар қисқа, аниқ, ўқувчиларга тушунарли бўлиши, бу методнинг тушуштиришдаги моҳиятини оширади.

Бир бутун синф ўртасига танланадиган саволлар мазмунан нишиқ, пухта ўйлаб кўрилган бўлиши билан бирга, берилган саволлар бир — бири билан мустаҳкам ўзаро алоҳида маънавий боғланган бўлиши, методнинг самарадорлигини оширади.

Айрим бериладиган саволларни дидактик талаблари жуда юқори ёки ўқувчиларнинг билим даражасига мос бўлмаса, бундай саволлар методнинг назарий ва амалий жиҳатдан амалга ошириш имконини бермайди.

Бериладиган саволларга бўлган дастлабки педагогик талаблар иборатки, саволлар ўқувчиларнинг мустақил ва онгли фикр юритишларида таъмин этадиган бўлсин. Ўқувчиларни тафаккур қилишга етаклайдиган, сермазмун, ихчам, тушунарли, синф ўқувчиларининг ёш ва яқин тартибдаги тайёргарликларига мос бўлсин.

Маълумки, тасодифий сўроқлар бериш йўли билан ҳеч бир мувафакқиятга эришиб бўлмайди. Ўқувчиларга бериладиган саволлар аниқ дарс мақсадини назарда тутилган ҳолда катта, бутун, яқин бўлиб, у янги билимларни ўзлаштиришга хизмат қилади. Шу билан бирга майда саволлар ҳам ишлатилади. Бу саволлар асосий мақсадни ойдинлаштириш, тўлдирини ва босқичма — босқич бориб, бутун ва яқин тушунчани — янги билимларни ўзлаштириб олишга хизмат этади. Демак, берилган саволлар бир — бири билан маънавий боғланиб, ўзаро алоҳида бўлади.

Сухбат оғзаки баён қилиш методининг энг кўп тарқалган тури бўлиб, ўқитувчиларнинг иш тажрибаларида тез — тез қўлланиш келмоқда. Бироқ, бу методни тор маънода тушунмаслик, яъни ўқувчилар олдиндан ўзлаштириб олган

билимларнинг аниқлаш, сўраб баҳолаш ёки дарс асосан утилган материалларни мустаҳкамлашдан иборат бўлади деб чунончи, суҳбат методи ўзлаштирган билимлар асосида янги мавзунинг қонун қоидалари ва хулосаларини таърифлай олишларини ўз ичига олади. Суҳбат машғулотида кутилган дидактик мақсад хилма – хилдир. Машғулотларда суҳбат методидан фойдаланганда ўқитувчи қуйидаги асосий дидактик талабларни эса тутмоғи лозим.

1. Дарс жараёнида ўтилаётган мавзунинг мақсадини аниқлаган ҳолда, ўқувчиларнинг ўз кундалик иш тажрибаларида ишлатган факт, нарса ва ҳодисалардан нималарни билишларини, нималарни билмасликларини аниқлаш мақсадида суҳбат ўтказиш.
2. Ўтилаётган янги мавзунинг характерига биноан, шу мавзунни осонроқ ўзлаштириш мақсади – да, анча илгари ўтилган мавзунинг асосий мазмунини қайта эсга тушириш ва янги мавзу билан боғлаш мақсадида ўтказиладиган суҳбат.
3. Янги мавзуда кўзда тутилган билим, кўникма ва малакаларнинг қанчалик идрок этилаётганини аниқлаш мақсадида олиб бориладиган суҳбат.
4. Ўргатилаётган мавзуга оид кўргазмали материалларни устида олиб бориладиган суҳбат.
5. Баён қилинаётган мавзунни қайтариш ва мустаҳкамлаш мақсадида олиб бориладиган суҳбат.
6. Ўтилган мавзунни аниқ мақсади юзасидан маълум хулоса чиқариш, умумлаштириш, қоида ва таърифлар устида ишлаш мақсадида ўтказиладиган суҳбат.
7. Эгаллаб олинган билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ва ҳисобга олиш мақсадида олиб бориладиган суҳбат.
8. Уйга берилган вазифани текшириш ва мустақил ўрганилган мавзуларнинг аниқлаш мақсадида ўтказиладиган суҳбат.
9. Ўрганилган билим, кўникма ва малакаларни амалий фаолиятда қандай фойдаланаётганликларини ҳисобга олишни назорат тутувчи суҳбат.

Юқоридаги мақсадларни иш тажрибада қўллаш учун ўтказиладиган суҳбатлар баъзан давомли (бир бугун дарс жараёнида), баъзан агарин машғулотларнинг маълум босқичларида, бошқа бир методнинг бўлаги сифатида қўлланилиши мумкин. Ўз навбатида суҳбат методидан фойдаланиш жараёнида савол – жавоб методига ҳам тез – тез муурожаат этилади. Суҳбат вақтида ўқитувчи ўқувчиларда бўлган билимлар ва амалий тажрибаларга таяниб ҳамда саволлардан

фойдаланиб, ўқувчиларни янги билимларни англаб олиш, ўзлаштириш сари олиб боради. Суҳбат методи фақат янги билимларни қанчалик ўзлаштиришигига эмас, балки ўқувчининг қобилиятини чуқур ўрганиш учун ҳам имкон беради. Ўқитувчи суҳбат методидан олдинги ўтилган дарс билан, янги ўтилажак мавзусини ўзаро алоқасини боғлаш учун, янги билимларни баён этиш, уларни мустаҳкамлаш ва текшириш учун фойдаланади. Педагогика назариясида суҳбат методининг бир нечта турлари мавжуд.

Эвристик<sup>1</sup> суҳбат (юнонча «Эвристика» сўзидан олинган бўлиб, «тошман», «кашф этман» деган маънони англатади). Бу хилдаги суҳбат жараёнида ўқитувчи моҳирона берилган саволлар йўли билан ўқувчиларнинг мавжуд билимлари, кузатишлари, ҳаётий тажрибалари асосида янги тушунчалар, хулосалар, қондаларни таърифлашга мажбур этади.

Эслатувчи суҳбат орқали ўқитувчи бериладиган саволлар орқали, ўқувчилар илгари олган билимларни қайта эслайдилар. Эслатувчи суҳбат кўпинча эвристик суҳбат билан қўшиб олиб борилади.

Маълумот берувчи суҳбат — янги билимларни беришда, ўқувчиларда кўзланган билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришда кенг фойдаланилади. Албатта бундай суҳбат жараёнида ўқитувчи болаларнинг диққат эътиборини асосан янги ўзлаштирилаётган материалнинг мазмунига қаратилади.

Суҳбат методидан фойдаланиб дарс ўтилганда, машғулотни ташкил қилиш ва уни муваффақиятли олиб боришда ўқитувчидан қуйидагиларга амал қилиш талаб этилади.

1. Дарс жараёнида синф ўқувчиларининг ҳаммаси берилган савол устида онгли, мустақил ва ижодий фикр юритишлари назарда тутилиши керак.
2. Синф ўқувчиларини ҳаммаси жавоб беришга тайёрланишига ва жавобни ўз онгида плавлаштириб олишига одатлантириш муҳим аҳамият касб этади.
3. Бириччи бўлиб жавоб берувчи ўқувчиларнинг жавоблари I—IV синфларда 2—3 дақиқадан, V—VIII синфларда 3—5 дақиқадан, IX—XI синфларда 5—7 дақиқадан ошмаслигига одатлантириш зарур. Берилган жавобларнинг тўғрилигини далил ва исботлар билан асослашга ўргатиш жуда муҳимдир.
4. Синфнинг ҳамма ўқувчилари жавоб берувчи ўқувчини диққат билан тинглаши ва уни жавобини тугатишига

<sup>1</sup> Қадимги юнон эвристика методини биринчи бўлиб, соқрат ишлатилгани учун баъзан бу методни «Соқрат методи» деб ҳам юритилади

ёки аниқлик киритишга тайёрланиб туришларини таъминлаш лозим.

5. Берилган жавоблар қайс даражада бўлишидан қатъий назар, ўқитувчи томонидан тўғри ёки нотўғри эканлиги изоҳланиб, якунланиб сўнг баҳоланиши лозим.

Ҳикоя қилиш — ўқитувчи томонидан янги воқеа ва ҳодисаларнинг ялпи ёки майда қисмларга бўлиб, ўқувчиларга тушунарли бўлган содда нутқ йўли билан ихчам ва изчил баён қилинишидир. Янги ўтилаётган мавзуни ҳикоя қилиш методи билан баён қилиш I—IV синфларда 10—15 дақиқа, V—VII синфларда 15—20 дақиқа, IX—XI синфларда 20—25 дақиқагача давом этиши мумкин. Педагогик талаблар даражасидан ортиқ вақт сарф этиш, ўқувчиларни зериктиришга. Янги мавзуни асосий мақсадини тушунмай қолишга олиб келади. Шунинг учун юқорида кўрсатиб ўтилган ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос келадиган вақт бирлигига қатъий амал қилиш, метод самарадорлигини оширади.

Ҳикоя қилиш методидан ҳозирги умумтаълим мактабларида, биографик ҳужжатларни баён қилишда, адабиёт дарсларида образларни ички кечинмаларини очинда, табиий фанларда ҳодиса ва ижтимоий ҳаётдаги воқеаларни тасвирлашда кўпроқ фойдаланилади.

Ҳикоя қилиш давомида ўқувчиларни диққатини тасвирланаётган мавзуга сафарбар қилибгина қолмай, балки уларнинг оғли ва актив фикр юритишга ўргатиш зарур. Ҳикоя қилиш жараёнида кўрсатмали қуроллардан фойдаланиш, турли сўроқлар бериб ўқувчининг диққатини асосий мавзуга қаратиб туриш лозим бўлади. Шунингдек, ҳикоя методининг самарадорлиги ўқитувчининг нутқ фаолиятининг таъсирчанлигига, раволигига, тушунарли ва ҳиссий бўлишига боғлиқдир.

Ўқув материалларини тушунтириш — ўқитувчи томонидан назарда тутилган мавзунинг (буюм — нарса, ҳодиса ва воқеаларнинг) мазмунини очиб берадиган янги билим — тушунча, қонун ва қоидаларни ўргатишдир.

Ўқитувчи тушунтираётган масалалар устида ўқувчиларнинг маънавий фикр қилишларини, мустақил мулоҳаза юритишларини таъминлаш зарур.

Ўқув материалларини тушунтириш методидан «Таълим тўғрисида»ги янги қонунда кўрсатиб ўтилгандек, касб лицейларида, меҳнат таълими дарсларида ўқув устахоналарида турли нарсаларни ясаш, тажриба ер участкаларида қўлланиладиган асбоб — ускуна, станоклардан фойдаланиш қонун — қоидаларини ўргатиш мумкин.

Мактаб маърузаси методи — ўрта умумтаълим мактабларини юқори синфларида, лицей, гимназияларнинг битирувчи синфларида коллеж ва олий ўқув юрларида қўлланилади.

Мактаб маърузаси — ўрганилаётган янги билимларни асосий илмий моҳиятини баён қилиш, тема мазмунидан илмий ва амалий хулосалар чиқариш йўли билан дарс жараёнида ўқувчиларга тушунтиришдир.

Дарснинг тушунарли ва англаб олишга қулай бўлиши учун ўқитувчи маъруза мазмунинг тўла, босқичма — босқич белгиловчи режани доскага ёки кўрсатмали қурол ўрнида ишлатиладиган материалда ёзиб ўқувчиларга эълон қилади.

Маъруза давомида ўқувчиларнинг тафаккур қилиш фаолиятларини ривожлантиришга қаратилган саволлар бериш, дарс охирида ўтилган мавзунинг мустақамлаш мақсадида умумий хулосалар чиқариш мумкин.

Шунингдек мактаб маърузаси методи умумтаълим мактабларининг IX—XI синф ўқувчиларини ҳамда касб ва академик лицей, коллежларнинг талабаларини олий мактаб маърузасини тинглай олиш ва мустақил суратда ёзиб бориш малакаларини ҳосил қилишга замин яратади.

Мактаб маърузаси методи билан ишланш бир қатор дидактик талабларга амал қилишни талаб этади:

1. Баён қилишда ўқитувчининг пўтқи ягона янги билим манбаи ҳисобланади, пўтқнинг равон, ёқимли овозда бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Одатда айрим ўқувчиларнинг ўзланггира олмасликларини туб сабаби, ўқитувчи пўтқини англай билмасликларидадир. Дарс жараёнида биринчи бор ишлатилган илмий терминларга изоҳ бериш, доскада ёзиб кўрсатиш, қоида ва қонуиларнинг таърифни содда, ихчам ва тушунарли бўлишига эришиш керак. Шунингдек, VII—VIII синф ўқувчиларини ўргатилаётган айрим маълумотларни ёзиб боришга дaъват этиш лозим. IX—XI синф ўқувчилари эса мустақил равиинда конспект олишга одатлантирилади.
2. Баён қилинаётган янги билимлар ғоявий жиҳатдан тўғри, умумий таълим мактаблари олдида турган асосий вазифаларни амалга оширишга қаратилиши, назарияни амалиёт билан боғлашга хизмат қилиш талаб этилади.
3. Маъруза жараёнида мавзуга оида фан яшиликлари, янги канифиётлар билан бирга, ўқувчиларни мустақил ишланшлари учун вазифалар бериб борилади.

Дарслик ва китоб билан ишланш — оғзаки баён қилиш методининг асосий тури бўлиб бугунги кун талаби даражасида ўқувчиларни мустақил ишланш сари етақлайди.

Таълим жараёнида китоб билан ишлаш, таълим – тарбия ишлари самарали олиб боришга ёрдам берса, иккинчи томондан ўқувчиларни келажакда мустақил ўқиб – ўрганиш малакалари билан қуроллантиради.

Дарслик ва китоб билан ишланшинг икки хил усули дидактикада кенг тарқалган.

1. Дарс жараёнида дарслик ва ўқув адабиётлари билан ишлаш.
2. Дарс темасига боғлиқ ҳолда, синфдан ташқари вақтларда янги ўтилган мавзунини мустақамлайдиган ўқув қўлланмалари билан ишлаш.

Ўқувчиларни мустақил равиюнда китоб ва дарслик билан ишлашлари, ўқиб ўрганишлари, бевосита ўқитувчи раҳбарлигида амалга оширилади. Шу билан бирга ўқитувчи ўқувчиларни китоб билан мустақил ишлаганга тайёрлайди, ўргатади, хилма – хил адабиётларни тавсия қилиш билан бирга, дарслик ва китобларга бўлган ҳавасини тарбиялайди.

Таълимда кўرғазмалик методи – намоиш этиш, иллюстрация ва экскурсия каби турлари билан кенг педагоглар ўртасида марказий ўринни эгаллаган.

Намоиш этиш методи – ўзлаштирилаётган янги билимларни ўқувчилар томонидан ҳар тарафлама, бутун кўрув, эшитув, таъм, ҳид билиш сезги органларининг иштирокида ҳиссий идрок этишдир.

Намоиш қилиш методи мавзунинг мазмунига қараб икки хил йўл билан олиб борилади.

1. Ўргатилаётган янги билим дарс машғулотининг асосий қисмида кўзланган мақсадни намоиш қилиш йўли билан олиб борилади. Бундай метод билан дарс олиб борилганда ўқитувчи ўргатаётган мавзуга алоқадор бўлган нарса ва буюмларни кўрсатади.
2. Бошқа ўқитиш методлари билан дарс олиб борилаётганда кўрсатилган кўрсатмалар намоиш қилиш методининг услубларидан фойдаланишидир.

Мактабларимизда ўқитувчилар томонидан қўлланилаётган кўрғазмали материаллар икки турдаги бўлиши мумкин.

1. Табиий, яъни аслича кўрсатилиши мумкин бўлган буюм ва нарсалар, усиманклар ва уларнинг тузилиши, ҳайвонлар, маъданлар, коллекциялар, асбоб ва машиналар ва ҳақою.
2. Тасвирий кўрғазмали материаллар – буюм, нарса, воқеа, ҳодисаларнинг тасвирини ифодаловчи материаллар – расм, фотосурат, диафильм, кинофильмлар, чизмалар, жадваллар, диаграммалар ва ҳақою.

Тасвирий кўргазмалар материалларнинг юқоридаги турлари иллюстрация материаллари деб ҳам юритилади. Иллюстрация методидан фойдаланиш учун қуйидаги қоидаларга риоя қилиш талаб этилади.

- 1) ўқувчиларга дарс жараёнидан кўзланган мақсад қисқача тушунтирилади.
- 2) Кўргазмали материаллар ўқитувчининг янги тема баёни даврида кўрсатилади ёки намойиш этилади.

Экскурсия методи синф шароитида, кўргазмалилик методини қўллаш мумкин бўлмай қолган ҳолларда ишлатилади. Экскурсия методи асосан ўқитувчи раҳбарлигида ёки экскурсия ўтказишга масъул бўлган шахснинг раҳбарлигида олиб борилади. Бу метод билан дарс олиб борилганда нарса ва ҳодисаларнинг табиий шароитда ( завод, фабрика, жамоа хўжалиги, ҳиссадорлик жамоалари) ёки махсус муассасалар (музей, виставка ва ҳақозо) ларга ташкилий равишда борилади. Шу билан бирга ўқувчилар экскурсия давомида янги билимларни эшитиб, кўриб, керакли маълумотларни ёзиб оладилар. Машғулот ёзма ва график вазифалар бериш билан якунланади.

Амалий машғулотлар методи ўз ичига машқлар, лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни олади.

Машқ қилдириш методи асосан она тили, математика, эстетика каби фанларни ўқитишда кенг қўлланилади. Машқ қилдириш методининг асосий мақсади — илмий билим ва маълум бир иш — ҳаракатнинг ўзлаштириш ва такомиллаштириш мақсадида режа асосида мунгазам ўтказиладиган янги билимларни мустаҳкамлашдир.

Ўқувчиларга машқ учун бериладиган топшириқлар, албатта илгари ўзлаштирилган қоида ва қонунларни ўз ичига олган бўлиши лозим. Машқ қилдириш методи ўқув фанларининг вазифаларига қараб, ўзлаштирилган кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг ижодий қобилиятларини ўстириш мақсадида ўтказилади.

Лаборатория методи асосан физика, химия, биология ва йизик география каби фанларни ўқитишда кенг тарқалган. Лаборатория машғулотлари махсус жиҳозланган кабинетда тегишли аппарат, асбоб—ускуналар, микроскоп, лупа, ўлчов асбоблари билан ишлаш орқали ва тажриба ер участкасида кузатиш жараёнида ўтказилади.

Лаборатория методи билан машғулот олиб борилганда ўқувчиларни теварак — атрофдаги нарса ва ҳодисаларнинг мустақил кузатишга бўлган қизиқишлари тарбияланади. Лаборатория жараёнида ҳар қанси ўқувчи ёки ўқувчилар гуруҳи ниманидир шахсан тажриба қилиб кўриш — методнинг



олдига қўйилган дидактик талабидир. Кўпинча лаборатория машғулоти дарснинг мақсадига қараб уч хил бўлади.

1) Кузатиш; 2) тажриба ёки синов ўтказиш; 3) тегишли асбоб — ускуналар орқали ишлан.

Бироқ юқоридаги иш турлари дарс жараёнида ўзаро алоқада бўлиб, алоҳида — алоҳида эмас, балки бир дарс давомида уйғун ҳолда қўлланилиши мумкин.

Ўқувчиларнинг амалий тажриба машғулотлари тажриба ер участкасида олиб борилади. Методнинг асосий мақсади кузатиш бўлиб, бирор бир экиннинг униб чиқиш, илдиз отиши, ривожланиш жараёнини билиб олишдир. Шу билан бирга ўтилган дарслар жараёнида эгаллаган билимларнинг йил давомида тажриба асосида парваришлан қоидаларини билишдир.

Ўқувчиларнинг билиш фаолияти тишига боғлиқ бўлган ўқитиш методларига қўйилган дидактик талаблар беқиёсдир. Бу методни қуйидаги турлари мавжуд: репродуктив, проблемали — изланиш, тадқиқот, индуктив, дедуктив.

Ўқитишнинг репродуктив методи, ўқувчиларни ўрганилаётган манба устида ижодий тафаккур қилиш, янги тушунча ва қонун — қоидаларни билиш ва эгаллаб олишларидаги фаолиқларини баҳолаш ва ҳисобга олиш учун фойдаланилади.

Репродуктив методнинг асосий мақсади ўқитувчи берган билимлар ва бошқа кўшимча манбалар билан ўқувчиларни мунтазам шуғулланишга ўргатишдир. Бу методни оғзаки, кўрсатмали, амалий методларнинг услубларисиз қўллаш мумкин эмас, чунки репродуктив методнинг асоси билим манбаига боғлиқ бўлган ўқитиш методларидир.

Ҳикоя қилиш методи репродуктив тарзда олиб борилганда, ўқитувчи асосий илмий маълумотларни, далил ва янги тушунчаларни, қонун ва қоида, таърифларнинг тайёр ҳолда доскага ёзиб беради ва асосий ўқувчиларни диққат эътиборини мустаҳкам ўзлаштириб олишини зарур булган билим, малака ва кўникмаларга қаратади.

Маъруза методи билан репродуктив характердаги янги билимларни баён қилишда дарс жараёни бир муноча мураккаброқ, яъни ўрганилаётган мавзуга таалуқли бўлган илмий манба, илмий атамаларни ўқитувчи ёзиб кўрсатади ва исботлайди. Ўқувчилар эса бу билимларни қисқача ёзиб оладилар ва хулосалайдилар.

Репродуктив амалий методлар эса асосан тайёр ҳолдаги иш намунасини кўриш, англани орқали амалга оширилиб, ана шу намуна асосида ўқувчилар нарса ва буюмни ясайдилар. Намуна бунича олиб борилган машғулотлар мустаҳкам эгаллаб олгунча дивом ўтирилади.

Педагогика назарияси ва тарихида «муаммоли ўқитиш», «муаммоли метод» деган тушунчалар янги гоё эмас. Гарчи шу номлар билан аталган бўлмаса ҳам, мазкур метод илгаридан қўллаб келинаётган эди.

Муаммо деб — ўқувчиларга номаълум бўлган ҳар қандай янги билимлар тушунилади. Лекин муаммони ҳа қилиш учун ўқувчида ана шу тошшириқларни ечиш, излаш ёки ҳал қилиш учун зарур бўлган — илмий билим, кўникма ва малакалар бўлмоғи талаб этилади. Демак муаммоли методнинг икки томони: биринчиси, ўртага ташланган муаммо аниқ ечилиши шарт, иккинчи томондан у номаълум, номаълумни топиш учун ўқувчиларда илмий билим, малака мавжуд, — демак, икки томонни ҳал қилишга ўқувчи тайёр туриши муаммоли методнинг муҳим дидактик талабидир.

Ҳозирги замон дидактикасида муаммо билан бир қаторда муаммоли вазият тушунчаси ишлатилади. Берилган масалани ҳал этиш учун ўқувчиларни излашга, қидиришга жалб эта олиш муаммоли вазият дейилади.

Демак, муаммоли методдан фойдаланишнинг дастлабки омиллари ўргатилиши лозим бўлган мавзунинг характерига қараб белгиланади. Муаммоли методдан унумли фойдаланиш ўқувчиларни маънавий, илмий, диалектик ва ижодий фикрланга ўргатади.

Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив методлари — ўқув материалларини маънавий мазмунини очиб беради. Индуктив ва дедуктив метод ўрганилаётган нарсани, буюм ҳодисани яхлитликдан қисмларга майдалашни ёки майдаланган қисмларни яхлитлаш орқали ўқувчиларда маънавий, оғли, тушунарли бўлган билимларни шакллантиради.

Индуктив метод умумий фанларни ўқитиш жараёнида, техник қурилмаларни билиш мақсадида кенг қўлланилади.

Дедуктив метод — анализ қурилмаларни барпо этиш учун қандай қисмлар зарурлиги, бу қисмларни асосий вазифалари ва уни йиғиш қонуни қоидаларини ўргатишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Бу ўқитиш методидан ўқувчиларни тафаккур қилиш қобилиятларини ривожлантиришда, маънавий фикрланга ўргатишда фойдаланиб келинмоқда. Шу билан бирга ўрганилган назарий билимларни мустаҳкамлаш, ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида, бир қатор ўтилган мавзулар устида мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиради. Ўқувчиларнинг билиш фаолияти тинч боғлиқ бўлган ўқитиш методлари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг ҳамкорлиги бўлиб таълим жараёнида билишга бўлган ўқувчиларнинг қизиқиши ва истакларини ривожлантиради.

Ўқингга рағбатлантирувчи методларнинг ўз характериға кўра, қуйидаги турлари бор: билиш билан ўйинлар, ўқув мунозаралари, маъқуллаш ва инкор этиш.

Ўқитиш жараёнида қайси турдаги методлардан фойдаланилмасин, баъзан ўрганилаётган янги билимларнинг ўзлаштириб олиш жараёни қийин ўтади. Ана шундай ҳолларда ўқувчиларнинг бир оз дам олдириш ва ўқингга рағбатлантириш мақсадида билиш билан боғлиқ ўйинлардан фойдаланилади. Бундай ўйинлар болаларни билишга бўлган ҳавасини уйғотади ва бутун диққатини ўрганилаётган янги мавзуга қаратиш имконини беради.

Ўқув мунозаралари айрим эгаллаб олинган билимларни мустаҳкамлаш, эсда қолдириш қобилиятларини ўстириш, янги билимларни ўртоқлари ёрдамида билиб олишни назарда тутаяди. Мўлжалланган айрим бир мавзуда билимлари, қизиқишлари бир хил бўлган икки синф ўқувчилари ёки икки мактабнинг сараланган ўқувчилар жамоалари иштирокида ташкил этилади. Албатта, берилган жавобларнинг тўғри ёки нотўғрилигини баҳоловчи ҳайъат аъзолари адолатли тарзда баҳо беришлари шарт. Бундай ўйин, мунозаралар ўқувчиларнинг узоқ муддатда мўлжалланган билимларни эгаллаш учун имкон беради. Ўқув мунозаралари бевосита синфда ва синфдан ташқари ишларда олиб борилиши мумкин.

Ўқингга рағбатлантирувчи методларнинг маъқуллаш ва инкор этиш тури дидактикада ҳамма ўқитиш методларини қўллаш жараёнида фойдаланилади.

Ўқитувчи ўз ўқувчисининг берган жавобини маъқуллаб турса, шу ўқувчи кўрқмай ўз фикрини айта беради. Айниқса, маъқуллаш методи наст ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишларида қўл келади. Чунки, бундай ўқувчилар тортинчоқ, ўз фикрига эга бўлмаган ёки жавобининг тўғрилигига ишонмаган ҳиссиётда бўладилар.

Баъзан ўқувчининг айрим фикрларининг инкор этишга тўғри келади. Ўқитувчи бу метод билан ишлаш жараёнида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини сусайтириб қўймай, босиқлик билан бу айтган фикрларини нотўғри эканлигини тушунтирмоғи лозим.

Умуман ўқингга рағбатлантирувчи методлар ўқувчиларнинг ортиқча толиқтирмасдан, эриктирмасдан, аста—секинлик билан билиш фаолиятларини ўстиришга, тафаккур ва маънавий ўйлаб кўришга етакловчи омиллардан бири бўлиб, дидактикада салмоқли ўрин эгаллайди.

Таълим методларини танлаш ва ундан фойдаланиш муҳим дидактик масала бўлиб, у ўқитувчидан бой тажриба ва юксак маҳорат талаб этади. Шунинг учун ҳар бир методни танлашда

методларга нисбатан хилма – хил талабларнинг кўпчилигини унитмаслик даркор.

Метод танлашда унинг гнесеологик моҳиятини, яъни танланган ўқитиш методи­нинг ўз олдига қўйган асосий вазифасини англаб етмоқ лозим. Ўқитиш методларининг дарс ўти­лаётган синф ўқувчиларини йиш ва алоҳида хусусиятларига тўғри келиш, келмаслигини психологик жиҳатдан аниқлаш, билим, кўникма ва малакаларни етарли эгаллаб олишга олиб келади.

Ўқитишда ҳал қилиниши лозим бўлган таълим – тарбиявий вазифаларни кўп­лиги ўқув материалларининг мазмуни, ўқувчиларнинг аниқ имкониятларини ҳисобга олиш таълим методларини педагогик жиҳатдан тўғри танлашга олиб келади.

Демак, таълим жараёнида ўқитиш методларининг хилма – хил талабларни кўп­лигини билиш, ҳар бир фойдаланиш зарур бўлган методнинг гнесеологик, психологик ва педагогик жиҳатдан асосланши талаб этади.

### **Мавзу бўйича таянч сўзлар:**

Метод, усул, услуб, восита, билим манбаига боғлиқ бўлган таълим методлари: оғзаки, кўрсатмали, амалий. Билиш фаолияти типига боғлиқ бўлган таълим методлари: репродуктив, муаммоли – изланиш, тадқиқот, индуктив, дедуктив. Ўқинишга рағбатлантирувчи методлар: билиш билан боғлиқ ўйинлар, ўқуви мунозаралари маъқуллаш ва инкор этиш. Таълимнинг асосий воситалари. Таълим методларини гнесеологик, психологик ва педагогик асослаш.

### **Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Таълим методларини мақсади нималардан иборат?
2. Вазифаси – чи?
3. Усул ва услубни фарқи нимада?
4. Восита – чи?
5. Оғзаки методларни турларини айтинг?
6. Кўрсатмали методларни турларини айтинг?
7. Амалий методларни гуруҳланг?
8. Билиш фаолияти типига боғлиқ бўлган ўқитиш методларига тавсиф беринг?
9. Ўқинишга рағбатлантирувчи методларга нималар кирди?
10. Таълим методларини педагогик жиҳатдан асослашг?

### **Адабиётлар:**

1. И.Каримов. Баркамол авлод орзуси. Т., «Шарқ» 1999 й.
2. «Халқ таълими тўғрисида» Қонун. Т., 1997 и
3. Авторлар жамоаси. «Педагогика» уқув қўлланма. Тошкент. «Ўқитувчи», 1996 й.
4. Л.Авлоний. «Турки гулистон ёхуд ахлоқ». Тошкент. 1996 й. «Ўқитувчи» нашриети

5. Нишоналиев Л. Турғунов С. «Педагогика» дарслик Т., «Ўқитувчи». 1997 йил.
6. М.Ҳайитбоев. «Ахлоқий тарбиянинг педагогик асослари». Ўзбекистон беш йилда: якунлар, режалар, муаммолар. ТошДУ. Тошкент. 1996 йил.
7. М.Ҳайитбоев. Педагогикадан маърузалар. Н., НамДУ 2000 й.

## VIII — ЬОБ

### *МАВЗУ: ЎЗБЕК МАКТАБИДА ТАЪЛИМ МАЗМУНИ.*

#### Режа:

1. Таълим мазмунига қўйилган умумий талаблар.
2. Ўқув режалари уларни тузилишининг илмий – педагогик асослари.
3. Ўқув дастурлари ва уларга қўйилган талаблар. Ҳозирги замон умумий таълим мактабларида, лицейларда, гимназияларда ўқув дастурларидан фойдаланиш тартиби.
4. Ўқув дарсликлари ва қўлланмаларига қўйилган талаблар.

Ҳозирги таълим мазмунининг билишдан аввал Қадимий Ўзбекистонда қандай бўлажак авлодни ўқитилганига бир назар солайлик. VII – VIII асрлардан бери давом этиб келган эски – «усули» қадимия», XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида пайдо бўлган «усули савтия» мактабларида асосан, хат – савод ўргатадиган диний билимлар берилди.

1905 йилдан эътиборан Ўзбекистоннинг баъзи йирик шаҳарларида «жадид» мактаблари пайдо бўла бошлади. Мазкур мактабларда савдо – сотиқ ишлари учун зарур бўлган айрим предметлар ҳисоб, табиёт, география ўқитилар эди.

XX асрнинг бошларида ўзбек зиёлилари ташаббуси билан янги тиндаги халқ мактаблари барпо қилина бошлади. Уларда айрим дунёвий фанлар ўқитилган.

Мустақил Ўзбекистонда бугунги кунда ишлаб турган мактабларда таълимнинг мазмуни жамиятимиз иқтисодий ва маданий тараққиёти, фан ва техника ривожини даражаси ҳамда давлатимизнинг келгуси тараққиётига назарда тутиб, узлуксиз суратда бойитиб, кенгайтирилиб борилмоқда.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессиясида сўзлаган нутқида: «Таълим – тарбия ислоҳоти ҳақида таширар эканмиз унинг мазмунини лунда

қилиб ифода этиш мумкин: бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак» деб ўзбек мактабларидаги таълим мазмунини тўла ифодалаб берди.

Маълумки, халқ таълимининг асосий бўғинини узлуксиз таълим тизими ташкил этади. Шунинг учун умумтаълим мазмунини мактабгача тарбия, бошланғич, умумтаълим мактабдан ташқари таълим тарзида тузсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчи. Мактабгача таълим уч ёшдан бошлаб олти — етти ёшгача олинади, болалар боғчасида ва мулкчилик кўринишидан қатъий назар, бошқа халқ таълими ташкилотларида олиб борилади.

Иккинчи. Бошланғич таълим. 1—4 синфларни ўз ичига олади ва бунда ўқиш олти — етти ёшдан бошланади.

Учинчи. Умумий таълим. Бунда ўқувчиларга 5—9 синфлар доирасида билим ва тарбия берилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, умумтаълим мактаби барча учун мажбурий бўлиб, болаларга умумий билим асосларини чуқур ўргатади. Ўқувчиларни дунёқарашини шакллантиради ва кенгайтиришга асос солади.

Тўртинчи. Ўрта махсус билим ва касб — ҳунар таълими. Ўқиш муддати уч йилдан кам бўлмаган академик ва касб — ҳунар лицейлари ва коллежлар.

Олий мақсадларни кўзлаган ўзбек мактабида таълимнинг мақсади, мазмуни ўқув плани, дастури ва дарсликлари орқали белгиланади.

Ўзбек мактабларида илмий билимларнинг асослари ўқитилади ва шунга кўра, уларни ўқув предметлари деб юритилади. Бунинг боиси шундаки, ўқув предмети маълум бир фаннинг тўла мазмунини ўз ичига олган яхлит курс эмас, балки ўша фаннинг (ҳамма маълумотли кишилар ўзлаштириб олиши зарур бўлган ва маълум ўқув ёшдаги болаларга мос келадиган) илмий асослардир.

Ўқув режаси — барча турдаги умумтаълим мактаблари сўзсиз амал қилиши лозим бўлган давлат ҳужжатидир. Унда синфлар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув предметлари, ўша предмет учун ажратилган ҳафталик соатлар кўрсатилган бўлади.

Ўзбек мактаблари ўқув режасига киритилган предметлар, Ўзбекистоннинг миллий хусусиятларининг шарқ халқларининг маданий, маънавий урф — одатларига мослашган. Шунинг учун ҳам унда табиат ва жамият ҳақидаги илмий оғлимлар, ишлаб чиқариш асослари, салғат ва жисмоний тарбия асослари марказни уриниш оғаллади.

Ўқув режасида табиий фанлар — Ўзбекистоннинг табиий географияси, биология, физика, астрономия, химия ва айниқса математика марказий ўрин эгаллайди. Ижтимоий фанлар тарих, жамиятшунослик, иқтисодий география; жаҳон тиллари, она тили адабиёт; чизмачилик, тасвирий санъат, musiқа ва ашула, жисмоний тарбия асослари билан бир қаторда ҳамма синфларда меҳнат таълими ҳам ўрин олган. Бундан ташқари ўқув режасида айрим табиий фанлар физика—математика, шунингдек, айрим гуманитар фанлар бўйича ўқувчиларни қизиқиши, хоҳишларини қопқитириш ва қобилиятларини ривожлантириш мақсадида факультатив машғулотлар ҳам кўрсатилган.

Ўқув дастури ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади. Унда ўқув йили давомида ҳар бир синфда айрим фанлар бўйича ўқувчиларга бериладиган билим, малака ва кўникмаларнинг ҳажми кўрсатилади. Ўқув дастурида ҳар бир ўқув предметининг мазмунини изчиллик билан ёритилади. Маълум мавзулар орқали ўзлаштирилиши лозим бўлган билимлар қисқача ифодалаб берилди.

Ўзбек мактаби ўқув дастурига қуйидаги бир қатор педагогик талаблар қўйилади:

1. Ўқув дастури миллийлиги қоидаси.

Ўқув дастурига бугунги кун талабларига тўла жавоб бера оладиган, илмий жиҳатдан текширилган ишончли билимлар киритилади. Бунда фан билан ўқув предметларининг фарқи йўқ деган, маъно келиб чиқмайди, балки шу мактаб босқичидаги ўқувчиларга мос келадиган билим ҳажми—фан асослари кўзда тутилади. Илмий билимларнинг тобора ривожланиб бориши ва унинг жамият ривожланишига мос келиши амалдаги дастурнинг миллийлигини аниқлаб туради. Шу билан бирга ҳар қайси мактаб босқичига мўлжалланган билим ҳажми ва меъёри синфлар характери нуқтаи назаридан фарқланади.

2. Ўқув дастурида говийлик қоидаси.

Ўқув дастурининг гоъвий йўналиши ҳамда таълим жараёнида кўзда тутилган мақсадни амалга оширмақ учун:

А) ўқув материаллари тўғри танланган бўлиши

Б) дастурда ўқувчиларни илмий билимлар билан қуроллантириш жараёнида дунёқарошни шакллантириш.

В) маълум синф ўқувчиларининг ёш хусусиятлари ва билим савияларини эътиборга олган ҳолда, реакциян гоълари танқид қилиш.

3. Назариянинг амалиёт билан бирлиги қоидаси.

Ўқув дастурида физика, математика, табиёт, химия каби предметлардан фақат илмий билимлар билангина танишиши, қуроллантириш назарда тутилмайди, балки шу билан бирга юқориданги предметлар юзасидан мактаб ўқув кабинетлари,

лабораториялари, тажриба ер участкаларида олиб бориладиган тажрибалар ва шунингдек табиатни кузатиш, ўсимлик ва жониворларни ўстириш, боқиш, парвариш қилиш юзасидан тегишли кўникма ва малакалар билан қуроллантириш ҳам мактабни тугилади. Умуман, ўқув дастурларининг ҳаммаси мактабни тамомлаб чиқувчи ёшларни фан ютуқларини турмушга тадбиқ эта оладиган, назарий ва амалий жиҳатдан етук кишилар қилиб етиштиришни назарда тутаяди.

4. Мос ва лойиқлиги қойдаси.

Ўқув дастурида берилган мавзулар ўз мазмунига кўра, англаб олиш хусусиятларига кўра, шу синф ўқувчиларининг билиб олиш қобилиятларига мос ва лойиқ қилиб тузилади.

Талаб қилинган билимлар йиғиндисини ўқувчи ўзлаштириб олиш имкониятига эга бўлиш лозим.

Дастурда берилган мавзулар ўсиб келаётган ёш авлоднинг қизиқишларига, иштигишларига мос равишда шаклланади.

5. Мустақкам бўлиш ва такрорлаш қойдаси.

Ўқув дастуридаги берилган мавзуларга ажратилган соатлардан таниқари, кўзда тутилган билимларнинг мустақкамлаш ва такрорлаш учун алоҳида соатлар ажратилади. Бу соатлар кўн ҳолларда бирор бўлимни ўтиб бўлгандан кейин ёки катгароқ ҳажмдаги мавзуларни тугаллагандан сўнг эгаллаб олинган билимларни мустақкамлаш учун фойдаланилади.

Айрим фанларни ўқитишда шу фанлар учун тузилган дастурларда мустақкамлаш учун мавзулар шу мавзунини ўтиб бўлгандан кейин берилади. Математика, она тили, жаҳон тиллари кбаи предметлар шулар жумласига киради. Бу фанларга оид дастурларда ўзлаштирилиб олиниши лозим бўлган мавзудан кейин мустақкамловчи мисол ва масалалар, машқлар ўтказиш учун соатлар ажратилади.

Дарслик ўқув дастури асосида, унга мос равишда ёзилади. Дарсликда берилган мавзулар мазмуни ўқув дастурида кўрсатилган билимлар ҳажмига мос бўлиши, шу синфга тўғри келиши талаб этилади. Дарслик ўқувчиларни билим олишлари мумкин бўлган билимларни ўз ичига олади. Ўқув қўлланмаси ўқувчиларнинг дарсликдан олган билимларини кенгайтиради, мустақкамлайди. Ўқув қўлланмалари ўқувчиларнинг мустақил ишлай олишга, дарсликдан олган билимлар ҳажминини кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш, уларни таълим жараёнидаги фаолликларини тарбиялаш дарсликка бўлган бир қатор педагогик талабларни қўяди.

1. Ҳар қайси ўқув предмети учун яратилган дарсликда илмий билимлар системаси ва унинг ҳажми шу синф



ўқувчиларининг ён хусусиятларига мос келадиган бўлиши керак.

2. Дарсликда баён қилинган илмий билимларни назарий билимлар системаси ва изчил бўлиши, улар тўғри таҳлил, аниқ таъриф этилиши, тегишли хулосалар чиқарилиши ва шу орқали ўқувчиларда илмий дунёқарашни таркиб топишини таъминлашни назарда тутади.
3. Дарсликда баён қилинаётган мавзуларнинг мазмунига боғлиқ ҳолда тегишли қонда ва таърифлар берилиши, далиллар келтирилиши ҳамда баъзи мавзулар расм, сурат, схема, диаграмма ва бошқа иллюстрациялар билан бойитилиши талаб этилади.
4. Баён қилинаётган материаллар ўқувчиларга тушунарли, нишиқ – пухта ва ихчам жумлалардан иборат бўлиши керак.
5. Дарсликнинг ташки кўрилиши, беагаги ўша синф ўқувчиларининг эстетик дидларига мос келадиган бўлиши керак.
6. Дарслик гигиена қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.
7. Дарслик фанда исбот қилинмаган, маълум таъриф қоидаларига эга бўлмаган, муаммоли масалалардан холи бўлиши керак.

Ўзбек мактабининг таълим мазмуни ўзгармас нарса бўлмай, балки тараққиётнинг ривожланиши билан бирга ўзгариб, ривожланиб боради.

### **Мавзу бўйича таянч сўзлар:**

Ўқув дастури ва уни турлари, концентрик, тадждирний дастурлар, дарслик, ўқув қўлланма, таълимнинг мақсади, вазифаси, дастур, дарслик тузилишига қўйилган педагогик талаблар. Ўқув предметлари, ўқув соати, ҳафталик соат. Предметлараро алоқа.

### **Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Ўқув режаси нима?
2. Ўқув дастурида нималар ифодаланади?
3. Ўқув дастурларини қанақа турлари бор?
4. Концентрик усулнинг мақсадини айтиш?
5. Тадждирний усул нимани кўзда тутади?
6. Дастур тузилишига қанақа педагогик талаблар қўйилган?
7. Дарслик тузишига – чи?
8. Ўқув қўлланмага – чи?
9. Предметлараро алоқа нимани назарда тутади?
10. Таълим мазмунига қандай талаблар қўйилади.

### Адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиёти пойдевори. Т., 1997 й.
2. И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. Т., «Шарқ», 1999 й.
3. «Таълим тўғрисида»ги Қонун. 1 октябр «Маърифат» газ. 1997й.
4. Педагогика. (А.Мунавваров таҳрири остида) Т., «Ўқитувчи» 1996 й.
5. М.Ҳайитбоев. Педагогикадан маърузалар. Н., НамДУ. 2000 й.

### IX — БОБ

#### *МАВЗУ: ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛАРИ.*

#### Режа:

1. Таълимни ташкил этиш шакллари.
2. Дарсга бўлган талаблар.
3. Синф — дарс шаклидаги дарс турлари ва уларнинг тузилиши.
4. Синф — дарс шаклидаги машғулотларни ташкил этиш.
5. Семинар ва амалий — тажриба ишлар шаклидаги машғулотлар.

Мактабнинг тарихан тараққий этиш даврида таълимни ташкил қилиш шакллари турлича бўлган. Таълимни ташкил этиш шакллари маълум ижтимоий тузум ва шу тузумнинг маифеатларига мос ҳолда шакланган.

XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида буюк чех педагоги Я.А.Коменский (1592—1670) тарихда биринчи бўлиб мактаб таълимида синф — дарс тизимини яратади.

Я.А.Коменский таълимни ташкил қилиш ҳақидаги қарашлари бир қатор жиддий қаршиликларга учраган бўлса ҳам, гарб мамлакатларига жуда тез тарқалди ва таълимни ташкил қилишнинг бирдан — бир шакли деб эътироф этилди.

Синф дарс тизимини шарқ мамлакатларига, жмудан Марказий Осиёдаги эски мусулмон мактабларига таъсир этмади. Бир ўқини хонасида 6 ёндан 15—16 ёшгача бўлган болалар гуруҳи билан бир вақтда машғулот олиб бориладди. Шунингдек, бир ўқини хонасидаги (20—30) ўқувчининг билим даражаси ҳам турлича бўлар эди.

Ўзбек мактаби 1932 йилдан кейин синф дарс тизимига ўтди.

Эндиликда мустақил жумҳуриятимизда халқ таълими олдига қўйган талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мактаб таълимини ташкил қилишнинг янги—янги шакллари яратилмоқда.

Синф—ёши ва билим жиҳатидан бир хил бўлган маълум миқдордаги ўқувчилар гуруҳидир.

Дарс деб бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим машғулотига айтилади.

Дарс—ўқув ишларининг асосий ташкилий шаклидир.

Дарс—ўқув ишларининг марказий қисмидирю

Мактабларимиз босиб ўтган тарихий давр ичида таълимини ташкил қилиш шакллари ўзгаради, ривожланди. Ҳозир мактабларимизда қўлланилаётган синф—дарс тизими қуйидаги ташкилий шаклларда олиб борилади.

1. Ҳар қайси синф ёши ва билимга кўра бир хил даражадаги болаларнинг доимий гуруҳига эга бўлади.
2. Дарс машғулоти асосан 45 минутга мўлжалланган бўлиб қатъий жадвал орқали олиб борилади.
3. Дарс бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида жамоа ва якка шаклда олиб борилади.
4. Дарс ўтилаётган материалнинг мазмунига қараб хилма—хил усул билан олиб борилади, таълим тизимининг бир қисми сифатида албатта тугалланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратадиган қилиб уюштирилади.

Лйни пайтда, мактабларимизда таълимини ташкил қилиш шакллари икки турда олиб борилмоқда.

1. Синф—дарс шаклида олиб бориладиган машғулотлар
2. Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган машғулотлар.

Синф—дарс шаклида олиб бориладиган машғулот ўқитувчининг кундалик ўқув материалларини тизимли баён қилиб беришни, хилма—хил усуллардан фойдаланишни, ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларни изчиллик билан ҳисобга олиб беришни ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатишни у з ичига олади.

Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган машғулотлар синф шароитида ташқарида, ўқув устахонасида тажриба ер участкаси экин майдонларида ишлаш, экскурсиялар ўтказиш йўли билан олиб борилади.

Ҳозирги замон дидактикаси кўп йиллар давомида тўпланган ўқитиш қондалари, фан ютуқлари ва илғор тажрибалар асосида бойиб бормоқда дейишга асос бор. Аммо ўқув жараёнининг ҳамма қисмларини ўқитишни ташкил

қилишнинг мазмуни, усуллари воситалари ва шакллари билан муносабатлари яхши очиб берилмаган. Буларнинг ҳаммаси дидактик қоидалардан амалда фойдаланишни қийинлаштиради. Мактаб олдида турган янги вазифалар ва эҳтиёжлар ўқувчиларга бериладиган таълим ва тарбия сифатини ошириш, уни янада ривожлантириш ва юқори босқичга кўтаришни талаб қилади.

Ўқитувчи ўзининг аниқ шароитлари ва имкониятларига энг кўп мос келадиган ўқув жараёнини онгли равишда танлаб олиш фойдадан ҳоли эмас. Бу иш дарснинг муҳим томонларини танлашдаги таваккалчиликка, билим кўникма ва малакаларни ўзлаштириш жараёнини бошқаришга қандайдир тасодифий ёндашишга йўл қўймайди.

Дарс ўқорида айтиб ўтилганидек, ўқитишни ташкил этишнинг ўзгармас шакли эмас. Ўқув амалиёти ва педагогик тафаккур доимо уни такомиллаштириш йўлларини излайди. Бу соҳада турли хил кўрик – танловлар, жумҳурият миқёсида ўтказилаётган педагогик ўқишларда ўртага қўйилаётган илғор ўқитувчиларнинг фикр ва мулоҳазалари диққатга сазовардир.

Турли – туман фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда дарс қуйидаги умумий дидактик талабларга жавоб бериши лозим:

1. Дарс маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлмоғи лозим.
2. Ҳар бир дарс мустақкам ғоявий – сиёсий йўналишга эга бўлмоғи лозим.
3. Ҳар бир дарс турмуш билан амалиёт билан боғланган бўлмоғи лозим.
4. Ҳар бир дарс хилма – хил усул, услуб ва воситалардан унумли фойдаланган ҳолда олиб борилмоғи лозим.
5. Дарсга ажратилган ҳар бир соат ва дақиқаларни тежаб, ундан унумли фойдаланиш лозим.
6. Ҳар бир дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаоллиги бирлигини таъминламоғи лозим.
7. Дарсда ўқув материалларининг мазмунига онд кўрсатмали қуроолар, техника воситалари ва компьютерлардан фойдаланиш имкониятини яратмоқ лозим.
8. Дарс машғулотини бутун синф билан ёлласига олиб бориш билан ҳар қайси ўқувчининг индивидуал хусусиятлари уларнинг мустақиллигини ошириш ҳисобга олинади.
9. Ҳар бир дарсда мавзунинг характеридан келиб чиқиб, ҳалқимизнинг бой педагогик меросига мурожаат қилиш ва ундан фойдаланиш имкониятини изламоқ лозим.

Бир соатлик дарсга мўлжалланган дастур материалларининг мазмунини баён қилиш учун дидактик мақсад ва талабларга мувофиқ равишда ташкил қилинган машғулот тури дарс турлари деб юритилади.

Таълим тизимидаги энг кўп қўлланиладиган дарс турлари қуйидагилардир:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.
2. Ўтилган материалларни мустаҳкамлаш дарси.
3. Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш ва баҳолаш дарси.
4. Такрорий – умумлаштирувчи ва кириш дарслари.
5. Аралаш дарс (юқоридаги дарс турларининг бир печтасини бирга қўлланиш).

Ҳар бир дарс турининг маълум тузилиши ва хусусиятлари бор, бу нарса ўқитувчининг ўқув материалларини тўғри ва самарали тушунтиришга, мустаҳкам эсда қолдиришга такрорлашга ва унинг ўзлаштирилишини назорат қилиб боришга ёрдам беради.

Маълум бир дарс тури билан олиб бориладиган машғулотларда иккинчи, ҳатто учинчи бир дарс турининг элементлари бўлиши мумкин. Масалан мактабларимизда энг кўп қўлланиладиган дарс турларидан бири – янги билимларни баён қилиш дарсидир. Бу дарстури қуйидагича тузилади.

- a) Янги билимларни баён қилиш.
- b) Янги билимларни мустаҳкамлаш.
- c) Янги билимларни устида машқ қилиш
- d) Янги билимларга боғлиқ ҳолда уй вазифалари тошшириш.

Демак, дарс бошдан – оёқ бир дарс тури билан олиб борилмайди, балки шу дарсда янги билимни баён қилиш билан бирга уни мустаҳкамлаш (иккинчи бир дарс тури элементи савол жавоб ўтказиш), янги билимлар устида машқ ўтказиш (учинчи бир дарс тури элементи – масала ва мисоллар ечишдир), уйга вазифа (бошқа бир дарс элементи – тушунтириш, йўл – йўриқлар кўрсатиш ва ҳоказо) каби бошқа элементларнинг бўлиши ҳам мумкин. Шунга қарамай дарсдан кўзланган мақсад ўқувчиларга янги билим беришга қаратилган бўлса, бутун дидактик усуллар шунга бўйсундирилган. Шунинг учун ҳам бундан дарс янги билимлар дарси деб аталади.

Маълум дарс тури билан иш олиб борилаётганда бошқа бир дарс элементлари асосий дарс туридан ўриш олишни ва айни пайтда асосий дарс турини тузилишини ташкил қилиши мумкин.

Дарс, дарс тузилиши у ёки бу дарс турининг тузилишини унинг қисмларини англатади.

Бироқ, дарс турлари тузилишидаги ҳар қандай қисм — дидактик усул, дарс тузилиши бўлавермайди.

У ўқитиш усули билан боғлангандагина дарс тузилишини ташкил қила олади, яъни дарс тузилишининг ўзгариши биланоқ дарс олиб бориш усули ҳам ўзгаради.

Демак, дарснинг шу қисмига келиб, дарснинг шакли ҳам, усули ҳам ўзгаради, янгиланади.

Бу билан дарснинг янги босқичи бошланади.

Дарс тузилишини биридан иккинчисига ўтиши ва шу орқали дарснинг шакли ҳамда усулларнинг ўзгариши дарс босқичи деб юритилади.

Масалан, аралаш дарс турининг тузилиши:

1. Уй вазифаларини сўраш, текшириб кўриш.
2. Янги уй материалларини баён қилиш.
3. Янги материалларни мустаҳкамлаш.
4. Уй вазифалари топширишни ўз ичига олади. Бунда:
  - 1) Уй вазифаларини кўриш суҳбат(савол — жавоб), мисол ва масалалар ишлатиш йўли билан олиб борилиши мумкин.
  - 2) Янги материалларни баён қилиш жараёнида ўқитувчи тушунтириш ва ҳикоя қилиш, мактаб маърузаси, суҳбат каби усуллардан фойдаланиши мумкин.

Бу дарс тузилишининг иккинчи қисми, дарснинг иккинчи босқичи.

3) Янги материалларни мустаҳкамлаш жараёнида суҳбат, машқ қилдириш, китоб билан ишлаш усулларидан фойдаланиш мумкин. Бу — дарс тузилишининг учинчи қисми, дарснинг учинчи босқичи.

4) Уй вазифаларни топшириш жараёнида тушунтириш, суҳбат усулидан фойдаланиш мумкин. Бу — дарс тузилишини туртинчи босқичидир.

Юқорида кўриб ўтилган дарс турларининг ҳаммаси ўз тузилишига эга бўлганидек, маълум босқичларга ҳам ажралади.

Бошланғич ва V—IX синфларда кўпинча аралаш дарс, мустаҳкамлаш ва билим, кўникма малакаларини текшириш каби дарс турлари қўлланилади. Юқори синфларда эса кўпинча янги билимларни баён қилиш, такрорий умумлаштирувчи дарс турлари қўлланилади.

Такрорий — умумлаштирувчи дарс, одатда дастурнинг маълум бир қисми ёки йирик мавзу ўтиб бўлганидан кейин ишлатилади, ундан ўтилган материалларни такрорлар — қайта эса тушириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ўтилган материалларни қамраб олган ва бир—биринга боғлиқ бўлган саволлар орқали умумлаштириш назарда тутилади.

Одатда, такрорий умумлаштирувчи дастурни ўтишда, ўқувчиларнинг тайёрланишлари учун вақт берилиши

мангулотдан олдинги материал юзасидан саволлар бериб қўйилиши, фойдаланиш лозим бўлган адабиётларнинг рўйхати берилган бўлиши лозим.

Юқори сифатларда баъзан ўқув материалларининг маълум қисми ёки йирик мавзунини бошланг олдидан кириш дарслари ҳам олиб борилиши мумкин.

Бундан дарслар, одатда, гуманитар фанлар бўйича ўтказилади. Бунда, албатта, ўқувчиларнинг мустақил иш олиб боришлари учун назарда тутилади.

Адабиёт дарсларида кўпинча ўқувчилардан ўқув дастурида берилган йирик бадиий асарни ўқиб чиқишлари мавзуга оид саҳна асарлари, кинофильмларни кўрган бўлишлари талаб қилинади.

Бунда ҳар бир дарснинг муваффақияти кўп жиҳатдан мангулотни тўғри ташкил этишга боғлиқ. Мактабларимизда дарснинг бошланиш даврини — дарснинг ташкилий дақиқалари деб юритилади. Тўғри, дарснинг шундай бир кичик ташкилий қисми ҳам булмоғи лозим.

Бироқ, бу дарс шаклининг бирор босқичи ёки тузилишига кирмаслиги керак. Ташкилий дақиқа синфнинг тайёргарлигини сиңчиклаб кузатиш мумкиндир.

Тажрибали ўқитувчилар фурсатни қўлдан бермай, ўқувчилар диққатини чағитмай, дарҳол иш бошлаб юборадилар.

Айни пайтда ўқитувчилар олдида икки вазифа — бутун синф ўқувчилари диққатини ўзинга жалб қилиш ва бутун синф ўқувчиларини тезлик билан мангулотга фаол киришинларини таъминлаш вазифалари туради.

Дарс мангулотидан кўзланган мақсадни равшан ва аниқ қилиб уқтириш билан бошланади.

Дарс янги материалларни баён қилишга қаратилган бўлса, дарс мавзуси айтилади.

Дарсда режада мўлжалланган материалларни ўтиб бўлгач, у албатта яқинлашиши, хулосалар чиқарилиши керак.

Дарсни ташкил этиш ва олиб боришдаги бош мақсад — таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлашдир.

Бунинг учун:

А) ўтилаётган мавзудан кўзланган мақсадни уқтириш билан бир вақтда, ўқувчилар материални фаол идрок этишга сафарбар этилган бўлишлари керак. Айни ўқитувчи баён қилаётган материаллар ўқувчиларни мустақил фикр юритишга, онгли ўзлаштиришга интилишларини таъминламоғи лозим.

Б) ажратилган вақт ичиде материалларни тизимли ва изчил баён қилиш билан бир вақтда, ўқувчиларни ҳам албатта мавзуга оид мустақил иш олиб боришларини таъминлаш жуда муҳимдир.

Ўқитувчи дарс материалларини баён қилиш жараёнида ўқувчиларга муаммоли вазият туғдирадиган саволлар берсин ва ўқувчилар ахтариш, фикрлаш ва изланиш йўли билан баён қилинаётган материалларни пухта ўзлаштириб оладиган бўлсинлар. Бунда умумсинф жамоаси ва ҳар қайси ўқитувчининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган бўлмоғи лозим.

В) Эндиликда дарсда узоқдан — узоқ вақт сарфлаб ўқувчиларни билимини аниқлаш ва баҳолаш билимларини баён қилиш ва мустақамлашда ўқувчилар иштирокини чеклаб қўйиш каби ҳолларга барҳам берилмоқда.

Билимларни баён қилиш жараёнида ўқувчилар фаоллиги (оғзаки ва ёзма машқлар) лаборатория тажриба ишлари (мустақил ижодий ишлар) ишга солинмоғи лозим, бу ўз навбатида ўқувчиларнинг олдиндан ўзлаштирилган билимларни ҳам ишга туширишга хизмат қилади ва тўғри баҳолашга имкон туғдиради.

Г) Ўқувчиларни мустақил ва мантиқий фикр қилишлари қунт — иродаларини тарбиялаш ҳамда нутқ маданиятини ривожлантириш тегишли кўникма ва малакалар билан қуроллантиришда мустақил ишни аҳамияти ҳаминна диққат марказида бўлиши, дарс жараёнини шу мақсадга мувофиқ бўлиши назарда тутилмоғи лозим.

Д) Дарс жараёнини ўтилаётган ўқув материалларини бошқа фанларнинг алоқадор мавзулари билан боғланишини кўрсатиш ҳам муҳим аҳамият моликдир.

Семинар машғулотлари ўқувчиларни мавзудаги муҳим масалаларини чуқур ўрганиш юзасидан мустақил ишларни кейинчалик уларни жамоа бўлиб муҳокама қилишни ташкил этиш шаклидир.

Мавзу ўрганилгунга қадар ўқитувчи ўқувчилар учун савол ва топшириқлар тузиб чиқади. Кириш машғулотида ўқувчиларни материални мазмуни, қилинадиган ишнинг характери билан қисқача таништиради. Уларга ҳар қайси семинар учун топшириқ беради ва тайёрланиш учун адабиёт кўрсатади. Бир хил вазифалар ҳамма учун умумий бўлади, бошқа вазифалар айрим ўқувчиларга ёки 3–4 кишидан тузилган гуруҳга берилади. Бунда ҳамма ўқувчилар семинар учун дастурдаги мажбурий материалларни ишлаб чиқаришлари керак.

Семинарларга 2–3 ҳафта тайёргарлик кўрилади. Ўқувчилар адабиётни ўрганадилар, материаллар ишладилар, ҳар хил кузатишлар ўтказадилар, ўз ахборотларин юзасидан тезислар тузадилар. Семинарлар ўқини вақтида ўтказилади. Бундай



машғулотлар миқдори мавзунинг мазмунига ва уни ўрганиш учун ажратилган вақтга боғлиқ.

Ўқувчилар машғулотларда ахборот берадилар, уларга турли хил намойиш этиладиган нарсаларни илова қиладилар. Масалани муҳокама қилишда ҳамма ўқувчилар иштирок этишади. Семинарга пухта тайёрланиш учун ўқитувчи айтиб берилган вазифани ҳаммага ёки бир еча ўқувчига бериши маърузачини эса машғулот бошланишида тайинлаши мумкин.

Семинар машғулоти ўқитувчи раҳбарлигида ўтказилади, ўқувчиларни ишини йўналтириб туради, мавзу саволлари муҳокамасини яқинлайди, зарур қўшимча тузатишлар киритади, материални системага солади, маъруза қилинган муҳокамада қатнашган ўқувчиларга баҳо қўйилади.

Бу усулнинг афзаллиги ўқувчилар эътиборини дарсга жалб этиш билан уларнинг қизиқишини ортириш, ўз устида мустақил ишлашга, фикрлашга ўргатиш, дарсни фаоллаштириш ва ўқувчилар қобилиятини ўстиришидир.

Амалий тажриба мақсадлари синф – дарс тизими шаклида олиб борилмайдиган машғулот тури бўлиб, у махсус жиҳозланган хона ёки алоҳида ажратилган тажриба участкасида, шунингдек бевосита таълим ишига алоқадор маълум объектни кузатишни ўргатиш йўли билан олиб бориладиган машғулотдир.

Таълимнинг бундай машғулотларини ташкил қилиш икки хил йўл билан олиб борилади.

1. Амалий тажриба машғулотлари.
2. Экскурсиялар.

Амалий тажриба машғулотлари асосан мактаб устахонаси ва ўқув тажриба ер участкаларида олиб борилади.

Амалий тажриба машғулотлари ҳам ўз характериغا кўра икки турга эга:

1. Мактаб устахонасида олиб бориладиган машғулотлар, мактаб тажриба ер участкасида олиб бориладиган тажриба машғулоти.
2. Амалий тажриба машғулотларининг синф – дарс шаклидаги машғулотдан фарқи шундаки, бу машғулот турида ҳар қайси ўқувчинини ўзинга хос ишлатиш кўпикма малакалар билан қуроллантириш назарда тутилган. Бу машғулотлар асосини иш тури билан бирга ўқувчиларни материал асбоб ускуна билан таъминлаш, йиғиштириб олиш, иш урнини тоза тутиш каби ташкилий масалаларни ўз ичига олади.

V – IX синфларда амалий машғулотларни олиб боришда қуйидагиларга риоя қиланади:

Ўқитувчи дастлаб машғулотларнинг мазмунини тушунтиради, дастлабки иш намунасидан ўзи ишлаб кўрсагади, ўқувчиларга материаллар ва асбобларни тарқатади. Яккама – якка ва ёппасига иш жараёнини бошлайди, йўлланмалар беради, бажарган ишларни йиғиштиради, машғулотларни якунлайди, иш ўрнини қайта тартибга келтиради.

Мақтаб тажриба ер участкасидаги тажриба машғулоти V – IX синфларда ўқув фанлари, айниқса ботаника, зоология фанлари билан боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Унинг асосий мазмуни ўсимлик ва ҳайвонот ҳаёти, уларнинг яшаш ва ривожланишларини чуқурроқ ўрганиш ва ўзлаштириш турли мавзуларда тажрибалар ўтказиш, шунингдек қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг оддий меҳнат қуролларида фойдаланиб амалий меҳнат қила олиш, кўникма ва малакалари ҳосил қилишни ўз ичига олади.

Амалий машғулотларни назарий асослари синфда ўтилиб машғулотни ташкил қилинишига оид йўл – йўриқ ва кўргазмалар ер участкасида ёки машғулотнинг мазмунига оид жойда берилади.

### **Мавзу бўйича таянч сўзлар:**

Дарс, синф – дарс тизими, дарсга қўйилган дидактик талаблар, дарс турлари, ялпи, гуруҳли, якка шаклдаги дарслар, дарс таҳлили, амалий машғулот, факультатив машғулот, уй ишлари, мустақил иш.

### **Билимларни мустаҳкамлар учун саволлар:**

1. Дарс деб нимага айтилади?
2. Синф деб нимага айтилади?
3. Дарсга қапақа дидактик талаблар қўйилади?
4. Дарс турларини санаган?
5. Аралаш дарсга тавсиф беринг?
6. Ялпи дарснинг мақсади нима?
7. Янги мавзунини баёни қайси дарс шаклига киради?
8. Мустақил машғулотдан мақсад нима?
9. Уй ишлари қачон берилади?
10. Дарс таҳлилидан мақсад нима?

### **Адабиётлар:**

1. И.А.Каримов. «Баркамол авлод – Ўзбекистон келажакининг пойдевори». Т., 1997 й.
2. И.А.Каримов. «Баркамол авлод орзуси». «Шарқ». 1999й. Т.
3. «Педагогика» (А.Мунавваров таҳрири остида). «Ўқитувчи» нашриёти. Т., 1996 й.
4. У.Нишоналиев, С.Турсунов. «Педагогика». «Ўқитувчи» нашриёти. Т., 1998 й.
5. М.Ҳайитбоев. Педагогикадан маърузалар. Н., НамДУ 2000 й.

*МАВЗУ: ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ.*

Режа:

1. Тарбия жараёни моҳияти.
2. Тарбия жараёнининг ҳаракатга келтирувчи кучлари.
3. Тарбия жараёни мақсади.
4. Тарбия қонуниятлари.

Тарбия — ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама ўстириш, унинг онги ва ҳулқ—атворини таркиб топтириш жараёнидир. Тарбия — маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқатидир.

Тарбия — тарбиячи хоҳлаган сифатларни тарбияланувчига сиғдириш учун тарбияланувчининг руҳиятига муайян суратда маълум бир мақсадга қарата ва мунтазам суратда таъсир қилишдир. Бу ҳилдаги таъриф тарбия тушунчасига кирадиган ҳамма нарсани, чунончи: муайян дунёқараш, ахлоқ, ижтимоий ҳулқ—атвор қойдаларини сиғдириш, муайян характер ва ирода, одат ва ахлоқ яратишни ўз ичига олади.

Тарбия — шахсни мақсадга мувофиқ такомиллаштириш учун уюштирилган педагогик жараён бўлиб, тарбияланувчининг шахсига мунтазам ва тизимли таъсир этиш имконини беради.

Тарбия жараёни ўзаро боғлиқ бўлган икки фаолиятни — ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ўз ичига олади. Тарбия жараёнида ўқувчининг онги шакллана боради, ҳис ва туйғулари ривожланади, ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ва ижтимоий алоқаларга хизмат қиладиган ҳулқий одатлар ҳосил бўлади.

Тарбия жараёнида болаларнинг ҳаёти ва фаолиятини педагогик жиҳатдан тўғри уюштириш гоёт муҳимдир.

Фаолият жараёнида бола ташқаридан келаётган тарбиявий таъсирга нисбатан маълум муносабатда бўлади. Бу муносабат шахснинг ички эҳтиёжи ва хоҳишларини ифодалайди. Психологлар ва педагогларнинг тадқиқотлари шахсга ташқи омилларнинг (ҳоҳ ижобий, ҳоҳ салбий) таъсири боланинг уларга муносабатига боғлиқлигини кўрсатади. Боланинг шахсий тажрибаси эҳтиёжлари ташқи таъсирга муносабатини белгилаб беради ва унинг ҳулқида акс этади. Шунинг учун бола фаолиятини уюштиришнинг ўзигина кифоя қилмайди. Тўғри тарбиялаш учун тарбияланувчининг бу фаолиятга нисбатан

қалбида пайдо бўлаётган муносабатни, турли хил кечинмаларни қандай англашни, баҳолашни, ҳис қилишни ҳамда улардан ўзи учун нималарни мақсад қилиб олаётганини билиш зарур. Яни шуни ҳисобга олиш керакки, буларнинг барчаси турли кишилар билан алоқа қилиш, коллективдаги муносабатлар асосида рўй беради. Бола улғая бориши билан бу хил алоқа ва муносабатлар мураккаблашиб боради ва бола шахсининг камолга етишида ё ижобий ёки салбий таъсир этади. Шунинг учун тарбия мақсадга мувофиқ мунтазам таъсир этишни кўзда тутаяди, зероки шу йўли билан жамиятнинг шахсга қўядиган талаблари тарбияланувчининг ҳулқини идора қилиб турувчи ички эҳтиёжга айланади.

Тарбия жараёнида ўқувчининг онгинигина эмас, балки ҳис — туйғуларини шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган ҳулқий малака ва одатларни ҳосил қилиш лозим. Бунга эришиш учун ўқувчининг онгига (таълим жараёни асосида), ҳиссиётига (дарсда ва синфдан ташқари ишларда) ва иродасига (фаолиятни уюштириш, ҳулқни идора қилиш жараёнида) мунтазам таъсир этиб борилади. Агар ўқувчини тарбиялашда булардан бирортаси (онги, ҳиссиёти, иродаси) эътибордан четда қолса, мақсадга эриниш қийинлашади. Шунинг учун тарбия жараёни кўп кўп қиррали ва мураккабдир. Мактабдаги тарбия жараёни тўхтовсиз давом этадиган жараён бўлиб, унга ўқитувчи, тарбиячи раҳбарлик қилади ва у тарбиянинг айни вақт учун зарур бўлган мақсадини, шу мақсадни ҳал қилишга хизмат этадиган фаолиятини белгилайди. Ўқувчиларнинг иш фаолиятига иштираш этишини таъминлаб, улар ўртасида ижтимоий, жамоа ва ўртоқлик алоқалари ва муносабати учун шароит яратаяди. Ўқувчиларни фаолиятда қатнашишлари орқали уларнинг ўсиб боришига эришилади. Ана шу жараёнда боланинг қарашлари, эътиқодлари ва воқеа ва ҳодисаларга ўз нуқтаи назари вужудга келади ва мустаҳкамлашиб боради. Булар боланинг атроф — муҳитнинг таъсирига нисбатан қандай муносабатда бўлишини белгилайди.

Шундай қилиб, мактабдаги тарбия ишон шахсини таркиб топтириш ва камолга етказиш жараёнидан иборат бўлиб, унинг мазмуни таълимдагидек алоҳида предметларда эмас, балки ўқувчиларнинг ҳаёт — фаолиятлари ва ўзаро муносабатларидан ташкил топади. Мана шулардан тарбия жараёнининг ўзинга хос хусусиятлари келиб чиқади.

### **Мавзу бўйича таянч сўзлар:**

Тарбия моҳияти, тарбиянинг таърифи, тарбиянинг ҳаракатга келтирувчи кучи, тарбия диалектикаси, тарбия жараёнида мақсад, тарбия қонуниятлари, икки фаолият ушшунлиги, тарбия босқичлари, ҳулқ — аъвор, ҳиссиёт, одат, ирода.

### Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Тарбия моҳиятига тавсиф бериш?
2. Тарбияни таърифлаш?
3. Тарбияни ҳаракатга келтирувчи кучларга нималар киради?
4. Тарбия жараёни қандай кузатилади?
5. Тарбияда мақсад қандай белгиланади?
6. Тарбия қонуниятларини санаиш?
7. Икки фаолият деганда нимани тушунасиз?
8. Ҳулқ – атвор қандай шакллантирилади?
9. Ҳиссиёт нима?
10. Ирода қандай тарбияланади?

### Адабиётлар.

1. И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон» нашриёти. 1998 й.
2. И.Каримов. Баркамол авлод орзуси. Т., 1999 й.
3. «Халқ таълими» тўғрисидаги қонуи. Т., 1997 й.
4. Миллий дастур. Т., 1997 й.
5. М.Ҳайитбоев. Педагогикадан маърузалар. Н., НамДУ. 2000й.

## XI – БОБ

### *МАВЗУ: ТАРБИЯ ҚОИДАЛАРИ.*

#### Режа:

1. Тарбиянинг мақсадга қаратилганлиги қоидаси.
2. Тарбияда инсонпарварлик қоидаси.
3. Тарбияда ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш ва талабчанлик қоидаси.
4. Тарбияда изчилик, тизимлилик қоидаси.
5. Таълим – тарбия бирлиги қоидаси.
6. Ёш ва алоҳида хусусиятларини ҳисобга олиш қоидаси.

Тарбия қоидалари деб ёш авлодни тарбиялаш мақсадидан келиб чиқадиган ва ўқувчиларни баркамол шахс қилиб тарбиялашнинг мазмуни, методлари ва йўналишига қўйиладиган энг муҳим талабларни белгилаб берувчи асосий ҳолат ва тизимлар йиғиндисига айтади. Бу ҳолат ва қоидалар баркамол авлодни тарбиялаш ҳозирги шароитда амалга ошириладиган тарбиявий ишларнинг бой тажрибаларига суянади ва тарбиявий ишларни тўғри ташкил этишга ёрдам беради.

Тарбиявий жараёнда бу қоидаларга риоя қилиш унинг самарасини оширади, яхши натижаларга олиб келади.

Тарбиянинг мазмуни, ташкил этилиши, усуллари ва уларга қўйиладиган талаблар шу қоидаларда ўз ифодасини топади.

Ўқитувчи тарбиявий ишларга раҳбарлик қилар экан, тарбияланган лозим бўлган баркамол авлодлар образини кўз олдига келтириш ва ўқувчиларга энг яхши инсоний фазилатларни сингдиришни режалаштириб, маълум бир тизимда мунтазам иш олиб бориши лозим.

Ана шуларга асосланиб тарбия қоидаларига қуйидагиларни киритиш мумкин: тарбиянинг маълум мақсадга қаратилганлиги, тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик қоидаси, тарбиянинг ҳаёт билан, меҳнат билан боғлиқлиги қоидаси, тарбияда миллий – маданий ва умуминсоний қадриятининг устиворлиги қоидаси, тарбияда ўқувчиларнинг ёш ва шахсини хусусиятларини ҳисобга олиш қоидаси, изчиллик, тизимлилик, тарбиявий таъсирини бирлиги ва узлуксизлиги қоидаси ва бошқалар.

Тарбиядан кўзланган асосий мақсад, ҳар томонлама камол топган баркамол шахсни шакллантиришдан иборат. Шунга кўра тарбиявий ишнинг мазмуни, ташкилий шакллари ва усуллари шу мақсадга эришишни кўзда тутаяди.

Ҳар қандай ўқув даргоҳининг асосий вазифаси – шахсни ақлий, ахлоқий, маънавий ва жисмоний ривожланиши, қобилиятларини ҳар томонлама камол топтиришдан иборатдир.

Тарбиявий иш маълум мақсадни кўзловчи ва узлуксиз давом этадиган жараёндир. Кўпинча бир неча мақсад ва вазифа бирданига бажарилади, бу эса ўқувчилар жамоасини ақлий ва ахлоқий ўсишини таъминлайди.

Яхши бир мақсад изҳор қилинган бўлса – да, аммо бу мақсадни амалга ошириш учун ҳеч қандай иш қилинмаган бўлса, тарбия қоидаси ҳеч қандай ёрдам беролмайди.

Тарбияни маълум мақсадга қаратилганлик қоидаси болалар жамоасининг ривожланиш истиқболларини кўра билишга ёрдам беради. Ҳар бир тарбиявий тадбир олдиндан пухта ўйланган, муайян мақсадни амалга оширишга бўйсундирилган бўлса, унинг ғоявий – сиёсий даражасини кўтаради, танланган усул ва воситалар мақсадга мувофиқ келади, уларнинг тарбиявий таъсири юқори бўлади.

Ёшларни инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашда муқаддас китоб Қуръони Карим, Ҳадиси шарифдан фойдаланиш жуда муҳим. Махмуд Қошғарийнинг «Девони лугатиг турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» Аҳмад Юғнакийнинг «Хиба тул хақойиқ», Кайковуснинг «Қобуснома», Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлари», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон ва бўстон», Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер

Навойнинг шоҳ асарлари, ҳикматлари муҳим тарбиявий аҳамият касб этади.

Тарбияда инсон шахсининг олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлигини ҳисобга олиш лозим.

Яхши ўқитувчи ўқувчиларнинг сўзини диққат тинглайди, уларга маслаҳат беради, болаларни севади.

Тарбияни демократиялаш — бу тарбияни маъмурий эҳтиёж ва қизиқишлардан юқори қўйиш, тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳамкорлик асосида тарбиявий жараёни ташкил этишдир.

Ўзаро муносабатларда инсоншарварлик, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ҳурмат туйғуларини шакллантириш, болалар фикрига эътибор қилиш, уларга меҳрибонларча муносабатда бўлиш лозим.

Ўқитувчи ўқувчига, аввалгидек, тарбия объекти эмас, худди ўзи каби субъект деб қараши даркор. Яъни ўқувчига фақат менинг буйруғимни бажарувчи эмас, балки менинг ўзим билан тенг ҳуқуқли, бирга ишловчи, ҳамкорлик қилувчи деб билиши керак.

Бола бутун қалбини дарсга бағишласа, уни оғир аҳволга солиб қўйган бўламиз, у фақат ўқувчигина эмас, аввало, эҳтиёжлар, интилишларга эга бўлган инсондир.

## **ТАРБИЯДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ УСТУНЛИГИНИ ҚОЙДАСИ.**

Ўқувчиларнинг халқимиз қадриятлари, бой маданияти билан таништириш, илмий ва маънавий билимларни эгаллашга бўлган қизиқишларини шакллантириш жуда муҳимдир.

Маънавий қадриятлар ва миллий ғоялар ҳар хил миллат ўқувчиларини бирлаштиради, ўқув ва меҳнат фаолиятларини уюштиришга ёрдам беради.

Халқ педагогикаси бола тарбиясидаги бой меросини ҳаётга тўла тадбиқ этиш, буюк алломаларнинг педагогик қарашлари, шарқона урф—одатлар, бой маданий меросининг чуқур билмасдан миллий ўзликни англаш, миллий ғурур туйғусини қарор топтириш мумкин эмас.

Ўзбек халқи кўп асрлик тарихий тараққиётида катта маданиятни яратди. У яратган бойликлар ёшлар тарбиясида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Исмоил—ал Бухорий, ал—Хоразмий, Беруний, Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Юсуф—Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Саъдий Шерозий, Аҳмад Яссавий, Низомий Ганжавий, Фариддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа буюк мутафаккирларнинг асарлари

орқали ўқувчилар гўзал ахлоқ, бахт, инсоф, поклик, ифрат, сабр — матонат, меҳр — шафқат, сиҳат — саломатлик, ота — онани ҳурмат қилиш сифатларини шакллантирадilar. Инсонийлик ўз қобиғига шахснинг энг яхши ахлоқий хусусиятларини, яъни одамлар ўртасида ўзаро яхши муносабатда бўлиш, дўстлик, ота — онага садоқатлик, меҳнатсеварлик, диёнатлилик каби фазилатларни қамраб олади. Ота — боболаримиз болаларда ёшлиқдан ана шу гўзал фазилатларни қарор топтиришга аҳамият берганлар.

Ёш авлодни тарбиялашда кўзланган натижага эриши учун тарбиявий ишлар изчил ва тизимли олиб борилади. Тарбия ишидаги изчиллик ва тизимлилик қоидаси шундан иборатки, ҳар бир тарбия иши мактаб умумий тарбиявий режасига асосан маълум изчилликка олдинги ишларнинг маънавий давоми сифатида тарбия соҳасида қилинаётган ишларни ривожлантирсин.

Тарбиячи аввалига болалардан бирор нарсани талаб қилиб, сўнгра ўзининг бу талабини унутиб қўйса ёки ўзи бу талабга хилоф иш тутса, бу хол тарбияга жуда ёмон таъсир қилади. Ўқитувчи субутли; ўз лафзига собит бўлмоғи керак. Масалан: «Эртага сайирга берамиз», «Тозаликни текшираман» деб ваъда бердингизми, ижросини унутманг. Тарбиячи бирор тарбиявий тадбир уюштиришни болаларга ваъда қилиб, сал орада ваъдасини эсдан чиқариб қўйса, ўқувчилар бундай тарбиячига ишонмай қўядилар. Ҳар бир педагогнинг иши билан сўзи бир бўлиши лозим.

Болаларга бирдагина жуда кўп талаб ва қоидаларни тақдим қилиш мумкин эмас.

Ҳамма тарбиячилар ўқувчига бўлган муносабатларида бир — бирларига зид ҳаракатда бўлмасликлари, бир хил ягона талаб қўйишлари лозим. Тарбиявий ишда бундай изчилликка риоя этиш жуда ҳам муҳимдир.

Ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатишда изчилликка риоя қилиш, муомалани аввалгича давом эттириш ва бир хил талаб қўйиш муваффақият қозонишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Афсуски, амалда баъзан оила мактабнинг талабларини қўллаб — қувватламайдиган эмас, балки ўқувчига тескари таъсир кўрсатади. Ўқитувчилар орасида ҳам талабаларнинг бир хиллиги ҳамиша ҳам таъминланавермайди. Тарбия узок муддатли, мураккаб жараён бўлиб, унда ота — она, ўқитувчи, жамоатчилик ва бошқалар қатнашадилар. Шу сабабли уларнинг ишда изчиллик ва давомийлик бўлишига риоя этиш, ўқувчилараронинг тарбияланганлик даражасини, тарбия усуллари ва шакллариини уз вақтда аниқлаб олиш жуда муҳимдир. Бу қонда тарбия ишида тарбиянинг амалга оширадиган



барча бўғинларнинг (оила ва мактаб, ўқувчилар ва ёшлар ташкилотлари, мактабдан ташқари тарбия муассасалари, кенг жамоатчиликнинг) ҳамжиҳат ва бамаслаҳат иш кўришни кўзда тутлади. Чунки тарбиявий таъсирдаги тизимлилик фақат ёшларни эмас, балки аҳолининг барча қатламларини қамраб олади.

Ўқувчилар юқорида кўрсатиб ўтилган қоидаларни билишлари ва уларга амалда моҳирлик билан ўз ишларида қўллай олишлари керак. Бу тарбиявий ишларда ўқитувчига тарбиянинг йўллари, восита ва методларини тўғри белгилаб олишга имкон беради.

### **Мавзу бўйича таянч сўзлар.**

Тарбиянинг мақсадга қаратилганлиги, ҳаёт ва меҳнат билан боғлиқлиги, миллий в умуминсоний қадриятлар, ёш ва алоҳида хусусиятларни ҳисобга олиш, изчиллик ва тизимлилик; талаб ва таъсир бирлиги, жамоада тарбиялаш қоидалари.

### **Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Тарбиянинг мақсадга қаратилганлиги нимани билдиради?
2. Нима учун ҳаёт билан боғланиши керак?
3. Миллий тарбия қандай берилади?
4. Нималарни умуминсоний қадрият деймиз?
5. Ёш ва алоҳида хусусият нима?
6. Изчиллик – чи?
7. Тизимлилик – чи?
8. Талаблар қандай қўйилади?
9. Нима учун талаб ва таъсир бирлиги керак?
10. Шахс тарбияси сизнингча қандай бўлиши керак?

### **Адабиётлар:**

1. И.А.Каримов. «Баркамол авлод – Ўзбекистон келажагининг пойдевори». Т., 1997 й.
2. И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон» нашриёти. 1998 й.
3. Миллий дастур. Т., 1997 й.
4. Педагогика (А.Мунавваров таҳрири остида). Т., 1996 й.
5. М.Ҳайитбоев. Педагогикадан маърузалар. II, НамДУ. 2000й.

*ХII – БОБ*  
*МАВЗУ: ТАРБИЯНИНГ УМУМИЙ МЕТОДЛАРИ.*

Режа:

1. Тарбия методлари ҳақида тушунча.
2. Тарбия методларининг классификацияси. Метод, усул, восита тушунчалари.
3. Ижтимоий ҳуққ билан боғлиқ методлар.
4. Ўқувчиларнинг онгига таъсир этувчи методлар.
5. Фаолият ва ҳуққий одобга мойиллик уйғотувчи методлар.
6. Рағбатлантириш ва жазолаш.

Тарбия методлари бола шахсни камол топтириш мақсади билан белгиланади ва тарбия жараёнига алоқадор қонуниятлар билан такомиллашиб боради. Тарбия методлари ўқувчиларга тарбиявий таъсир этиш усулларининг ҳамда ўқувчиларнинг ҳаёти ва фаолиятини уюштиришнинг педагогик асосларини белгилайди.

Аниқроғи, тарбия методи деб тарбиячининг болаларда келажакка ишонч ва инсоий фазилатларни шакллантириш мақсадида уларнинг онги ва иродасига таъсир этиш йўлларига айтилади. Тарбия жараёнининг кўп қирралилиги ва кенглиги туфайли тарбия методлари ҳам хилма-хил бўлиб, улардан қайси бирини танлаш ва қўллаш ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида ўқувчиларнинг ёш ва алоҳида хусусиятларига боғлиқдир.

Тарбия методлари назариясида яна усул ва восита тушунчаси ҳам қўлланади. Усул методга нисбатан хусусий тушунча бўлиб, методга бўйсинади, хизмат қилади. Масалан: болаларда маданий ҳуқққа оида одатларни ҳосил қилишга ўргатиш, одатлантириш учун машқлардан фойдаланамиз. Бу методга турли усуллар хизмат қилади. Яъни кўрсатамиз, ўргатамиз, таъкидлаб, эсга тушурамиз ёки лекция, суҳбатлар орқали ахлоқ меъёрларини очиб берамиз.

Тарбиявий восита анча кенг тушунча бўлиб, ҳар қандан тарбиявий вазифани ҳал қилиш учун қўлланилаётган методик йўлнинг муваффақиятли чиқишига кўмаклашади. Тарбиядаги восита турли хил предметлар фаолият турлари, тарбиявий мақсадда қўлланилаётган техник имкониятлар, курсатма қуроллар, китоблар, оммавий воситалар (радио, мактаб радиоси, телекўрсатув ёки кинофильм ва бошқалар)ни киритиш мумкин. Лекин шунинг ёйда сақламоқ керакки, тарбияда қўлланиладиган предметлар, фаолият турлари, воқеалар метод билан қўшилмасе,

фойдаси бўлмайди, улар ёлғиз, соф ҳолда тарбиявий вазифани бажара олмайди. Фақат, бирор бир тарбия мақсадини ҳал қилиш учун қўлланган тақдирдагина тарбия воситаси бўла олади.

Педагогик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тажрибада методлар, усуллар ва воситалар ўртасида фарқ кўринмайди. Чунки тарбия методлари диалектик характерга эга бўлиб, уларга ҳам тарбия жараёнининг ўз каби ҳаракатчанлик ва ўзгарувчанлик хосдир. Улардан самарали фойдалана олиш тарбиячининг маҳоратига боғлиқ. Моҳир тарбиячи болаларга тарбиявий таъсир этишда унинг ёши, тарбияланган даражаси, ўзи билан бола ўртасида вужудга келган муносабатларнинг характери, ўқувчи интилишларининг ўсиш даражаси, фаолиятда қатнашишдан бола кўзлаган мақсади, мотиви, алоқаларнинг ўзгаришича таъсир этаётган вазият ва шароитларни тўла ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, болага таъсир этишнинг муваффақиятини таъминлайдиган методни тўғри ташлай олади. Методларнинг характерли хусусияти шундаки, улар ўзаро боғлиқ бўлиб, методларнинг бир тури иккинчисига қўшилиб кетади. Ҳеч бир методни якка ҳолда қўллаш яхши натижа бермайди.

Тарбиявий ишлар жараёнида тарбиячи тарбияланувчича таъсир этишнинг турли — туман метод, усул ва воситаларидан фойдаланади. Бола ўсиб улғайиши билан атроф ҳодисаларидан яхшилик ва ёмонликни ўрганиб олишни мумкин. Шунинг учун тарбия методлари бола шахсини «лойиҳа»лаб, унинг ҳулқига тузатишлар киритиб боришга хизмат қилади. Шуларга кўра тарбия методларини улар бажарадиган вазифаларга қараб, қуйидаги насосий гуруҳларга ажратамиз.

Биринчи гуруҳ — ижтимоий ҳулқ билан боғлиқ тажрибаларни ортиришга хизмат қиладиган методлар. Булар ёрдамида ўқувчиларда ахлоқий одатлар ҳосил бўлади. Бундай одатлар асосан фаолият заминида таркиб топади. Масалан: ўқувчининг ижобий ҳатти — ҳаракатларга ундан мақсадида талаб, қўйиш, жамоатчилик фикридан фойдаланиш, ўргатиш, машқ қилдириш, унда одатлар ҳосил қилади.

Буларнинг барчаси фаолият билан боғлиқ, шунинг учун бу гуруҳ методларини одатлантириш ёки фаолиятда машқлантириш методлари деб аташ мумкин.

Иккинчи гуруҳ ўқувчиларни онгига таъсир этишга хизмат қиладиган методлар гуруҳи бўлиб, улар жамиятнинг тарбия мақсадларини шахс фаолияти ва ҳулқининг мотивига айлантиради. Бу методларнинг вазифаси ўқувчининг онгида ҳаёт, ахлоқ, меҳнат, инсонлар муносабати билан боғлиқ ҳолида ва меъёрлар ҳақида тушунича ҳосил қилиш ва билим беришдан

ибораг. Бу гуруҳга ғоявий, ахлоқий, эстетик суҳбатлар, ҳикоялар, маърузалар ва намуна кўрсатиш методларини киритиш мумкин. Бу ҳар иккала метод ўзаро боғлиқ ҳолда қўлланиш орқали онг ва ҳулқ бирлигини таъминлашга хизмат қилади, аммо бу ўз-ўзидан вужудга келмай, балки ўқитувчининг педагогик маҳоратига ва бола онги билан ҳулқига таъсир этаётган воситалар манбаини кўра олишга боғлиқ.

Учинчи гуруҳ методларга тарбияда маъқуллаш ва жазолашни киритиш мумкин. Маъқуллаш болани яхши ишга, ижобий ҳатти — ҳаракатга ундовчи туртки бўлиб хизмат қилади. Жазолаш эса, номақбул ҳаракатлардан тийиб қолади ёки ҳулқдаги салбий томонларни йўқотишга ёрдам беради. Бу методларни бирортасини ҳам алоҳида қўлланиши самарали натижа бермайди. Жазолаш эса ҳулқдаги номақбул ҳаракатлардан тийиб қолади ёки ҳулқдаги салбий хусусиятларни йўқотади.

Тарбия бир методга берилиб кетиб, бошқаларини назардан қочириш, тарбия жараёнида бир — биридан ажралиб қолган восита ва методларни қўллаш назарий хато. Айни вақтда шахс фазилатларини якка — якка эмас, балки ҳолда тарбияланганина муваффақиятни таъминлаши мумкин.

Рағбатлантириш ва жазолаш аввало болаларнинг характери ва ҳулқида ижобий ҳислатларни ўстиришга, уларни ҳатти — ҳаракати ва ҳулқини тўғри йўлга солиб юборишга ҳамда пайдо бўлган ижобий фазилатларни такомиллантиришга ёрдам беради.

Рағбатлантириш ва жазолашга қўйидаги педагогик талаблар қўйилади.

1. Рағбатлантириш ва жазолашда боланинг шахсидаги яхшилик ва ёмонликни кўрсатувчи сифатлар назарда тутилади.
2. Бу методдан фойдаланилаётганда боланинг ёш ва алоҳида хусусиятлари ҳисобга олинади.
3. Рағбатлантириш ва жазолашни кучи уни қўллаётган тарбиячининг обрўсига (директорми, педагогми, педагогик кенгаши) жамоадаги жамоатчилик фикрига боғлиқ.
4. Рағбатлантириш ҳам, жазолаш ҳам болага нисбатан тез — тез қўлланилмаслиги керак. Акс ҳолда таъсир ўтиш камаяди.
5. Рағбатлантириш боланинг яхши ҳулқи учунгина эмас, яхшиликка ундаг учун ҳам қўлланади.
6. Жазолашни бир бутун синф учун қўллаб бўлмайди.
7. Рағбатлантиришда болаларни тиришқоқлиги, сабот ва матонатни, онглигини, жазолашда эса, салбий томонлари ҳисобга олинади. Рағбатлантиришни педагогик жараёни

бир бутун томони деб қараш ва уни қуйидаги турларидан фойдаланиши мумкин.

- А) маъқуллан
- Б) мақтан
- В) кўнгилни кўтариш ва далда бериш.
- Г) ишонч билдириш.
- Д) буйруқ билан қайд қилиш
- Е) оғзақи ва ёзма ташаккур билдириш
- Ж) мукофотлаш ва бошқалар.

Жазо болалардаги ёмон қилиқлар, салбий ҳаракатлар одобсизликларни йўқотишга ёрдам берадиган ёки улардан сақлайдиган методлардан биридир. Жазоланган бола ўз қилиқларининг пожўя экани устида жиддий ўйлайди ва буни иккинчи марта такрорламасликка интилади. Қаҳр – ғазаб билан жазолаш болани асабийлаштиради, қайсар қилиб қўяди. Жазоланиши қуйидаги турлари мавжуд:

1. Танбеҳ бериш, койиш.
2. Уялтириш ва қизартириш.
3. Жамоада муҳокама қилиш.

Жазолаш ўлик – заنجирдир.

#### **Мавзу бўйича таянч сўзлар:**

Тарбия методи, шахс онгини шакллантирувчи методлар, тушунча, мулоҳаза, эътиқод, баҳс, истак ва майл, машқлантириш, тошириқлар, мусобақа, рағбатлантириш, жазолаш, жазо, уят, тарбияланганлик.

#### **Билимларни мустақкамловчи саволлар:**

1. Тарбия методлари деб нимага айтилади?
2. Тарбиянинг моҳиятини шарҳланг?
3. Тарбиянинг умумий методларини санаг?
4. Шахс онгини шакллантирувчи методларни ажратинг?
5. Қандай талаблар педагогик талаб бўлади?
6. Узлуксиз тарбиявий таъсир қандай бўлади?
7. Қандай методлар фаолиятга боғлиқ?
8. Қанақа методлар ижтимоий ахлоқни шакллантиради?
9. Жазолашдан мақсад нима?
10. Рағбатлантиришдан – чи?

#### **Адабиётлар:**

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон» нашриёти 1998 й.
2. И.А.Каримов «Туркистон газетаси мухбирининг саволларига жавоблари». 1999 й. 3 феврал.
3. Абу Райҳон Беруний. Руҳият ва таълим – тарбия ҳақида. Т., «Ўзбекистон». 1999 й.
4. Педагогика (А.Мунавваров таҳрири остида). Т., 1996 й.

### ХIII БОБ

#### **МАВЗУ: ҲУҚУВЧИЛАР ЖАМОАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ҲУҚУВЧИЛАР ШАХСИГА ТАЪСИРИ.**

Режа.

1. Тарбия жараёнида ҳуқувчилар жамоасини тутган ўрни.
2. Жамоани ривожланиш босқичлари.
3. Жамоада асосий педагогик талаблар.
4. Ҳуқувчилар жамоасини тарбиялаш.

Синф раҳбарининг тарбиявий ишларида ҳуқувчилар жамоасини шакллантириш марказий вазифа ҳисобланади, чунки жамоада шахсни тарбиялаш — тарбия назариясининг етакчи ғоясидир.

Жамоа дейилганда умумий мақсад сари интилган ва биргаликда фаолият учун жипслашган ҳуқувчиларнинг гуруҳлари тушунилади. Унинг илмий асослари қуйидагилардан иборат: талаблар қўйиш, фаолларни тарбиялаш, ҳуқув. Меҳнат. Ижтимоий — сиёсий ва оммавий маданий фаолиятдаги истиқболларни ташкил этиш, соғлом жамоатчилик фикрини шакллантириш, ижобий анъаналарни яратишва кучайтириш.

Жамоада бир — бирига гамхўрлик қилиш, ўзаро ёрдам фақат ўзи ҳақида эмас, балки бошқалар ҳақида ҳам ўйлашга инталаш, жамоа манфаатини ўз қизиқишиндан устун қўйиш кўникмалари ҳосил бўлади. Жамоада ўртоқлик ва дўстлик ҳисси таркиб топади. Ҳуқувчилар жамоасини тузаётиб тарбиялаётиб мактаб ҳуқувчилари унинг ҳар бир аъзосини шахсини шакллантиради. Жамоадаги ҳуқувчиларнинг ўзаро муносабати ўзаро жавобгарликни ҳис этиш, топпириқларни бажаришда барча аъзоларнинг тенглиги билан ажралиб туради, чунки унда ҳуқувчилар ўзаро яқин муомалада бўладилар, ҳамма вақт биргаликда ҳаракат қиладилар, бутун жамоа қўйган мақсадни ҳал этишда қатнашадилар.

Ҳар бир синф кичик жамоа бўлиб, ўз фаолларига эга бўлса — да. Бу жамо мақсадларининг бирлиги ва умумий ишларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳар бир ҳуқувчи тарбиявий ишни синфдаги жамоа муносабатларининг ривожланишдаражаси (босқичи, даври)ни аниқ белгилашдан бошлайди. Синф раҳбари жамоасининг ўз иш

услуги билан ривожланишига тўсқинлик қилмаслиги учун вақти — вақти билан жамоанинг ривожланиш даражасини аниқлаб туради.

Тарбия назарияси жамоа ривожланишининг уч даража билан белгилайди. Дастлаб педагогнинг куч — ғайрати натижасида синфда ўрнатилган муайян талаблар; тартиб, интизом билан ўқувчиларнинг унча катта бўлмаган гуруҳи синф раҳбарининг ҳаракатларини қўллаб — қувватлаши билан аниқланади. Паст даражадан юқори даражагача борадиган йўл узоқ бўлиб, муайян қийинчиликларни бартараф этиш билан кечади. Айни пайтда жамоани шакллантириш юзасидан олиб бориладиган ишлар жуда қизиқарлидир.

Умуман ўқувчи тарбиясининг асосий натижалари бу иш қанчалик муваффақиятли ўтишига боғлиқ бўлади. Агар ўқувчилар жамоаси барпо этилмаган бўлса, ўқувчи мактабни ҳеч афсусланмай тарк этади. Ҳатто кейинчалик мактаб йилларини эсламайди ҳам. Ўқувчиларни иноқ жамоага бирлаштирган моҳир синф раҳбари қўлида тарбияланган одам бахтлидир. Тарбиялаётган киши, фуқоронинг ҳаётидаги мавқеини шакллантиришда, унинг ҳаёт йўлини белгилашда ўз вазифасини англаш синф раҳбарининг болалар жамоасини барпо этиш юзасидан олиб борадиган фаол ва қатий фаолиятининг зарур шарти ҳисобланади.

Биринчи босқич. Ўқувчилар жамоаси билан ишлашнинг дастлабки даври бўлиб, ҳали жамоа ташкил этилмаган, шахсга нисбатан жамоанинг педагогик талаби бўлмайди, ҳар бир ўқувчи ўзи учун ўзи жавоб беради. Бу босқичда болалар тарқоқ бўлиб, уларда яқдил фикр ва синф раҳбарига таяниш мумкин бўлган таъсирчан фаоллар бўлмайди. Шунинг учун бу босқичда салбий ҳодисалар очиқ муҳокама этилмайди. Ривожланишнинг бу даврида ўқитувчининг талаби қатъий, жиддий, изчил бўлиши керак. Бу педагогик талаблар ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсаднинг, педагоглар билан ўқувчиларнинг биргаликдаги ҳар томонлама собитқадам фаолиятининг, ўзаро масъулиятли муносабатларнинг мавжудлиги билан муҳимдир.

Ўқитувчининг ўқувчилар олдига қўйган педагогик талаблари уларнинг ёши ва имкониятига мос, старлича жиддий бўлиши керак. У хушмуомала меҳрибон бўлиши билан бирга, ўқувчиларнинг ҳулқ — аъвоқ меъёрларига қатъий риоя этишларини жамоанинг муваффақияти сифатида туширишларига ғамхурлик қилиши зарур. Ўқитувчи педагогик талабларни қўйиш асосида ўз атрофига фаолларни — жамоанинг энг яхши аъзоларини тўплаб боради.

Фаол ўқувчи билим олишга қизиқувчи, синф мактаб оғурисини ҳар доим сақлаб қолишга ҳаракат қилувчи,

ўқитувчининг талабларини қўллаб қувватловчи жамоа аъзоларидир.

Шундай қилиб, биринчи босқичда педагогнинг энг муҳим вазифаси синф жамоасининг ядроси бўлган фаолларни шакллантириш ва тарбиялаб улуғвор вазифаларга иштилошдан иборат.

~~Иккинчи босқич.~~ Фаоллар билан тарбиявий ишларини ташкил этиш учун астойдил ишлаш, уларни жишлантириш ва ўзаро алоқада ишдашга ўргатиш билан тавсифланади. Жамоани бошқа аъзоларига кўра фаоллардан интизомга қатъий амал қилишни кўпроқ талаб этиш, уларни ўқишда ва интизомда, жамоатчилик ишида ҳам бошқа ўқувчиларга намуна кўрсатишга ўргатиш зарур. Бунинг учун фаолларни тез-тез йиғиш, муҳим масалалар бўйича маслаҳат йиғилишларини ўтказиш ўз мактабининг ишлари ҳамда истиқболлари ҳақида суҳбатлашни, улар билан биргаликда кундалик масалаларни ҳал этиш, фаоллар ичида раҳбарлик ишига лаёқатли болаларни танлаш вазифалари бажарилади. Фаолларга бериладиган имтиёзлар адолатли бўлиши ва у ўқувчилар томонидан қўллаб – қувватланиши, бунинг учун жамоа олдига хизматлари натижаси эканлигини ўқувчилар ҳис этишлари кўзда тутилади. Фаолларга қўйиладиган талабларнинг сусайиши, ўринсиз мақтовлар синфда ёмон вазиятни келтириб чиқаради.

Педагоглар фаоллар эътиборини жамоа тизимлари билан ишлашга қаратадилар. Фаол бошланғич жамоага таянган ҳолда мактаб ҳаётига кўлаб ўқувчиларни жалб этади. Фаоллар ривожланишнинг бу босқичида ҳали бўш беқарор бўлади, бироқ шундай бўлишига қарамай педагог тарбиявий вазифаларни ҳал қилишда уларга таянади.

Бу босқичда синф раҳбарининг муҳим вазифаси фаолни жамоа тизимлари билан ишлашга ўргатиш жамоани янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

Иккинчи босқичда педагогнинг талаблари фаолларнинг жамоага билдирадиган талабларига қўшилади. Педагог фаоллардан барча ўқувчиларни ижтимоий – фойдали фаолиятга жалб этиш воситаси сифатида фойдаланилади, жамоанинг бирлигини ривожлантиришга кўмаклашади; фаоллар ўқувчиларга топириқлар беради, уларнинг ўзи назоратида амалга оширади ва топириқларни бажаришни талаб этади.

Учинчи босқич. Жамоа ҳаётининг барқ уриши. Жамоада ўзаро муносабатлар шаклланиши, жамоанинг шахса таъсир доирасини кучайиши билан тавсифланади.

Фаоллар ҳамда ўз – ўзини бошқарини тизимлари томонидан таъсир этилган ижтимоий фаолиятнинг натижасида жамоа



ривожланиди. У ёки бу педагогик талабни бажариш жараёнида ўқувчилар жамоа бўлиб ишлаш тажрибасини орттирадилар.

Бу босқичда ўқувчилар қўллаб-қувватлайдилар. Педагогнинг фикри яширин шаклга кириб боради. Ўқитувчи шахсига синф жамоаси орқали таъсир этади. Бундай педагогик таъсирлар натижасида ўқувчи шахси ҳам, жамоа ҳам тарбияланиб боради.

Педагогнинг ҳар бир шахсга қўядиган педагогик талаби жамоага қўядиган вазифаларга қараганда таъсирлироқ, сезиларлироқ бўлади.

Учинчи босқичда ўзаро бир-бирига боғлиқ икки масала: жамоатчилик фикри ва анъаналарини юзага чиқариш ҳал этилади. Бу босқичда ўқувчилар ўртасида ўзаро дўстликни шакллантириш катта аҳамиятга эга. Педагогнинг ўқувчиларга муносабати ҳам ниҳоятда дўстона, самимий бўлиши керак. Бу даврга келиб синф раҳбари тарбияланувчиларнинг характери, қизиқиши, талаби билан таниш, руҳий ҳолатини яхшироқ биладиган бўлади.

Жамоани ривожланиши чинкамак ўз-ўзини бошқариш, кўп қиррали жамоа фаолияти ва ахлоқий қимматга эга бўлган жамоа муносабатлари билан изоҳланади. Бундай жамоада шахсни тарбиялаш жараёни ирода, ўз-ўзини англаш, бурч ҳисси, шахснинг шунга ўхшаш ахлоқий фазилатларини такомиллаштириш, камчиликларни ўз-ўзини танқид руҳида баҳолаш ва уларни тузатишни, ўз қадр-қимматини англаб етиш (ўз-ўзини тарбиялаш режасини ишлаб чиқиш, ўз-ўзини тарбиялаш воситаларини эгаллаш, ўз-ўзига мажбурият қабул қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш), ижтимоий-фойдали фаолиятда ўз-ўзини тарбиялаш ишини амалга оширишга интилишни уйғотади. Бундай жамоада шахснинг ижобий фазилатлари тўла равишда рўёбга чиқади. Жамоанинг шахсга нисбатан юксак талабчанлиги кузатилади.

Ўқувчилар жамоасини тарбиялашнинг энг самарали йўли, уларнинг умумий қизиқишлари асосида талаблар қўйиш ва истиқболни белгилашдир. Талаблар педагогик жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган тақдирдагина ижобий натижа беради:

1) Ўқувчи шахсига қўйиладиган педагогик талаблар ҳар бир жамоа аъзосини ҳурмат қилиш қўшилиши керак. Бу педагогик одобни муҳим қисми бўлиб, ҳар бир синф раҳбари ёддан чиқармаслиги шарт. Синфнинг, яъни жамоанинг энг яхши ўқувчиларига кунроқ талаблар қўйилади, бу билан уларга алоҳида ишонч ва ҳурмат билдирилади.

2) Педагоглар жамоаси талабларни муайян синфнинг аниқ шароитини ҳисобга олган ҳолда қўяди. Ҳар йили ўқувчиларга маълум бир чорақда, ярим йилликда ёки ўқув йили давомида

қандай талаблар қўйиш мақсадга мувофиқлиги белгилаб олинади. Ўқувчилардан эришилган нарсани эмас, балки вазифа қилиб қўйилган нарсани талаб қилиш керак.

3) Талаблар аниқ бўлиб, бажариш имкониятлари ҳисобга олинади. Ўқувчилар ўзларидан нима талаб қилинаётганлигини аниқ тушунишлари лозим.

Ўқувчиларни талаблар мазмуни билан таништириб, уларнинг аҳамиятини мунтазам суратда назорат қилиб боришдан иборат. Ўқувчилар жамоасини тарбиялашда истиқболлар қўйишнинг аҳамияти жуда катта. Агар жамоа олдида қизиқарли, аниқ мақсад бўлмаса, уни ташкил этиш ва жипслаштириш усулини топиб бўлмайди. Истиқболларни белгилашнинг икки асосий усули бор:

1. Асосий педагогик талабни ўқитувчининг ўзи ўқувчилар олдига қўяди. Бунда у ана шу вазифаларни ҳал этиш йўлларини кўрсатади ва жамоа аъзоларини қизиқтиришга интилади;

2. Жамоа аъзолари қизиқарли тадбирларни илгари сурадилар, синф раҳбари бу ташаббусни қўллаб – қувватлайди ҳамда амалга ошириш усулларини топишга ёрдам беради.

Биринчи усул ўқувчилар жамоасини таркиб топтиришнинг дастлабки боскичида қўйилиб – яқин кунларга мўлжалланган истиқбол дейилади. Иккинчиси юқорироқ боскичда синф фаоллари томонидан қўйилиб – ўрта кунларга мўлжалланган истиқболлар дейилади. Агар белгиланган истиқболларни жамоани барча аъзолари қўйса – бу узоқ муддатли истиқболлар дейилиб, жамоани шакллантириш билдиради.

Ўқувчилар жамоаси ўсиб ва мустақкамланиб бориши билан жамоа олдига ўртача ва узоқ истиқболлар қўйилади. Масалан: Оталикқа олинган боғча учун ўйинчоқлар ясаш, ҳосил байрами ўтказиш. Жонажон ўлка бўйлаб ёзги саёҳати уюштириш ва бошқалар.

Жамоа доим фаолиятда олға интилишда бўлиши учун унинг олдига янги, қизиқарли истиқболлар қўйиш талаб этилади. Жамоа ҳаёти жўш уриб турмаса, кейин бу алоқаларни қайтадан тиклаш жуда қийин бўлади.

Ўқувчилар жамоасини шакллантиришда анъаналар муҳим ўрин тутади. Жамоани ҳеч бир нарса анъаначалик мустақкамлай олмайди. Анъаналарни таркиб топтириш, уларни сақлаб қолиш – тарбия ишининг муҳим вазифасидир. Анъаналари бўлмаган мактаб... яхши мактаб бўлиши мумкин эмас. Мавжуд анъаналарни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

А) кундалик турмуш анъаналари,

Б) байрам анъаналари

Кундалик турмуш анъаналари ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини — бир—бирига ўзаро ёрдамнинг ҳар хил турлари, меҳнат фаолиятини — ёш мева кўчатларини парвариш қилиш, ҳайвонларни боқиш, ёлғиз яшовчи кексаларга ёрдамлашишни ва бошқа юмушларни ўз ичига олади.

Байрам анъаналарига Наврўз, Мустақиллик байрамлари, битирувчилар кечаси, «Саводхонлик байрам»лари киради.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам байрамлар ёрқин, қизиқарли, қувноқ, тагтанавор ўтиши керак. Асосий мақсад ўқувчилар ўтказилаётган тадбирнинг ахлоқий мазмунини тушунсагина, уларга онгли муносабатда бўлсагина, унинг таъсири кучли бўлади.

Жамоани ривожланиш босқичларида, жамоа аъзоларини хилма—хил фаолияти жараёнида ҳар бир мактабда ўзига хос анъаналар юзага келади. Бу янги анъаналар шу мактабда олиб бориладиган ўқув—тарбиявий ишлар билан боғлиқ бўлади, унинг ҳаётини жоплантиради ва безайди. Шунинг учун янги анъананинг келиб чиқишида болаларнинг фаол иштирок этишига катта имкониятлар берилади.

Мактаб раҳбарлари ва ўқитувчилар ўқувчилар жамоасига у ёки бу ортиқча анъанани юкламасликлари, мажбуран сингдирмасликлари керак. Уларнинг вазифаси жамоа аъзоларига сездирмай ва уларни ташаббусини бузмай, анъаналарни яратиш зарурлигини тушунтириш, анъаналарни тайёрлаш ҳамда ўтказишда биргаликда иш олиб бориш, ўқувчиларни ана шу анъаналарни давом эттиришга ўргатишдан иборат. Анъанага ҳар доим янги педагогик талабларни акс эттирувчи, унинг тарбиявий аҳамиятини оширувчи янгиликлар киритиб борилишини талаб этилади.

Анъаналар йилдан—йилга кўпайиб бориб, аста—секин мактабнинг ўзига хослигини таъминлайди. Шундай қилиб, ўқув—билиш фаолияти билан боғлиқ истиқбол ва анъаналар жамоа ривожланишининг барча даражаларида муҳимдир. Ривожланишнинг юқори даражасида синфда обрўли фаоллар, соғлом ижтимоий фикр мавжуд бўлганда, бундай истиқбол ва анъаналар ўқувчиларнинг дарсдаги ва дарсдан ташқари фаолиятини қамраб олиши, хилма—хил, баъзан мураккаб шаклларга эга бўлиши мумкин. Бу истиқбол ва анъаналарни амалга ошириш ўқувчилар кўз ўнгиде ҳам, бошқа синф ўқувчилари, ўқитувчилар, ота—оналар кўз ўнгиде ҳам жамоа обрўсини оширади. Кунгина мактабларда синф жамоалари ҳар йили билиш ва кўнгиш очар дастурлари бўлган мавзули мактаб кечалари, фаол ҳафталиклари тайёрлайдилар. Бу фақат бақувват жамоанигина қўлидан келади. Бу тадбирларни тайёрлашда одатда жамоанинг ҳар бир аъзоси банд бўлади. Бундай истиқбол

ва анъаналарнинг алоҳида тарбияловчи таъсири шундан иборатки, синф жамоаси уни ёрдамида умуммактаб жамоалари билан боғланади.

### **Мавзу бўйича таянч сўзлар:**

Жамоа, анъана, ривожланиш босқичи, шахс, жамоа аломатлари, жамоа ва шахс, жамоа фаоллари, жамоа босқичлари, педагогик талаб, педагогик раҳбарлик.

### **Билимларни мустаҳкамловчи саволлар:**

1. Жамоа деб нимага айтилади?
2. Жамоа қандай шаклланади?
3. Шахс ва жамоа ўртасида қандай алоқа бор?
4. Жамоани босқичлари нимани билдиради?
5. Жамоа аломатлари қандай аниқланади?
6. Жамоа фаоллари қанақа ўқувчилар бўлади?
7. Истиқбол нима?
8. Педагогик талаб нима?
9. Синф жамоаси кимни раҳбарлигида бўлади?
10. Жамоани вазифаларини айтинг?

### **Адабиётлар:**

1. И.А.Каримов. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиёти пойдевори. Т., 1997 й.
2. И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. Т., «Шарк». 1999 й.
3. И.А.Каримов. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. Т., 2000 й.
4. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» ги Қонуни. Т., 1997 й.
5. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Т., 1997 й.

## **XIV БОБ**

### ***МАВЗУ: АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ.***

Режа:

1. Ахлокий тарбия ҳақида тушунча.
2. Ўзбек педагоглари ахлокий тарбиянинг шахс камолотига таъсири ҳақида.
3. А. Авлонийнинг «Турки гулистон ёхуд ахлоқ» рисоласи миллий ахлоқнинг пойдевори.
4. Мактабда ахлоқий тарбиянинг амалга ошириш йуллари.

## АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ.

Мақтаб таълими ва тарбияси ёш авлодни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва шу билан бирга укувчиларда мавжуд бўлган яхши хислатларни такомиллаштиради.

Ахлоқий тарбия ҳозирги ҳозирги ҳаётимизнигина эмас, балки келгуси ҳаётимизнинг ҳам ўзида шакллантирган кишиларни тарбиялаш талабини қўяди. Шунинг учун ҳам ҳар бир дарс ўқувчиларнинг билимига бўлган қизиқишини кучайтириш билан бирга, уларни ахлоқий руҳда тарбиялашга ҳам хизмат қилмоғи лозим.

Ахлоқ, ҳулқ ва атвор сўзлари арабча бўлиб, улар ўзбек тилида ҳам ўз маъносида ишлатилади. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «ахлоқ» сўзига шундай таъриф берилган: «Ахлоқ термини кишиларнинг ҳар бир жамиятга хос ҳулқ нормалари мажмуи, адаб, этика, ҳулқ — атвор, юриш — туриш, тарбия, адабни англатади».

Фалсафий нуқтаи назардан эса ахлоқ сўзи қуйидагича таърифланади: Ахлоқ — ижтимоий онг нормаларидан бири, ижтимоий тартиб — қоида булиб, бу тартиб — қоида ижтимоий ҳаётнинг истисносиз ҳамма соҳаларида кишиларнинг хатти — ҳаракатини тартибга солиш вазифасини бажаради.

Шунингдек, рус тилида ишлатиладиган «мораль» сўзи логича «мочёя» сўзидан олинган бўлиб, у ҳам ахлоқ, маъносини билдиради. «Мораль» сўзининг рус тилида «правственность» деган синоними ҳам бор.

Ахлоқ, бизнинг ҳаётимизга ва онгимизга фаол таъсир этади, кишилик жамияти помидан яхшилик билан ёмонлик, адолат билан адолатсизлик, меҳр билан зулм ўртасидаги ва инсоний муносабатлардаги мақбул ва номақбул, ман этилмайдиган ишларни хатти ҳаракатларни белгилаб беради.

Ахлоқ ижтимоий фикр булиб, жамиятдаги ташкилотлар ва одамлар ўртасидаги муносабатларнинг, мажбуриятларнинг туғри этилишини таъминлайди. У кишиларнинг жамиятдаги ахлоқий — этик ҳулқ атворини ташкил қилади.

Одам меърига шид хатти ҳарракт ахлоқсиз хатти — ҳаракат деб қаралади. Шунини ҳам борки, ҳуқуқ мажбурий бўлса, ахлоқ ихтиёрдир. Ахлоқий тарбия одамларни номусли, виждонли, адолатли, ағтанарвар, меҳнатсевар бўлишга ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ўзбек фани ва маданияти қадимийдир. Ўзбек халқи ҳам, бошқа халқлар сингари, ўзининг бой педагогик меросига эга. Ўтмишда яшаб ижод этган мутафаккирларими, шоир ва ёзувчиларимиз, педагогларимиз ўзларининг тарбия соҳасидаги

дурдона фикрлари билан ўзбек педагогикаси назариясига салмоқли хисса қўшдилар.

Айниқса, Алишер Навоий, Абу Али Ибн Сино, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний ва бошқа йирик мутафаккирлар ўзларининг ҳамбадий ҳам илмий ва педагогик асрларида яратган дарсликларида, ёш авлод табиясига доир қимматли фикрларни мерос қилиб қолдирдилар.

Ўзбек халқининг буюк шоири ва забардаст олими Алишер Навоий ўзининг йирик шеърӣй ва касрий, шунингдек купгина илмий асарларида таълим — тарбияга доир, ўз даври учун муҳим, илгор ғояларни олға сурди ва бу ғояларни амалга ошириш учун тиришди. А.Навоий етук инсонни етиштиришда уни насл — насибаси эмас, балки тарбия асосий роль ўйнашини ҳар доим таъкидлаб келди.

А. Навоий ёки авлодга бериладиган билим ва ахлоқий тарбияни бир — бирига боғлаб олиб бориш, уларга илм — маърифатбериш билан бирга, одобга ўргатиш зарурлигини бир неча бор уқтирди.

Навоий ақл, илм ахлоқий тарбия инсоннинг энг зарурий фазилатларидан биридир, шунинг учун ҳар бир инсоннинг энг миҳим бурчи илм тарбия олишдир, деб ҳисоблайди, шу билан бирга илмсизлик нодонлик, жоҳилликка олиб боради деб, саводсизликни қаттиқ қоралайди.

А.Навоий фикрича илм тарбия олишдан мақсад, халқ ва мамлакатнинг бахт — саодати фаровонлиги учун хизмат этишдир, бундай олижаноб кишилар халқ хурматига сазовор бўладилар, номлари халқ хотирасида абадий сақланади.

А.Навоий ёшларни илм тарбия олишга даъват этиш билан бирга, илм тарбия олишдан мақсад нима эканлигини тушунтиради, яъни илмни ҳаётда ишлата билмоқ керак, дейди, шу билан бирга, илм ўрганишдан мақсад — олган билимларни халқ учун халқ манфаати учун сарифлаш лозим эканлигини таъкидлайди.

Алишер Навоий ўқитувчини фақат дарс берувчи, билим берувчи кишигига деб билмай, балки уста тарбиячи ҳам бўлиш керак деб ҳисоблар эди. У илм билан одобни бирга олиб борилишини яъни ўқитув жараёнида одоб берилишини таъкидлаб ўтади. Алишер Навоий фикрича ўқитувчи халқ олдида хурмат ва иззатга сазовор бўлмоқи лозим.

Навоий кишиларнинг, айниқса ёш авлоднинг ахлоқ тарбиясига катта эътибор билан қарайди.

Навоий фикрича жамиятнинг ҳар азоси, ўз халқига хизмат қилиши, ёрдам бериши, фойда келтириши, халқ манфаатини уз манфаати, ўз иши деб билмоғи керак.

«Наф откурмакка шоир айладинг,

Ўзинга ул нафни ёр айладиңг,  
Нафнинг агар халққа бешак дурур,  
Балки бу наф ўзинга кўнроқ дурур».

Навоий ахлоқий тарбияни ажралмас қисми бўлган Ватанга муҳаббатни чин инсонийликнинг энг яхши фазилатларидан бири деб ҳисоблайди, бундай фазилатлар у яратган асарлардаги ижобий қахрамонлар образида мужассамлашган

Алишер Навоий ахлоқ тарбияси ҳақида фикр юритар экан, унинг метод ва воситаларига ҳам тўхтайди.

Навоий ахлоқ тарбиясининг муҳим воситаларидан бири деб ўқув машғулоти тушинади.

Ўқитувчи ҳам, ота — оналар ҳам бола тарбиясини илм, ўқитиш билан қушиб олиб бориши зарур. Таълим ва ахлоқий тарбия олган ҳар бир киши ўзининг хатти ҳаракати ақлга бўйсиндиради ва ўзида ҳақийқий инсоний хислатларни акс эттиради.

Навоийнинг асл мақсади етук инсонни етиштириш эди. Бунинг учун илм — хунар ўрганиш керак, чунки Навоий фикрича «Эр кишига зеб — зийнат хикмат ва донишдир».

Янги инсон тарбиси ҳақида, ўзбек адабиётининг асосчиси, етук композитор ва педагог, жамоат арбоби Хамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳам қимматли фикр ва мулоҳазалари мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда бу педагогик меросдан ижодий фойдаланмоқда.

Ҳамза ўзининг кўп йиллик педагогик фаолияти давомида бола тарбиясига доир амлий ва назарий фикрларни илгари суради, ҳамда тарбияни турли масалалари бўйича подир фикрлар ёзиб қолдиради.

Ҳамза ўз мактабида ёшларга дунёвий фанлар ўқитиш, ақлий, ахлоқий тарбия бериш, хунар ўргатиш каби бир бутун тарбия жараёнини амалга оширади.

Ҳамзанинг педагогик ғоялари, у яратган бадиий, педагогик асарларда ва дарсликларда ўз ифодасини топади.

Ҳамзанинг болалар учун яратган «Ёнғил адабиёт», «Ахлоқий хикоялар», иккинчи синф учун «Қироат китоби» каби асарлари болалар адабиётининг дурдонаис ҳисобланади. Ҳамзанинг таълим — тарбия соҳасидаги фикрларини, инсонни камолатга етказишда мактабнинг аҳамиятига берган баҳосини профессор З. Мирмуҳаммадов ушбу ишларида қуйидагича баён этади.

«Х.Х. Ниёзий мактаб ва мактаб тарбиясини жуда юксак даражада баҳолайди. Унинг фикрича, «Инсонни инсон каторила қушиш» инсонни камолатга етказиш, инсонни кишиликнинг олийжаоб фазилатларига эга қилиб етиштириш тарбияга боғлиқдир.

Юксак кучга эга бўлган тарбияни эса Хамза, албатта илм, одоб, хунар тарбиясини ўз ичига олган бир бугун тарбия усулидан иборат бўлиши керак деб белгилайди».

Хамза ўзининг педагогик қаранларини ифода этар экан, у ёшларга биринчи навбатда ахлоқий, тарбия бериш зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Шу билан бирга, у ақлий, ахлоқий тарбияни вазифаларини кенг тушунади.

Хамза ўзининг ахлоқий қаранлари баён этар экан, у ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялашга катта эътибор беради. Хамза фикрича инсонпарварлик тарбияси дастлаб, болаларнинг ўзига яқин кишиларга бўлган муҳаббат туйғуларини ривожлантиришдан бошлайди. Шу сабабли дарсликка киритилган қатор шеър ва ҳикояларда ота – онани севиш, қадрлаш, ҳурмат қилишга чақиради.

Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг «Енгил адабиёти», «Ахлоқий ҳикоялар», иккинчи синф учун «Қироат китоби» каби дарсликларида ёш авлод ахлоқий тарбиясининг турли томонлари ўз ифодасини топган.

«Енгил адабиёт» дарслиги биринчи синф ўқувчилари учун, уларнинг ёши, билимини кўзда тутган ҳолда, содда равию тилда ёзилгандир.

Дарсликнинг дастлабки қисмларида Хамзанинг маърифатпарварлик ғоялари талқин қилинган. Аммо ҳикоялар деб сарлавҳа қўйилган, кейинги қисмларида ахлоқ – одобнинг чуқур мазмуни ифодаланган.

Дарсликка киритилган «Қалам», «Тўғри сўзбола», «Ота насихатининг натижаси», «Қиморнинг боши» каби ахлоқий мисралар фикримизнинг далилидир.

Х.Х.Ниёзий томонидан яратилган дарсликлар ичида 1924 йилда ёзилган «Ахлоқий ҳикоялар» китоби алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу китобга киритилган ҳар бир моти бирор ахлоқий масалага бағишланган ҳамда китобнинг дастлабки қисмларида ўқувчини яхши ўқишга чақиради ва ўқитишда муаллимнинг бебаҳо ролига юқори баҳо беради.

Хамза яратган дарсликдаги бир қанча шеърлар ўқув, илм, мактаб, ахлоқий тарбиянинг таърифига бағишланган бўлиб, фалсафий ва ахлоқий лириканин ижобий намуналари ҳисобланади. Бундан ташқари Хамза китобида болалар тарбиясида ота – оналарнинг ҳам жавобгарлик туйғуларини олга суради. Хамзанинг бу фиклари дарсликдаги «Боланин ёмон бўлмоғига сабаб булган онанин жазоси» номли мавзуда баён этилган.

Китобнинг биринчи мавзусига «Илм» деб сарлавҳа қўйилиб, бунда болаларни илм олишга чақиради. Хамза ахлоқни икки қисмга бўлган, бири ахлоқи ҳасана (Яхши хулқлар) бўлиб,



уни шоир инсоният оламининг гулшанига ўхшатади, иккинчиси ахлоқи замима (ёмон ҳулқлар) бўлиб, уни Ҳамза шуравор деб атайти. Шу билан бирга яхши ва ёмон ҳулқларини санаб кўрсатади.

Ҳамзанинг бу китобидан ўша замоннинг умумий картинасини кўрамиз, шу билан бирга Ҳамзанинг ажойиб идеаллари, инсон ҳақида орзулари ҳам аниқ баён қилинган.

Ҳамза ўзининг педагогик фикрлари орасида ўқитувчининг шахси, обрўси ва ёш авлоднинг ахлоқий тарбиясидаги ўрнига тўхтаб ўтади. Ҳамза фикрича, ўқитувчи, чуқур маълумотли болаларни ҳар томонлама ўсишини таъминлай оладиган, энг яхши ахлоқий фазилатларга эга ва болаларга ғамхўр бўлиши лозим.

Ҳамзанинг бой педагогик мероси ўзбек педагогикаси назариясида муҳим ўринни эгаллайди. Ёш авлодга таълим – тарбия беришда етук ўзбек педагогларидан А.Авлоний ҳам қимматли фикрларни мерос қилиб қолдирди.

У ўзининг педагогик фаолияти даврида мактаблар учун дарсликлар ва таълим – тарбияга доир асарлар ёзди. Унинг 1909 йилдаги «Адабиёт ёҳуд миллий шеърлардан 1 – жуз», 1912 йилдаги «Биринчи муаллим», 1913 йилдаги «Турки гулистон ёҳуд ахлоқ», 1914 йилдаги «Адиби аввал», 1915 йилдаги «Иккинчи муаллим» каби асарлари босилиб чиқди.

А.Авлонийнинг «Биринчи муаллим» китобида турли мавзудаги адабий асарлар ўқитилар эди, аммо бу китобга киритилган шеър ва ҳикоялар ўзининг ғовий мазмуни жиҳатидан етук бўлиб, ёш авлодни билим олишга чақирар ва бошқа ахлоқий сифатларга эга бўлишни таъкидлар эди.

А.Авлоний ўз китобига классик адабиёт намуналаридан ҳикояларни танлаб олди, уни болаларни ёш хусусиятларини ҳисобга олгани ҳолда мослаштирди. Авлонийнинг таълим – тарбияга оид асарлари ичида «Турки гулистон ёҳуд ахлоқ» номли асари катта аҳамиятга эгадир. Бу асарнинг ҳар бир бўлими таълим – тарбия масалаларига бағишлангандир. Бу асарда Авлоний таълим билан тарбиянинг узвий бирлиги тўғрисида фикр юритар экан шундай дейди: «Дарс билан тарбия орасида бир оз фарқ бўлса ҳам иккиси бир – биридан айрилмайдиган, бирининг вужуди бирига боғланган жон ила тан кабидир».<sup>1</sup>

Китобда бола тарбияси, болаларга илм бериш, ҳунар ўргатиш каби олийжаноб ҳислатлар ва маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилади. Авлоний ўз китобида илмнинг инсон ҳаётидаги ўрнига катта баҳо беради: «Илм дунё иззатидир. Илм

<sup>1</sup> А.Авлоний «Турки гулистон ёҳуд ахлоқ». «Ўқитувчи». 1996 йил 15 – бет.

инсон учун ғоят олий муқаддас бир фазилатдир. Зероки, зеҳнимизни, фикримизни қилич қилиб ўтқур қилур. Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидир».<sup>1</sup>

Авлоний илмнинг фойдаси тўғрисидаги фикрни давом эттиради. Илм дейди Авлоний — бизларни жаҳолат, қоронғуликдан қутқарур: маданият, инсоният маърифат дунёсига чақирур. Ёмон феъллардан, бузуқ ишлардан қайтарур. Яхши ҳулқ ва одоб соҳиби қилур.

«Турки гулистон ёхуд ахлоқ»да Авлоний, Ватан ҳақида тўхтар экан, Ватан ҳаёт демақдир, дейди шу билан бирга киши уз ватанини севиши ва унга садоқат билан хизмат қилмоғи керак. У Ватан ва оилани бир—бири билан узвий боғлайди. «Кишини кеча ва кундуз тиндирмасдан, меҳнат ва машаққатларга кўкрак бериб ишлатадурган нарса Ватан ва бола—чақаларнинг меҳр муҳаббати эмасму?»<sup>2</sup> маълумки, Ватансиз оила, оиласиз Ватан бўлмайди, жамиятдаги бу икки нарса бир—бири билан узвий боғланади ва бири иккинчисини тўлдиради.

Ахлоқ тарбиясида инсонни камолотга етказувчи омилардан бири виқордир (виқор—оғирлик, чидам, улуғворлик). Авлоний қайд қилишича, кишилардан ўзини юқори тутишга уринган шахс элнинг назаридан тушиб, яккаланади ва унитилади. Кишини камтар бўлини зарурлиги таъкидланади: «Виқор деб кибр ва гурурдан, манманликдан ўз нафсини сақламакни айтилур»<sup>3</sup> —деб ёзади А.Авлоний. У инсонни икки хил хусусиятини очишга интилади. Бири кишидаги виқорнинг инсоний фазилати. Бу фазилатни у бундай ифода этади: «Виқолик киши ёмон ҳулқлардан пок, адолатли ишда, сўзда тўғри, шафқат ва марҳаматнинг, арслон юракли бўлур»<sup>4</sup>. У такаббурликни қаттиқ қоралайди ва манманлик энг ёмон хусусият эканлигини фош қилади: «Гурур, манманлик, такаббурлик кишини хор, халқ орасида безътибор қилур. Хар қанча илм ва давлат соҳиби булса ҳам бир пулга қимматли бўлмас.»<sup>5</sup>

«Турки гулистон ёхуд ахлоқнинг биринчи саҳифасидан то сунгги саҳифасигача Авлонийнинг инсонпарварлик ғоялари ифодаланган. У ҳамма нарсдан аввал халқ манфаатини кўзлашни, халққа хизмат қилишни юқори қўяди. Унинг назарида кишиги ғамхўрлик қилмаган, халқдан узоқ турган одам

<sup>1</sup> А.Авлоний «Турки гулистон ёхуд ахлоқ». «Ўқитувчи», 1996 йил 22—бет.

<sup>2</sup> А.Авлоний «Турки гулистон ёхуд ахлоқ». «Ўқитувчи», 1996 йил 39—бет.

<sup>3</sup> А.Авлоний «Турки гулистон ёхуд ахлоқ». «Ўқитувчи», 1996 йил 34—бет.

<sup>4</sup> А.Авлоний «Турки гулистон ёхуд ахлоқ». «Ўқитувчи», 1996 йил 34—бет.

<sup>5</sup> А.Авлоний. «Турки гулистон ёхуд ахлоқ» Ўқитувчи Тошкент 1996 йил 34—бет.

инсон эмас. Унинг бундай инсоншаварлик фикрлари «Итоат», «Хақшунослик», «Хайрихохлик», «Мунислик», «Садоқат», «Адолат», «Мухаббат», «Олийхиммат», «Авф», бобларида баён қилинган. А. Авлоний одамларни ҳулқ хатги ҳаракат нуқтаи назаридан икки гуруҳга бўлади: бири яхши ҳулқли кишилар, иккинчиси ёмон ҳулқли кишилар. Убола тарбиясига алоҳида эътибар беради. Шунинг учун ҳам ғазаб, шафқат, жаҳолат, разолат, ҳамокат, ҳасосат, рафоват, амоният, адоват, намимат, ғийбат, ҳақорат, ҳасад, кизб, нифоқ, тама, зулм — буларнинг ҳаммасини муаллиф «Ёмон ҳулқлилар» ғазабнинг сарлавҳаси остида беради. Авлоний ғазабнинг икки хил хусусиятини баён қилади. Бири душмандан ўзини мудофиа қилишда инсоннинг ғазоби муҳим аҳамиятга эга бўлса, иккинчиси бировга ўзининг совуқ муомаласи билан даҳшат солиш, жабр — зулм қилишдир. Жаҳолат билимсизлик ва нодонлик демакдир. Авлоний маърифатни жаҳолатга қарши қўяди: «Илм ва маърифат соҳиблари фазлу камоллари соясида ҳар бир ишни тадқиқ ва мушоҳада ила қилурлар. Аммо жоҳиллар эса бир нарсанинг моҳиятини мушоҳада қилурга ақл ва фаросатлари етмас».<sup>1</sup> Абдулла Авлоний жаҳолатни инсоният номига яранмаган бир сифат деб талқин қилади. У дангасалик ва ялқовликни қаттиқ қоралайди. Инсон бахтга, бирор муваффақиятга фақат саъй ҳаракат ва меҳнат билангина эришиш мумкинлигини таъкидлайди.

Абдулла Авлоний инсоннинг энг ёмон ҳулқларидан ғийбат ва адоватнинг бир — бирига яқинлигини ва ғийбатнинг оқибети адоват билан туганини кўрсатиб ўтади. У дейди: «Ғийбат соҳиби лаззат ўрнига ўз бошига ёки бирор кишининг бошига бир бало ҳозирлайдур. Чунки сўз боруб ғийбат қилинмиш кишининг қулоғига етар, ғазаб қони ҳаракатга кирар, ғийбатидан ўч олмак фурсатини пойлар. Шул тариқа ғийбатдан туғилган адоват чўзилмакка оид бўлиб, душманлик зўрайиб, ўз ораларида хусусий жанжаллар ила азиз умрларини уздируб, умумий халқ фойдаси учун ишланадурган миллий ишлардан маҳрум бўлмаклари ила баробар аҳолининг орасидан иттифоқнинг йўқолувиغا сабаб бўлурлар».<sup>2</sup>

Демак ҳар бир бўлажак педагог шуни унутмаслиги керакки, ахлоқ масаласи, шахснинг қайси оилага мансублигига эмас, балки тарбиячига боғлиқдир. Болаларга ахлоқий тарбия бериш ва таъсир қилишда таълим ва тарбияжараёнидан мукамал фойдаланиш лозим. Шундагина ҳар бир тарбияланган

<sup>1</sup> А. Авлоний «Турки гулистон ёхуд ахлоқ» Ўқитувчи Тошкент 1992 йил. 43 — бет.

<sup>2</sup> А. Авлоний, «Турки гулистон ёхуд ахлоқ», Ўқитувчи. Тошкент. 1992 йил. 50 бет.

бола шахсида ахлоқий тарбиянинг асосий негизи бўлиши ростгўйлик, халоллик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, камтарлик, ватанпарвалик, садоқат, меҳр — шафқат, олийжаноблик каби инсоний фазилатлар камол топади.

Мактабда болаларни ахлоқий тарбиялаш дарс жараёни, синфдан ва мактабдан ташқари турли туман ишларда олиб борилади. Ўқувчиларга билим (тасаввурлар хиссий, образли билимлар, ахборот оғзаки маълумот. Тушунча — умумланган билим) малака ва одатлар берилади.

Болалар одоб ва одобсизлик ҳақида тушунча олади. Улар ахлоқий тушунчаларни бадиий ва илмий адабиётлар, кинофильм ва спектакллар орқали англайдилар.

Ўқувчиларнинг ўз хулқини ахлоқий жихатдан фарқлашларини биринчи синфдан бошлаб ўргата бориш керак. Улар меҳнатни севиш, мулкни эҳтиёт қилиш, хурмат, ростгўйлик, софдиллик, виждон, камтарлик маъноларини тушуниб олсин. Мактабда болалар ёши, савияси ва синфига қараб, «Мардлик ва кўрқоқлик», «Жамоа нима?», «Инсон гўзаллиги нимада?», «Ахлоқ ва қонуни», «Ахлоқ ва шахс эркинлиги», «Она юртинг омон бўлса», «Жаннат оналар оёғи остида», «Инсон одоби билан», «тижорат ва халоллик» мавзуларида суҳбатлар ўтказиш маъқул.

Ўқувчининг онглилик даражасини ўстириш, ўзини ўзи баҳолашини ўқишда, меҳнатда, ҳаётда муваффақиятга эришиши ўзига боғлиқлиги тушинтирилсин.

Ўқувчига кундалик юритишни тавсия этиш керак. Унда бугун қандай иш қилдим, «Бугун қандай ёмон иш қилдим», «Ўзимдаги қайси сифатни тузатишим керак ва қандай қилиб?» деган уч бўлим бўлиши керак. Ҳафтанинг охирида «Ўтган ҳафтадан қаноатланаманми?», «Ўзимни жаъолашим керакми ёки муқофотлашим?», деган саволга жавоб ёзишни тавсия этиш керак. У тарбиявий соатда ёки яқин тартибдаги суҳбатда таҳлил этилади.

Ўқувчиларни ахлоқий руҳда тарбиялаш характер хусусиятларини таркиб топтиради. Уларга Мақсадга интилувчанлик, Ўқиш ва ишда матонатлик қатъият, ташаббускорлик, уюшқоқлик, қийинчиликлардан қурқмаслик киради. Мактабда ахлоқий тарбия беришдаги хилма — хил методлардан қуйида намуналар келтирамыз:

1. Ахлоқий тарбия ўқитиш жараёни билан қўшиб олиб борилади. Буюк немис педагоги А. Листвершег айтганидек, яхши ўқита билган ўқитувчи яхши тарбиялайди ҳам.

2. Ахлоқий тарбия жараёнининг муваффақияти ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоасининг савиясига боғлиқ. Бунинг учун жамоа ахил ва ишқ, болалар интизомли бўлиши керак.

3. Мактабда ижобий эмоционал шароит яратини ахлоқий тарбия жараёнига фойдали таъсир этади. Масалан Республика мустақиллиги куни, Наврӯз байрами ва бошқалар.

4. Барча ўқувчиларнинг мактабдаги умумий ва ягона тартиб қоидага риоя қилишларига эришини.

5. Ахлоқий тарбияда онг тушунчаларини шакллантиришда тушунтириш, ўқтириш, суҳбат, мунозара, лекция, рағбатлантириш, жазолаш усулларида фойдаланиш.

6. Ахлоқий одобни шакллантиришда машқ, болаларнинг турли фаолиятини уюштириш.

7. Тарбиявий соатлар, «Одобнома» дарслари савиясини ошириш.

8. Мехнат илғорлари, илм – фан ходимлари, меҳнат ва уруш фахрийлари, кўп болали оналар, имонли қариялар, хожилар билан ўқувчилар учрашувларини уюштириб бориш.

9. Мактабда турли – туман тадбирлар, адабий кечалар, байрам, олимпиада, фестиваль, мусобақалар ўтказиш, кино – театр телевидения кўрсатувларидан жумладан «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» «Маърифатнома» эшиттиришларидан, янги ташкил этилган, маънавият ва маърифат» маркази тавсияларидан фойдаланиш.

10. Дарс жараёни, синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларда Шарқ қадриятлари ва миллий анъаналар ақс этган «Қурони карим», «Хадис», «Хотамнома», «Одобнома», Ибн Синонинг «Донишнома», «Хикматнома», «Бозорнома», Кайқовуснинг «Қобуснома» Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадаъу билиг», Носир Хисравнинг «Саодатнома», Саъдийнинг «Гулистон», «Бўстон», Навоийнинг «Маҳбубул қулуб» Бобурнинг «Бобурнома», Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», шунингдек хамза, Фитрат, М.Исмоилий, Х.Тўхтабоев асарларини ўқиб ўрганиш.

11. Ахлоқий тарбияда унинг натижасини ҳисобга олишда тадбирлар сони эмас, унинг сифати белгилайди.

Тарбияланган ўқувчининг ижтимоий фаоллиги, муомалава алоқалари, Маънавий йўналишини, ҳуқида барқарор ахлоқий сифатларининг мавжудлиги – ўлчов бўлади. Шахсни тўла ўрганиш тарбияланганликни аниқлаб беради.

Мактабда таълим билан тарбияни ажратиб бўлмайди. Ватаншиқининг истиқлол ва тараққиёти келгуси ёш авлоднинг ҳар томонлама сўқ билими, онгли, тадбиркор, юксак ахлоқли бўлишга боғлиқдир.

### **Мавзу бўйича таянч сўзлар:**

Одоб. Ҳуқ, ахлоқ, маданият, маънавият, сифат. Фазилат, инсон комиллигининг мезони, манманлик, камтарлик. Англаш, муноҳада, тафаккур.

## Билимларни мустахкамлаш учун саволлар.

1. Одоб қандай шаклланади?
2. Ҳулқ билан одобни фарқи нимада?
3. Аҳлоқ қандай шаклланади?
4. Аҳлоқий сифатларни қандай аниқланади?
5. Яхши ҳулқларни санаг?
6. Ёмон ҳулқларни санаг?
7. Қандай шахсни комил инсон деймиз?
8. Камтарлик қандай фазилат?
9. Қандай шахсларни манман инсон деймиз?
10. Яхши ва ёмон ҳулқларни фарқланг?

## Фойдаланилган адабиётлар.

1. И. Каримов. Баркамол авлод орзуси. «Шарқ» нашриёти. Тошкент. 1999й.

2. И. Каримов. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон республикаси Олий мажлиси IX – сессиясида сўзланган нутқ. «Халқ сўзи» рўзномаис 30 август 1997й.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Халқ талими тўғрисидаги Қонун», «Маърифат» рўзномаси 15 сентябр 1997й.

4. А. Авлоний «Турки гулистон ёхуд аҳлоқ». «Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент. 1996й.

5. Авторлар жамоаси: «Педагогика». «Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент. 1997й.

## XV – БОБ

### *МАВЗУ: ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ*

#### Режа:

1. Ҳуқуқий тарбия ҳақида тушунча.
2. Ҳуқуқий тарбиянинг мақсад ва вазифалари.
3. Ҳуқуқий тарбияни амалга оширишни йўл ва воситалари.

Марказий Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек халқи кўн мин йиллик бой ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият тарихига эга. Пайғамбар алайҳисалом вафотларидан кейин ислом оламида янги қонун ва қоидаларни пайдо бўлиш жараёни тўхтаган ҳисобланади. Ана шу даврдан бошлаб барча ҳуқуқий муаммолар Қуръони Каримда ва Пайғамбар алайҳисалом суннатларида (Суннати набавийя – Муҳаммад алайҳисаломнинг айтган гаплари ва қилган ишлари), кўрсатиб берилган қонун ва қоидалар асосида ҳал этилиб ҳуқуқий тарбия бериладиган

булди. Ислом ҳуқуқшунослиги асосан Қуръони Карим ва Суннати набавийя асосида шаклланади ва суннатнинг негизини ташкил этувчи ҳадисларни (Ҳадис — пайғамбар алайҳисаломнинг айтган гаплари) жамлаб келажак авлодни ҳуқуқий тарбиялаш эҳтиёжи вужудга келди.

Дастлабки уринишлар натижаси Зайд Ибн Ал Хасаннинг «Мажмаъ—ул—фиқҳ», Малик ибн Анаснинг «ал—Муватта» ва Аҳмад ибн Хасаннинг «ал—Муснад» номли ҳадислар тўплами вужудга келди. Лекин ушбу ҳадисларнинг муаллифлари мавжуд ҳадисларни саралаб тўплашни ўзларига вазифа қилиб қўймасдан муайян ҳуқуқий тарбияга жавоб беришга асос бўлган зарур ҳадисларни тўплаш билан чекланганлар. Кейинчалик бу фаолият ҳадис илми билан шуғулланувчи олимлар томонидан давом эттирилди. Улардан бутун ислом оламида эътироф этиладиган «Олти ишончли тўплам» («Кутуб ас—саҳиҳ ас—ситта») деб юритиладиган тўпламлар алоҳида ўрин тутди. Булар Имом ал Бухорий ва Имом Муслумларнинг «Жомеъ ас—саҳиҳ» (Ишончли тўплам) ан—Насоий, Абу Довуд, ат—Термизий ва Ибн Можжаларнинг «ас—Сунан» номли ҳадислар тўпламларидир.

Буни ислом олими, фақиҳ Бурҳонуддин ал—Марқиноний (Марғинон—ўрта асрларда араблар Марғилои шаҳрини шундай аташган). Қуръони Карим ва ҳадис илмини мукаммал эгаллаб, фиқҳ—ислом ҳуқуқшунослиги борасида бениҳоя чуқур илмга эга бўлган ва ҳуқуқий тарбия соҳасида беқиёс дурдоналар яратган. Ул зот таълимни Марғилонда олиб, кейинчалик Моварауннаҳрнинг ўша вақтдаги маърифий маркази бўлган Самарқандга кўчиб бориб, бутун ислом оламида машҳур «ал—Ҳидоя» асарини 573 йили (1170 йил мелодий) ёзган.

Бу асар Овруно халқлари тилларига таржима қилиниб, катта қизиқиш билан ўрганилганлигидан унинг кўпгина мамлакатларда ҳуқуқ илми ривожига сезиларли таъсир кўрсатганлигига шубҳа йўқ. Жумладан «Ал—Ҳидоя» нинг инглиз тилидан Вишнегорский таржима қилиб, П.М.Гродаков таҳрири остида 1893 йили Тошкентда рус тилида нашр этилиши фикримизнинг далилидир. «Ал—Ҳидоя» бир неча асрлар давомида кўп мусулмон мамлакатларида, жумладан, Марказий Осиёда ҳуқуқий тарбияга доир энг йирик асосий манбалардан бўлиб келди. 1917 йилги тўнтаришдан кейин ҳам, то 1930 йилларгача шарият қонун—қоидалари бекор қилиниб шўро ҳуқуқ тизими жорий қилингунга қадар у амалда бўлди.

Ислом ҳуқуқшунослиги асосида иш юритиладиган мусулмон мамлакатларида ҳуқуқий тарбия соҳасида бу асрдан кенг фойдаланилади. Ҳуқуқий тарбияни амалга оширишда, ҳуқуқий маданиятимиз тарихини ўрганишда давлатимиз

ҳудудида тўла маънода амал қилиб келинган ижтимоий қоидалар, урф—одатлар, уларнинг моҳияти ва шакллари ижросини таъминлаш муҳим аҳамият касб этган даврлар мобайнида ҳаракатда бўлган «Авесто», сўғд ҳужжатлари мусулмон ҳуқуқининг манбалари, Чингизхон юсулари, XII асрда ёзилган «Ал—Ҳидоя», XI—XV асрларга мансуб фатволар мажмуи. Темур тузуклари, XV—XVI асрлардаги Самарқанд ҳужжатлари XVI асрга оид восиқалар тўплами, Темур ва теурийлар. Шайбонихон ҳамда бошқа хонлар ва амирлар томонидан чиқарилган фармонлар, одат ҳуқуқи меъёрлари, Бухоро амири, Хива ва Қўқон хонликлари ҳужжатларини таҳлил қилиш ҳуқуқий тарбияни амалга оширишда миллий гурурини камол топтиришга хизмат қилади.

Чор Роиссияси томонидан Ўрта Осиёни забт этишдан октябр инқилобигача мустамлакачилик зулмини ўтказишда яхши иш берган ҳужжатлар 1865 йилги «Туркистон вилоятини бошқариш ҳақидаги муваққат Низом», 1867 йилги «Еттисув ва Сирдарё вилоятларидаги бошқарув ҳақидаги Низом», 1886 йилги «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом», Чор Россияси билан Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўртасидаги тузилган шартномалар, Туркистон генерал—губернатори томонидан тасдиқланиб, хонлик ва амирлик ҳудудидаги рус фуқароларининг ҳуқуқларини, мулкларини, шахсини ҳимоя қилиш ҳақидаги ҳуқуқий тарбияга оид ҳужжатларни ўрганиш ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади.

### Ҳуқуқий тарбиянинг мақсад ва вазифалари

Ўзбекистон — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Қонунийлик ва ҳуқуқ — тартибот таптана қилмаса шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга ошириб бўлмайди. Шу жиҳатдан XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»<sup>1</sup> ҳуқуқий тарбияда асосий дастур бўлиб хизмат қиади. Бунда вояга етмаганларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги моддаларни ўрганишни оsonлаштиради. Педагогларнинг мазкур бўлимдан фойдаланиши имкониятларини вужудга келтиради. Жазо турлари ҳам қайта —

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Тошкент — 1995 и. 15 - боб. 183 - 192 моддалар.



қайта муҳокама қилиниши натижасида ўқувчиларнинг онгига мукаммал сингиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил бўлиши муносабати билан мактаблардаги таълим — тарбия ишлари типимсиз ривожланиб, такомиллашиб келаётгир. Мамлакатимизда жудда катта ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар рўй берганлиги, янги жамият барпо этилганлиги натижасида қонунчилик ва ҳуқуқ тарғиботни янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини кучайтириш тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Республикадаги соғлом вазият, халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясининг ўсиб бораётганлиги меҳнаткашларнинг онглилик ва интизомлилик даражаси юксалганлиги туфайли ҳуқуқбузарлик ҳоллари тобора камайиб бормоқда. Кишилар онгига жамият манфаатлари йўлида ҳалол меҳнат қилиш, софдил, ҳақгўй бўлиши, адолатсизликка, текинхўрликка, таъмагирликка қарши муросасиз бўлиши, қонун меъёрларига ҳурмат назари билан қараш каби ҳислатлар кўпроқ сингиб бормоқда.

Айни вақтда республикада маъмурий жавобгарликка сабаб бўлаётган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари онда—сонда бўлса ҳам, давом этмоқда ва улар барҳам тошган эмас. Бундай ҳолларга батамом барҳам бериш учун қонун кучидан, ҳуқуқий тарбиянинг таъсир кўрсатиш воситаларидан, кенг жамоатчилик ёрдамидан етарлича фойдаланилаётган йўқ. Ҳуқуқ тарғиботининг ҳар қандай бузишларини батамом йўқотиш, қонуничлиқни бузиш ҳолатига бефарқ бўлмаслик умумхалқ иши бўлиб, улар ёшларга ҳуқуқий тарбия бериш орқали амалга оширади. Ҳуқуқий тарбиянинг эса боланинг ёшлик чоғидан бошлаш лозим. Чунки ёшлар бизнинг келажакимиз, давлатимизнинг тез кунлардаги ҳақиқий фуқароларидир. Келажак авлоднинг ҳуқуқий, маънавий камол топиши тўғрисидаги Ҳукумат мунтазам ғамхўрлик қилиши ҳам шу боисдандир.

Ўқувчиларга юксак фуқаролик ва маънавий сифатларни синғдиришдек бағоят зарур масалани тўғри ва муваффақиятли ҳал қилишда тарбиянинг барча омил ва воситаларидан, педагогик ишнинг барча усулларида оқилона, мақсадга мувофиқ фойдаланиш, ҳеч шубҳасиз, ўзининг самарали натижаларни беради.

Ҳар бир педагог таълим билан тарбия бирлигига, таълим бериб тарбиялаш ва тарбиялаб таълим беришга жиддий эътибор бериши лозим.

Хусусан, ўқувчи ва ёшларга ҳуқуқий тарбия беришда, уларда юксак фуқароликхис туйғуларини, сифат ва

ҳислатларини таркиб топтиришда таълим ва тарбия бирлиги муҳим аҳамият касб этади. Мактабда ўқитиладиган ҳар бир фаннинг ўзига хос тарбиявий аҳамияти ва имкониятлари бор. Ана шу имкониятлардан ўз ўрнида тўғри фойдаланиш ўқитувчининг билим, тажриба ва маҳоратига, ижодий ишлари, изланишига боғлиқдир. Таълимий ва тарбиявий омил ва воситалар кўп. Шулардан бир давлат рамзларидан дарсларда ва синфдан ташқари машғулотларда ўришли фойдаланишдир. Ҳозирги кунда мактаб ўқув дастурларида мавжуд бўлган «Жамиятшунослик», «Тарих», «Давлатва ҳуқуқ асослари», «География» дарсларида ва синфдан ташқари тарбиявий ишларда давлат рамзларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

### **Ҳуқуқий тарбияни амалга оширишнинг йўл ва воситалари.**

Давлат рамзидан педагогик мақсадларда фойдаланиш, таълим ва тарбия жараёнида уларнинг аҳамиятини ўқувчиларга тушунтириш, уларнинг ҳулқ атворига чуқур таъсир этади. Ҳозирги вақтда давлат рамзидан фойдаланган ҳолда ўқув — тарбия ишларини ташкил этиш алоҳида муҳим масалалардан бўлиб турибди. Ҳаётга қадам кўювчи ҳар бир ўсмир ўз республикасининг қомусини билиши, унга амал қилиши керак. Ўқувчи ва ёшларда Ўзбекистон Республикаси мадҳияси, Герби ва байроғига нисбатан чуқур ҳурмати тарбиялаш, ишларимизнинг узвий қисмини ташкил этади. Ҳуқуқий тарбияни муваффақиятли хал этиш учун ҳар бир мактаб, билим юрти ўз ўқувчи ва талабаларига давлат рамзларининг туб моҳиятини очиб кўрсатишлари ва улар ҳақидаги низомларни пухта ўрганишларини ташкил этишлари зарур. Давлат ҳокимиятининг рамзлари ўзининг моҳияти жиҳатидан ҳуқуқ билан боғлиқ бўлиб, муҳим тарбиявий мазмунга эга. Ўзбекистон давлати герби, байроғи, мадҳияси мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар бирлиги, дўстлиги ва қардошлигининг рамзлари ҳисобланади. Бундан кўришиб турибдики, давлат рамзлари жуда бой, сиёсий — маънавий давлат тушунчаларига эгадир.

Уларнинг мазмунлари билан ўқувчи ва ёшларни таништириш педагогик жамоаларининг муҳим бурчидир. Ўқувчи ва ёшлар ўртасида олиб бориладиган таълим — тарбия ишларида фақат давлат рамзларидагина фойдаланиб қолмай, балки ўқувчилар ташкилотларининг рамзларини ҳам ўрганишга эътибор бериш керак. Бундай машғулотлар кўпинча синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларда амалга оширилади.

Давлат рамзларини ўрганишни педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этилса, у ўқувчиларнинг ҳуқуқий ва ахлоқий ҳис туйғуларига, ватанпарварлик қарашларига, яхши таъсир кўрсатади. Бу борада ўқувчилар билан олиб бориладиган жамоа тарбиявий ишларининг имкониятлари беқиёсдир. Давлат герби, байроғи, мадҳияси ҳамда ўқувчилар ташкилотлари рамзларининг ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий мазмуни ҳақида уюштирилган хилма-хил мунозара ва суҳбатлар шубҳасиз самарали натижалар беради. Бундай тадбирлар ўртасида ўқувчиларда фуқаролик сифатларини таркиб топишига ёрдам беради.

Давлат рамзлари фақат таъсирчан тарбиявий восита бўлмай, балки таълимий жиҳатдан ҳам муҳим омиллардандир.

Ўқувчилар давлат герби ва байроғининг тасвири, давлат мадҳиясининг матни билан танишдириллар. Уларда давлат ҳокимияти рамзларига ҳурмат ҳис туйғуси қарор топади. Умуман, давлат рамзларини ўрганишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари албатта ҳисобга олиниши мавжуд дарслик, усулий кўрсатма ва қўлланмаларига, қоида ва низомларни тўла амал қилишини керак. Давлат герби, байроғи ва мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Қомуси ҳамда ўқувчилар ташкилотларининг рамзлари билан олиб бориладиган педагогик ишлари самарадорлиги ҳуқуқий тарбияга бевосита боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

Ҳукумат қарорларида мактаблар, олий ва урта махсус уқв юртлари еш авлодни ҳар томонлама етук ва маънавий баркамол қилиб тарбиялашга даъват этилганлар. Ўзбекистон фуқароси ўз ватанини севиши, халқига чексиз садоқатли бўлиши, Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва қоидаларини, рамзларини яхши билиши ва уларга чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлиши шарт. Ўқувчи ва талабаларда ана шу ҳис — туйғуларни тарбиялаш ўқитувчининг муқаддас вазифасидир.

Ахлоқ, одоб қоидаларининг бузилиши тарбияси «қийин» деб аталувчи ўсмирларга етарлича педагогик таъсир кўрсатмаслигимиз натижасида келиб чиқади. Ўсмирнинг бундай ноахлоқий ҳаракати оила, мактабда ҳуқуқий тарбия соҳасида йўл қўйилган камчиликлар билан характерланади. Кўча — кўйдаги муҳит ҳам ўсмирнинг шаклланишида катта аҳамиятга эга. Кўпинча одоб меъёридан четга чиққан ўсмирларнинг ҳулқ — атворини изоҳлашда унинг ўтиш даври бир мунча тез жисмоний ривожланиши ва нерв тизимининг кучли камолоти каби омилларга кам эътибор берилади.

Организмдаги физиологик ўзгаришлар билан боғлиқ равишда ўсмирнинг характерида фаоллик, ташаббускорлик кучаяди. У ўзидаги куч — қудратни жисмоний имкониятлари

даражасида ишлатишда, баъзан меъёрни унутиб қўяди. Ҳаддан ташқари бебошлик, тарбиявий таъсирнинг етарли эмаслиги интизом ва жамоат тартибини бузишга сабаб бўлади, безорилик, шумлик ва шунга ўхшаш кўнгилсиз ҳодисаларни келтириб чиқаради.

Ўсмирлар, одатда, турли-туман ижобий ва салбий таъсирларга тез берилувчан бўлишади, сезгирлик ва таъсирчанлик улар характерининг шаклланишига ёрдам беради. Бу ёшда пайдо бўлган таассурот узоқ вақт унинг ҳаёт йўлини белгилаши мумкин. Ўсмирлар кўпинча ўз шахсий идеалини излашда ва унга ўхшашга ҳаракат қилишади. Бу идеал ўзлари билган таниган одам ёки адабий қаҳрамон қиёфасида намоён бўлади.

Ўсмирларда ўзига ортиқча баҳо бериш кучли бўлади. Улар ўзларини тутиш, муомала, ҳатти-ҳаракатларида катталардек бўлишга интилишади. Катталарни уларнинг «мустақиллигини» чеклаб қўйишга қаратилган ҳар қандай уриinishларига нисбатан жуда сезгир бўладилар. Одатда 14–15 ёшларда ирода шакллана бошлайди. Бундай ёшда ўсмирлар ўзларини маълум даражада шакланган шахс сифатида англаб, кучли иродали шахсларни намуна қилиб олиб, ўзларида уларнинг фазилатларини ривожлантиришга интилишади.

Шахснинг мавжуд бўлиши, ривожланиши ва ўзини кўрсата билишининг асосий белгиси муомала ҳисобланади. Тарбиявий ишлаб оқсаб қолган мактабларда ўсмирлар кўча-куйдаги гуруҳларининг таъсири сезиларли из қолдира бошлайди.

Кўчадаги муомалани бошқариш анча мушкулдир. У кўпинча сохта ўртоқчилик ва юзаки «Қаҳрамонлик» шакллари олиши мумкин.

Ўсмирларда ўйинқароқлик майли кучли бўлади. Ҳаётнинг ўзи улар учун ўйиндек туюлади. Улар учун ўйин қоидалари ҳуққ атвор андозаси бўлиб қолади ва уларнинг ҳатти-ҳаракатларида ўз аксини топади. Ўсмирлар ўз ҳатти-ҳаракатларини тўғри баҳолай олиш меъёрини унутиб қўядилар. Бунинг оқибатида безорилик, бебошлик, ҳайвонларга азоб бериш сингари қилиқлар унинг учун оддий ҳолат бўлиб қолади ва уларда бераҳмлик, бировнинг бошига тушган кулфатга бефарқ қараш, лоқайдлик хусусиятлари пайдо бўлади. Шахс болаликдан ўсмирликка ва вояга етиши ғоят мураккаб давр ҳисобланади. Бу жараён қийинчилик билан кечади. Кўникиб қолган ақирим одатлардан воз кечишга тўғри келади.

Оиладаги ва мактабдаги назоратнинг бўлиши натижасида ҳуқуқий тарбия ҳам сусаяди. Шу даврда ўсмирнинг интича ҳаёт шароитларга кўникишига кўз-қулоқ бўлиб турилмаса, ҳуқуқий тарбиядан четта чиқиб хавфини келтириб чиқаради. Ҳуқуқий

тарбиянинг етарли даражада шаклланмаганлиги, болада масъулият туйғусининг етарлича ривожланмаганлигида, оилага ва жамиятга нисбатан ўз бурчини билмаслик ёки тан олмаслик каби уришишларида кўринади.

Баъзи оилаларда ўсмирни арзанда қилиб ўстириш, қўлини совуқ сувга урдирмаслик каби одатлар вазиятга танқидий баҳо бера олмасликка олиб келади.

Одатда ўн олти ёшга тўлган шахслар жинсий жавобгарликка тортиладилар. Бу ёшда ўсмирлар содир этилган жиноятнинг хавфлилик даражасини англаб етган бўладилар ва содир этилган жиноят учун жавобгарликка тортилиши мумкин эканлигини биладилар. Бироқ таъқиқланган ва жамият учун хавfli жиноятларни содир этилганлик учун жинсий жавобгарлик ўн тўрт ёшдан бошлаб белгиланган қасдан ёки эҳтиёсизликдан одам ўлдириш, баданга қасдан тан жароҳат етказиб, киши соғлиғига зарар етказиш, номусига тегиш, босқинчилик, талончилик, ўғрилиқ, ашаддий безорилик, давлат мулкани ёки фуқароларнинг шахсий мулкларини қасдан nobud қилиш ёки зарар етказиш натижасида оғир оқибатлар келиб чиқиши, ашаддий безорилик, ўқ отар қуроллар, ўқ—дорилар ёки портловчи моддаларни, поездни ҳалокатга олиб келиши мумкин. Бу борада қасдан содир этиш жиноятлари учун ўн тўрт ёшга тўлганлар ҳам жинсий жавобгарликка тортиладилар.

Ахлоқи бузилган ўқувчилар билан дастлабки ишлар, аввало халқ таълими бўлимлари, жамоалари томонидан олиб борилади ва ўзлари оталиққа олган нотинч оилаларга имкониятлари даражасида ёрдам бериш ва таъсир кўрсатишни кўзда тутаяди. Умумий мажбурий таълимга жалб қилиш, куни узайтирилган гуруҳларга жойлаштириш, оталиққа олишга тайинлаш, ота—оналарнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида суҳбатлар ўтказиш, нотинч оилаларни йиғилишларда муҳокама қилиш, ота—оналар бурчини қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги маълумотларни ўртоқлик суддарига жўнатиш каби чоралар жиноятни олдини олиш тадбирларига киради.

Тажриба вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқ тарбиясини олиб боришда оилавий ахборотни барча воситаларидан (матбуот, радио, телевидение) ягона режа бўйича фойдаланиши зарурлигини кўрсатмоқда. Ўқувчиларнинг ҳуқуқий тарбияси мактабда ҳам ягона режа асосида олиб борилмоғи учун педагоглар ота—оналар учун ҳуқуқий мавзуда тарғиботлар, савол—жавоб кечаларини ташкил этиш, тарбия усуллари ва болаларни кузатиб бориш ҳақида ота—оналар билан яқка тартибда суҳбатлар ўтказишни ҳозирги кун талаблари даражасида кўтаришлари керак. Ота—оналар ўртасида педагогик билимларни тарғибот қилиш ўқувчиларнинг

ўзлаштиришини кўтарибгина қолмасдан, балки уларнинг мактабдан ташқаридаги ҳуққини яхшиланишига ҳам ёрдам беради. Халқимиз ўз — ўзини англаб бораётган ҳозирги даврида мактаб ўқувчиларининг мактабдан ташқаридаги ҳуққига таъсир этиш имкониятлари сезиларли даражада кенгайди, болалар ташкилотлари фаолиятида қатъий бир мақсадга қаратилганлик ошди, дам олишни ташкил этиш яхшиланди.

Болалар ва ўсмирлар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг янги шакллари қўллана бошланди. Ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини ташкил этиш ва содир этиладиган ҳуқуқбузарликни олдини олиш борасида педагогик фаолиятини янада кучайтириш учун фикримизча қуйидагиларни амалга ошириш керак:

1. Умумий таълим мактабларида ҳуқуқий билимларни тарғиб қиладиган хоналар ташкил қилишга алоҳида аҳамият бериш;
  2. Барча мактабларнинг суд, прокуратура, адвокатура, биринчи навбатда эса вояга етмаганлар инспекцияси ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар билан алоқаси мустаҳкамланиши керак;
  3. Доимий равишда яхши тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва уларни ҳаётга кенг тадбиқ қилиш;
- Тўланган илмий билимлардан, педагогик тажрибалардан оқилона фойдаланиш, ўсмирларга давлатимиз қонунлари ва қоидаларига муносабат риоя қилиш кўникмаларини синдириш ҳуқуқий тарбиянинг самарали амалга ошириш гаровидир.

#### **Мавзу бўйича таянч сўлар:**

Виждон, қалб, руҳ, иймон, онг, ҳуқуқий тарбия, касб, мулк, табиат, муносабат, жинойт, жинойтчи, жазо.

#### **Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Ўзбек халқи тарихида ҳуқуқий тарбия қандай пайдо бўлди?
2. Чор Россияси Ўрта Осиёни забт этган давридаги ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳланг?
3. Ҳуқуқий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини айтинг?
4. Ҳуқуқий тарбияни амалга оширишнинг йўл ва воситаларни қанақа?
5. Қандай қилиб ҳуқуқбузарлик пайдо бўлади? Сабабчиси ким?
6. Таълим жараёнида ҳуқуқий тарбия қандай амалга оширилади?
7. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларда — чи?
8. Ҳуқуқбузарлик деб кимларни айтиш мумкин?
9. Ҳуқуқни билмаслик нималарга олиб келади?
10. Ҳуқуқни билиш — чи?

## Адабиётлар.

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Т., Ўзбекистон.1997й.
2. И.А.Каримов. Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман. Т., 2000й.
3. А.Авлоний. Турки гулистон ёхуд ахлоқ. Т., «Ўқитувчи». 1996 й.
4. М.Ҳайитбоев. Ҳуқуқий тарбия. (Педагогика, Т.,Ўқт.1996й.)
5. М.Ҳайитбоев. Педагогикадан маърузалар. II., НамДУ.2000й.

## XVI –БОБ

### *МАВЗУ: МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ*

#### Режа:

1. Ўқувчиларга меҳнат тарбияси бериш созасидаги вазифалар.
2. Ёш авлодга меҳнат тарбияси бериш асослари ва йўллари.
3. Ёш авлодни катталарнинг меҳнати билан таништириш.
4. Ижтимоий – фойдали меҳнат ва унинг шахс камолотидаги ўрни.
5. Ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида ўқувчиларга меҳнат тарбияси беришнинг ҳозирги кундаги аҳамияти.

Меҳнат ва ишсон бир – бири билан чамбарчас боғланган. Жамият ривожланиши, унинг бахт – саодати йўлида меҳнат қилиш – ҳар бир ёш авлоднинг муқаддас бурчидир. Жамоат мулкини асраб авайлашга тўғри муносабатнинг тарбиялаш, онгли интиомни ва уюшқоқликни мустақкамлаш гоёвий ишнинг жуда муҳим таркибий қисмидир. Ана шу ҳислатларни тарбияланда ёш авлодни шакллантиришда меҳнат тарбияси жуда катта муҳим аҳамиятга эга. Меҳнат фаолияти ҳар бир кишидан маълум бир тошшириқни бажаришга бирор мақсадни кўзлаб ҳар томонлама яикр юритиб, собитқадамлик билан ёндашишни талаб қилади.

Меҳнат тарбияси қуйидаги вазифалардан иборат.

1. Аввало, меҳнат киши фаровонлигининг манбаи эканлигини ҳар бир киши меҳнат қилиши ва меҳнатни севиш лозим эканлигини турли йўллар билан кўрсатиб бериш зарур. Болаларни ўзи учунгина эмас, балки умумнинг манфаати учун меҳнат қилишга, меҳнат аҳлининг ҳурматлашга, катталарнинг меҳнати билан

вужудга келтирилган нарсаларни эҳтиёт қилиб сақлашга ўргатиш.

2. Меҳнат қилиш зарур деган тушунчани шакллантириш, меҳнатга одатланишини таркиб топтириш.
3. Болаларда меҳнат малакалари ва одатлари бўлган тақдирдагина ҳар қандай меҳнатни бажариш мумкин. Шунинг учун меҳнат тарбиясининг вазифаси ана шундай кўникма ва малакаларни таркиб топтириш.
4. Бизнинг жамиятимизда меҳнат ҳар бир кишидан чуқур билимларга эга бўлишини ва меҳнатни ташкил этиш маданиятини юксак даражага кўтаришни талаб қилади. Меҳнат маданиятига риоя қилишда зарур билим ва малакаларни ҳосил қилиш, иш жойини озода тутиш, асбоб—ускуналарни тўғри сақлаш, ишлаш учун зарур бўлган ҳамма нарсаларни тўғри жойлаштира билиш керак.
5. Асбоб—ускуналар ва машиналар умумхалқ мулкидир. Бу мулкни авайлаб сақлаш онгли зиёли кишига зарур хислатдир. Умумхалқ мулкига шундай муносабат — ёш авлод учун меҳнат тарбияси бериш соҳасида муҳим вазифа бўлиб қолиши керак.
6. Ўқувчиларни меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ҳам мактабнинг вазифасидир. Киши ўз ишини севган, унинг фойдали ва зарур эканлигини тушунган ва меҳнат ўз ҳаётининг асосий мазмуни бўлиб қолган тақдирдагина меҳнатга шундай муносабатни таркиб топтириш мумкин. Болалар ишдан кўрқиб, ундан иложи борича тезроқ қутилишга интиладиган бўлса, уларда ўз меҳнатига ижодий муносабатни шакллантириш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Шу сабабли ўқувчиларни меҳнатни севиш руҳида тарбиялаш, болаларга меҳнат тарбияси бериш соҳасидаги энг муҳим вазифаларнинг биридир.
7. Меҳнат тарбияси жараёнида болаларда жамоа бўлиб ишлаш малакаларининг таркиб топишига эришмоқ зарур.
8. Меҳнат тарбияси жараёнида ёш авлодни касб танлашга йўллашнинг аҳамияти бениҳоя орта боради. Меҳнат тарбияси жараёнида ёшларни меҳнатнинг хилма хил турлари билан кенг таништириш ва билим ҳамда амалий фаолиятнинг муайян турларига моҳирликни шакллантириш зарур.

Мактаб меҳнат тарбиясига доир вазифаларнинг ҳаммасини мактаб таълими довомида онла билан биргаликда ҳал этади. Шу нарсга тамомилан аёнки, болалар мактабда ўқини бошлаган биринчи йилларда уларнинг ёш хусусиятлари элибборага олиниб ана шу вазифаларнинг ҳар бири дастлабки босқичларга



бўлиниди. Болаларга меҳнат тарбияси бериш муаммоси кўндан буён педагогиканинг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Таълим миқёслари кенгайиб шахсни таркиб топтиришда илм—фаннинг роли ўсиб борган сари ўқишни меҳнат билан боғлаб бориш тўғрисидаги масала яна ўртага қўйилди. Ўтган замонлардаги кўнгина пешқадам педагоглар болаларни меҳнат фаолиятига жалб этишга катта аҳамият бериб, болалар организмга эҳтиёт билан қарашга, уларни меҳнат топтириқлари билан ортиқча банд қилиб қўймасликка даъват қилдилар, болаларнинг фикри—доирасининг кенгайтиришга, уларнинг илм—фани яхши ва пухта ўқиб олишларига ёрдам берадиган меҳнат турларидан меҳнат тарбиясида фойдаланишни маслаҳат берадилар. Педагогика болаларга меҳнат тарбияси бериш амалиёти негизда болалар меҳнатини ташкил этиш қонун қоидалари аста—секин таркиб топа бошлади. Ҳар қандай меҳнат кишидан муайян даражада куч—ғайрат сарф қилишни талаб этади. Боланинг организми ҳар томонлама ривожланиш босқичида бўлади. Унинг мускул ва нерв системаси ҳам тўлиқ ривожланмаган бўлиб тез чарчаб қолишга мойилдир. Бола ўзи уддалай олмайдиган топтириқни олгач, бугун куч—ғайратини сарф қилса ҳам уни бажара олмайди ва охири меҳнатдан қаноат ҳосил қилмайди. У баъзан ҳаддан ташқари зўр бериб бирор натижага эриша олади. Ҳар икки ҳолатда ҳам болаларнинг яна иш бошлашга ҳаваси қолмайди. Шу нарса равшанки, болаларни меҳнат фаолияти билан ортиқча банд қилиб қўйиш уларнинг меҳнатсеварлигини ривожлантиришга ёрдам бермайди, балки, аксинча, меҳнатга нафрат билан қаранига сабаб бўлади. Меҳнат тарбиясининг хилма—хил вазифалари меҳнат дарсларида амалга оширилади.

Яна бир муҳим қайдани назарда тутиш керак: меҳнат дарслари илмий билимлар билан болаларнинг атроф—теварагидаги ҳаётни ўзига хос тарзда боғловчи босқич бўлиши лозим. Маҳоратли ўқитувчилар бунга турли йўللار билан эришадилар. Дарсни уюшқоқлик билан бошлаш ана шундай йўллarning биридир. Баъзи ўқитувчилар орасида меҳнат дарси алоҳида бир дарс бўлиб, болалар бу дарсда ўзларини эркин ҳис эта оладилар, деган тасаввурлар ҳали ҳам сақланиб қолган. Шу сабабли ўқувчилар дарс бошланиши билан оқ инга киришмайдилар, бир жойдан иккинчи жойга ўтиб, қаттиқ гаплашадилар. Болаларнинг бундай ҳатти—ҳаракати ўқитувчининг меҳнат дарсига хос хусусиятларни нотўғри тушунганлиги натижасида рўй беради. Бу дарсларнинг ўзига хос хусусияти ўқувчилар ҳатти—ҳаракатининг характерида эмас, балки улар фаолиятининг характери ўз ифодасини тонади. Меҳнат дарси ҳамма белгиларини сақалб

қолади. Кейинги йилларда меҳнат тарбияси соҳасидаги тўпланган тажриба меҳнат дарсларида мусобақа элементларидан фойдаланиш мумкин эканлигини яққол кўрсатади.

Ўқитувчи дарсларда меҳнат маданияти руҳида тарбиялаш вазифаларини ҳам назарда тутмаслиги мумкин эмас. «Ҳар бир нарса ўз жойида турсин» — бу қоида дарсинг бошида, мўлжалланган ишнинг бажариш жараёнида, ишнинг бажарилиши натижаларини яқунлаш вақтида асосий қоида бўлиб қолиши мумкин. Болаларнинг катта ёшдаги кишиларнинг меҳнат фаолияти билан таништириш соҳасида махсус иш олиб бормай туриб, уларнинг меҳнатга чуқур ҳурмат руҳида тарбиялаб бўлмайди. Мактабнинг вазифаси, муайян қараш ва эътиқодларни шакллантиришда ўқувчиларга ёрдам беришдан иборат. Мактаб шу мақсадда ўқув машғулоти билан қаторда, ҳикоя, суҳбат, диафильм ва кинофильмлардан, ишлаб чиқаришга қилинган экскурсия натижаларини муҳокама қилиш, меҳнат қаҳрамонлари билан учрашувлардан фойдаланади. Мактабнинг болаларга меҳнат тарбияси бериш соҳасидаги ишларида муваффақият қозониши унинг ота—оналар билан бамаслаҳат иш юритишига кўн жиҳатдан боғлиқдир. Ота—оналар билан ишлаш жараёнида болаларнинг тарбиялашнинг умумий системада меҳнатнинг зарур эканлигига уларни ишонтириш, мактаб билан оиланинг ишларини бир—бирига мувофиқлаштириш керак. Ота—оналар мажлисларида, конференцияларда, оилада болалар бажарадиган ишларни характери ва уни ташкил этиш йўллари билан ота—оналарни таништириш мақсадга мувофиқдир. Кўнгина мактаблар болалар меҳнатининг хилма—хил турларини мактабда ҳам, мактабдан ташқари ҳам ташкил этиш учун ота—оналарни жалб этмоқдалар. Ота—оналар бу ишда мактабнинг содиқ жонқуярлари бўлиб, болаларнинг тарбиялашда мактаб билан оила олиб борадиган ишларни мувофиқлаштириш йўлида ўқитувчиларга ёрдам бермоқдалар.

### **Мавзу бўйича таян сўзлар:**

Меҳнат, меҳнат тарбияси, меҳнат таълими, ижтимоий меҳнат, меҳнат маданияти, меҳнат кўникмаси, меҳнат малакаси, ақлий меҳнат, жисмоний меҳнат, фойдали меҳнат, лаёқат, касб.

### **Билимларни мустаҳкамловчи саволлар:**

1. Меҳнат тарбиясини мазмунини ифодаланг?
2. Таълим жараёнида қанақа меҳнат бўлади?
3. Ўз—ўзига хизмат нима?
4. Ижтимоий — фойдали меҳнатни ифодаланг?
5. Меҳнатнинг жамоа характери қанақа?
6. Қандай меҳнатни ижодий меҳнат деймиз?
7. Касбга лаёқат деганда нимани тушунамиз?

8. Касбий тайёргарлик нимани ўз ичига олади?
9. Меҳнат таълими билан меҳнат тарбиясини фарқи нимада?
10. Касбга кўниктириш мумкинми?

#### Адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., 1995 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни. Т., 1997 й.
3. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Т., 1997 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 1992 й.
5. Педагогика (А.Мунавваров таҳрири остида) Т., 1996 й.

## XVII БОБ

### *МАВЗУ: СИНФ РАХБАРИНИНГ ТАРБИЯВИЙ ВАЗИФАЛАРИ*

#### Режа

- 1.Синф рахбари олиб борадиган асосий тарбиявий ишлар.
- 2.Дарсдан ташқаридаги тарбиявий иш усуллари.
- 3.Синф рахбари олдига қўйиладиган талаблар.

Тарбиявий иш—булажак педагогдан бутун қобилиятини ишга солишни, тинмай изланишни тақозо этади. Болалар жамоасини уюштириш, уни тарбияланган, уюнган, аҳил гуруҳга айлантириш, ўқувчиларни кўп қиррали, ингтимой фойдали фаолиятини тартибга солиш, ишлари педагогдан ташкилотчилик маҳоратларини қай даражада эгаллашига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Синф рахбарининг асосий вазифаси ўқувчиларга тарбия бериш ва уларни дўстона бир жамоа қилиб жипслаштиришдан иборатдир. Албата, бу сифдаги ўқув ишлари, ўқувчилар билим даражасини ошириш масалари ҳам синф рахбарининг этиборини жалб этади. Аммо бу масалани ҳал этишга у аввало тарбиячи сифатида ёндошади. У тарбия сифатини оширишда шу синфда барча ўқитувчиларга ёрдам беради. Ўз синфида дарс берадиган ўқитувчиларни олиб борадиган ўқув тарбия ишларининг хусусиятларини ўрганади, уларнинг ўқувчиларга қўядиган талабларини ҳамда ўқувчилар билан ўзаро алоқаларини, тасир этиш методлари билан ўртоқлашади. Синф рахбари мактаб педагоглар жамоаси ва педагогик кенгаш азосидир. У барча ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни ёлғиз ўзи эмас. Балки мактаб директори ва унинг ўринбосарлари рахбарлигида, ўз синфида дарс берадиган бошқа ўқитувчилар билан мустахкам ҳамкорликда олиб боради.

Синф раҳбари иш режасини тузиб чиқиб, директорга тасдиқлатади, ўқувчиларга бериладиган таълим — тарбия бирлигининг таъминлашни асосий йўларини белгилаб олади. Директор ва унинг ўринбосари синф раҳбари иш фаолиятини бошқариб туради, ўқувчилар тарбияси фақатгина синф раҳбарига таалуқли бўлмасдан мактаб мамурияти ҳам бевосита ўқувчилар тарбияси билан шуғулланади ва назорат қилиб туради. Синф раҳбарининг иш системаси тарбиянинг мақсад вазифаларидан келиб чиқадиган, ўзаро бир — бири билан боғлиқ бўлган тарбия тадбирлар йиғиндисидан иборатдир. Бу иш системаси шахснинг ижобий хислатларини таркиб топтириш мақсадида улар учун мақбул бўлган тарбиявий материални танлаб олиб, уларга таъсир этишни янада самарали восита ва методларини мохирлик билан қўллашни кўзда тутаяди. Синф раҳбари олиб борадиган асосий тарбиявий ишлар бир неча қисмдан иборат бўлиб улар:

1. Ўқувчиларни ўрганиш.

Синфга раҳбарлик қилиш, одатда, синф ўқувчиларини алоҳида — алоҳида ўрганишдан бошланади. Синф раҳбари ўқувчиларни ўрганишда қуйидаги ишларни бажариши керак.

1. Раҳбар бўлиб тайинланган синф ўқувчиларининг шахсий делолари билан танишиш.

2. Ўзлаштириши нисбат бўлган ўқувчиларни аниқлаш.

3. Тарбияси қийин бўлган ўқувчиларни аниқлаш.

4. Ота — онаси бўлмаган қариндаш уруғларининг қарамоғидаги ўқувчиларни аниқлаш.

5. Синф ўқувчилари уй шароитлари билан танишиш.

Янги синфни қабул қилган ўқитувчи ўз синфидаги ўқувчиларнинг уй шароитлари билан танишиш ишларини ниҳоятда синчковлик билан ўтказиши зарур. Чунки бу давр энг маъсулиятли давр бўлиб синф раҳбари шу ўқувчига ўтказадиган тарбиявий таъсирини ҳам белгилаши керак. Синф раҳбари уй шароитлари билан танишаётганда, юқорида санаб ўтилган асосий вазифаларини бажаришни режалаштириб олади. Ота — оналар билан утказилган суҳбат натижалари алоҳида дафтарга қайд этилади. Синф раҳбари, шу билан бирга ўқувчига яратилган шароитни социологик анализ қилиши ҳам мумкин.

2. Синф ўқувчилари жамоасини ташкил этиш ва тарбиялаш. Синф раҳбари ўқувчиларини инок ва маълум мақсадни кўзлаган жамоага жиҳслаштирар экан, ўқув тарбия вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун замин яратаяди. У айрим ўқувчиларга ва бутун синфга ўз обрў — ғунадорини кучи билангина эмас, балки синф жамоасида жамоа фикрини таркиб топтириш йўли билан таъсир этади.

3. Ўқувчилар билим сифатини ошириш ҳамда уларнинг тартиб интизомини мустахкамлаш.

Синф раҳбари ўқувчиларнинг билим сифатини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилади, айрим ўқувчиларни кейинда қолишини ва ўз синфида икки йил ўтириб қолишини олдини олишга ҳаракат қилади

4. Дарсдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил этиш ва уларни ўтказиш.

Дарсларда, таълим бериш жараёнида бериладиган тарбия дарсдан ташқари ишлар билан тўлдиради. Синфдан ташқари тарбиявий ишлар синф раҳбаридан жуда кўп куч ва ғайрат сарфлашни талаб қилади. У дарсда асосан ўқитувчилик ишини бажаради, синфга раҳбарлик вазифаси эса деярли дарсдан ташқари вақтларда бажарилади.

5. Ўзбекистон болалар ва ёшлар ташкилотларга ёрдам кўрсатиш. Улар билан яқиндан алоқада бўлиш.

Болалар ва ёшларнинг ташаббускор ташкилотлари мактабда жуда муҳим тарбиявий вазифани адо этади. Улар бутун педагогик жамоа билан биргаликда ва энг аввало, синф раҳбари билан ҳамкорликда ўқувчиларда билимларга қизиқишнинг ва ижтимоий фаолликни тарбиялашга ёрдам беради.

6. Ўқувчиларнинг ота-оналари билан олиб бориладиган ишлари.

Ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларнинг ота-оналари билан мустахкам алоқада бўлади. Мактабнинг оила билан янада мустахкамлаш алоқаси синф раҳбарлари орқали амалга оширилади. Синф раҳбари тарбиявий ишнинг асосий қисмлари мана шулардан иборат. Педагогик адабиётда ёки тарбиявий иш тажрибасида тарбия беришни йўлга қўйиш усулларини қуйидагича классификация қилиш энг кўп тарқалган.

1. Янги ёки ҳамма ўқувчилар билан иш олиб бориш;

2. Яқин тартибда иш олиб бориш;

3. Гурuhlарга бўлиб иш олиб бориш ёки тўғарак ишлари.

Бу иш шаклларининг ҳаммаси, одатда синф раҳбарлари режасида ўз аксини тонади. Дарсдан ташқари тарбиявий иш усулларининг қуйидагича классификацияси ҳам мавжуд:

1. Оғзаки иш усуллари (сиёсий ахборотлар. Мажлислар. Лекциялар. Докладлар. китобхонлар конфедерациялари, дастурлар, учрашувлар, радио журналлар).

2. Амалий иш олиб бориш усуллари. Походлар, Экскурсиялар, сарғакиядалар, олимпиада, мусобақалар, тўғараклар. Шунингдек шанбаликлар.

3. Кўргазмали иш олиб бориш усуллари. Мактаб музейлари, уруш ва меҳнат қаҳрамонлари музейлари, бадиий

ижод кўрғазмалари, янги китоблар кўрғазмалари ва бошқалар. Синф раҳбари ўз фаолиятида синф билан ялпи ишни ҳамма ўқувчилар билан бир вақтни ўзида амалга оширади. Баъзан тарбиявий ишни ташкил этишни бу усули «Синф раҳбари соати», «Тарбиявий соат» ёки «Маънавий соати» деб аталади.

Синф билан ялписига лоиб бориладиган тадбирлар, одатда ойига уя марта, баъзан эса ҳафтада бир мартаба ўтказилади. Хар бир синфдан ташқари ўтказиладиган тарбиявий иш ўз олдига маълум мақсад қўймоғи лозим.

- 1) Ўтказиладиган синфдан ташқариш таълим тарбия бирлигига асосланмоғи лозим.
- 2) Синф раҳбари синфдан ташқари ишларни олдиндан режалаштириб, ўз олдига аниқ мақсад қўйган ҳолда ташкил қилмоғи лозим.
- 3) Синфдан ташқари ишларни тарбия ишларга ҳар томонлама ёндашган ҳолда олиб бориши керак. Хозирги замон педагогикаси ўқувчиларни тарбиялашда синф раҳбари олдига қуйидаги педагогик талабларини қўяди.

1. Ўқувчиларда мустақил дунёқарашкуртаклари ва ижтимоий активликни таркиб топтириш. Бунинг учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

А) Ўқувчиларда табиатдаги ўзгаришларнинг сабабларини тушуна билишни тарбиялаш;

Б) Мустақилликдан кейинги йиллардаги ўзгаришларга нисбатан ўз мустақил фикрини билдира олишга ўргатиш;

В) Ўқувчиларга Республикамизда ва чет элларда бўлаётган ижтимоий – сиёсий воқеаларга қизиқишни шакллантириш.

Г) Ёрдамга муҳтож кишиларга, кексаларга ёрдам кўсатиш ҳислатларини тарбиялаш.

2. Ижтимоий фойдали ишга, меҳнатга халқ мулкига нисбатан ҳурмат-эътиборни тарбиялаш. Бунинг учун қуйидаги ишларни амалга ошириш керак:

А) Атрофдаги кишиларнинг меҳнати билан таништириш;

Б) Ўз қишлоғидаги ёки шаҳридаги турли касбдаги меҳнаткашлар фаолиятининг ижтимоий аҳамияти ҳақида тасаввурни хосил қилиш;

В) Болаларда мактаб ва ундан ташқаридаги ижтимоий ҳаётда, меҳнатда, актив қатнашиш истагини тарбиялаш;

Г) Ўз меҳнати билан ўзгаларга фойда келтириш иштиёқини умумфойдаси учун ҳар қандай ишни бажаришда жавобгарликни хис қилишни тарбиялаш.

Д) Жамоа меҳнатида иштирок этишни истамайдиган ўқувчиларга нисбатан салбий муносабатни тарбиялаш зарур.

3. Мустаҳкам ахлоқ ва ҳуққ маданиятини тарбиялаш

Бу тарбия жараёнида ўқувчиларда қуйидаги ижобий хислатларни шакллантириш мумкин:

А) Кишилар фаолиятидаги яхшилик ва ёмонликни фарқлай билишни ўргатиш;

Б) Ҳақ ишни химоя қилишга тайёр бўлиш малакаларини шакллантириш;

В) Ўз сўзи, вадасини ҳар доим бажаришга одатлантирилиб бориш;

Г) Ўз жамоасига ғамхўрлик қилиш, бошқаларга ёрдам беришга ошиқишни тарбиялаш;

Д) Камтар, вазмин, интизомли, озода, тартибли бўлиш хислатларини тарбиялаш;

Е) Ахлоқ маданияти қоидаларини бажариш, сахийлик, хушмуомалалик, ота—она, устоз ва дўстларини севиш ва хурмат қилишга одатлантириш;

Ж) Доим тўғри гапириш, касал, майиб кишиларга ва ёш болаларга

ғамхўрлик қилиш хислатларини тарбиялаш;

З) Жасур, чидамли, меҳнатсевар бўлишга интилишни тағбиялаш;

И) Ўқувчилар қоидаларини бузувчилар билан чиқишмаслик ва уларга ўз таъсирини ўтказиш характерларини шакллантириш.

Ўқувчиларда мустақил дунёқараш ва ижтимоий активликни таркиб топштириш учун саёҳатларга бориш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу вазифани амалга ошириш учун ўқувчилар билан завод ва фабрикаларга, далаларга, боғ, парк ва ҳайвонларга, она табиатга экскурсиялар уюштириш яхши натижа беради. Экскурсияга чиқишга олдиндан режа тузилади. Режада ўқувчилар қаерга боради, нималарни томоша қилади, кимлар билан учрашади ўқувчиларга нималар ҳақида хикоя қилиб бериши кўрсатилади ва режа асосида иш олиб борилади. Болаларда ахлоқ ва ҳулқ маданиятини тарбиялаш учун эрталиклар уюштириш, турли байрамларни жамоа бўлиб нишонлаш, ўқувчиларга тарбиявий таъсир этишнинг энг яхши усулидир. Болалар байрамларни яхши кўрадилар. Унга қувон билан тайёрланадилар ва сабрсизлик билан кутадилар.

Турли байрамлар ўқувчиларни ижтимоий ва сиёсий билимларини оширишга, уларда юксак ахлоқий сифатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Масалан, 8 декабрь Конституция кунига атаб эрталик ташкил қилиш, ўқувчиларни сиёсий билимларини ошириш. Ватанга мухаббат руҳида тарбиялашнинг муҳим омилidir.

Шундай қилиб, сифт раҳбарининг диққат эътибори;

Мактабда олиб бориладиган таълим тарбия ишларининг ҳамма форма ва методларини синфдан ташқари олиб бориладиган ишларнинг мақсади, ўқувчиларни ахлоқ руҳида тарбиялаш, мустақил дунёқарашни шакллантириш. Келажакка етук кишиларни тарбиялашдан иборат бўлмоғи лозим.

### **Мавзу бўйича таянч сўзлар:**

Синф раҳбари, таълимий вазифа, тарбиявий вазифа, алоҳида ўрганиш, ҳужжатларни юритиш. Синф журнали. Ўқувчи табели, чорак якуни, йиллик якуни, ота – оналар кенгаши, синф мажлиси.

### **Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар.**

1. Қандай ўқитувчи синф раҳбари бўла олади?
2. Таълимий вазифа қандай ишларни ўз ичига олади?
3. Тарбиявий вазифаларга нималар киради?
4. Алоҳидақалоҳида ўрганишдан мақсад нима?
5. Синф раҳбарининг иш ҳужжатларини айтишг?
6. Ота – оналар кенгаши нима учун тузилади?
7. Кенгаш қандай ишларни амалга оширади?
8. Синф мажлиси қандай ўтказилади?
9. Ўқувчиларда қандай ҳужжатлар бўлиши керак?
10. Чораклик йиллик ҳисоботлар қандай тайёрланади?

### **Адабиётлар.**

1. И.Каримов «Туркистон» гачетаси муҳбирининг саволларига жавоблари. Тошкент. 1999й.
2. И.Каримов. «Миллий мафкурамиз , миллатни миллат, халқни халқ қилишга хизмат қилсин» «Тафаккур» №2. 1998 й.
3. А.Авлоний «Турки гулистон ёҳуд ахлоқ». Тошкент. 1996 й
4. М.Хайитбоев.Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар. «Педагогика» уқув қулаанима.Тошкент, «Ўқитувчи» 1996 й. XXI боб.
5. М.Хайитбоев. Педагогик паҳорат асослари. Наманган, НамДУ. 2000 й..

## **XVIII – БОБ**

### ***МАВЗУ: СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР.***

#### **Режа:**

1. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг мазмуни.
2. Синфдан ташқари тарбиявий ишлар.
3. Мактабдан ташқари тарбиявий ишлар.



#### 4. Синфдан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган тарбиявий иш усуллари.

Ўзбек мактаблари бир хилликдан қочиб, ўқувчиларга турли даражадаги ишларнинг турлари ва йўналишларини танлаб, болаларга таълимнинг табақали шакл ва усулларини татқиқ этмоқда. У болаларнинг бир—бири билан ҳамкорликда қиладиган тарбия тизимини бошқа янгиси билан алмаштирмоқда, мактабдан ташқари муассасаларининг ташкилий шаклларидаги жамият ташкилотлари, маҳаллий қўмиталари, ижодий уюшмалар, оилалар билан очиқчасига ҳамкорлик ва алоқа қилиш қоидаларини амалга оширмоқда.

Мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларнинг ташкилий ишларини, унинг мазмуни ва мақсадини белгилаш бугунги кунимизнинг барча қирраларини ҳисобга олишни талаб этмоқда. Синф ва мактабдан ташқари мазкур тарбиявий ишлар шахс камолоти босқичларини белгилаб олишга қаратилганлиги билан тавсифланади. Мазкур муаммони ижобий ҳал этиш учун: синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар тизимида қуйидагилар бўлиши лозим:

а. тарбияда улғаяётган инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тап олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлиги эътиборда тутилиши зарур:

б. миллийликнинг ўзига хос аъъана воситаларига таяниш.

с. бир—бири билан муносабатда инсонпарварлик, педагоглар ва ўқувчилар ўртасида бир—бирига ҳурмат муносабатлари, болалар фикрига эътибор қилиш уларга меҳрибонларча муносабатда бўлиш.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларидаги ўқув ва тарбия жараёнини тўлдиради ва кенгайтиради. У ўқувчиларни мустақил билим олишлари, ижодий қобилиятларини, ташаббускорлигини оширишга имконият яратади. Синфдан ташқари ишларнинг ўзига хослиги шундаки, у ўқувчиларнинг бўш вақтларига мувофиқ тарзда усуллар воситасида жамоат фойдаси учун оммавий, гуруҳли алоҳида иш шакллари ва усулларини ташкил этади. Тўғарак, клуб дастурларининг ранг—баранглиги, уларнинг мазмунидаги янгиликлар ўсмир йигит ва қизларнинг шахс сифатида шаклланишлари учун янги имкониятлар яратади.

Синфдан ташқари ташкил этиладиган тадбирларда, жумладан, турли кўринишлардаги тўғаракларда фан ўқитувчилари ўз фаънага қизиққан ўқувчилар билан синфдан ташқари манғулот ўтказса, бу билан у ўз ўқувчиларини шу

фанга бўлган қизиқишларини тарбиялайди. Синфдан ташқари ишларни тўла қамраб олган тўғараклар бир неча хил бўлиши мумкин.

- А) фан тўғараклари
- Б) моҳир қўллар тўғараклари.
- В) дурадгорлик тўғараги
- Г) спорт тўғараги
- Д) бадий ҳаваскорлик тўғараги

ва бошқалар. Ўрта умумтаълим мактабларида бу ишларнинг ташкилотчиси ва назорат қилувчиси синф раҳбари ва директорни маънавий ишлари бўйича ўринбосаридир. Синф раҳбари синфдан ташқари ишларни уюштиришда тўғарак раҳбарларига яқиндан ёрдам беради. Қизиқишларини, интилишлари бир хил бўлган ўз ўқувчиларини тўғаракка аъзо бўлишлари учун маслаҳат беради. Уларни қайси тўғаракда машғул бўлишлари ҳисобга олинади.

Мактабдан ташқари тарбиявий ишлар болаларни ижодкорликка даъват этувчи тарбиявий маскандир. Педагогик тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги шароитда мактабдан ташқари тарбиявий ишларни олиб борувчи болалар уйлари, болалар ва ёшлар саройлари, ёш техниклар саройлари, ёш техниклар уйлари, ёш табиатшунослар уйлари мактаб тарбиясини узвий давомчиси бўлиб қолиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Концепцияси» бу ишларни режалантириш, амалга оширишда асос бўлади.

Маълумки, ўқувчиларни ғоявий—сиёсий, мафкуравий, ахлоқий, меҳнат, пафосат ва жисмоний жиҳатдан тўлиқ шаклланган кишилар қилиб тарбиялаш дарс жараёнидан бошланади. Бироқ ўқувчиларнинг кундалик ўсиб бораётган эҳтиёжлари, талаблари ва барча қизиқишларини фақат дарс жараёни билангина чеклаб бўлмайди. Ўқувчиларнинг бундай кўп қиррали қизиқишларини эса синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлари билан узвий боғлаш асосидагина қондириш мумкин, шу сабабли кейинги вақтларда ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтларини кўнгилли уюштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Яхши ташкил қилинган синфдан ва мактабдан ташқарига ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятни тўлдиради. Уларнинг дунёқарашини тўғри шаклланишига, ахлоқий камол тонишга ёрдам беради. Назарий билимларни амалиёт, ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғланишига, эстетик ва жисмоний жиҳатдан тўғри тарбияланишига ёшларда фаоллик, мустақиллик ҳамда ижтимоий мулкка оғли муносабат бўлишга замин яратди.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар чексиз ва сермазmun бўлганидек, унга раҳбарлик қилувчи ташкилотчининг вазифалари ҳам кўп қирралидир.

Булар фақат синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг ташкил қилишдан иборат бўлиб қолмасдан, балки таълимнинг тарбияловчи хусусиятини синфдан ва мактабдан ташқари ишлар билан ўзаро боғлашга ҳам алоҳида аҳамият беришдан иборатдир. Чунки таълимнинг тарбияловчилик характерини амалга оширмасдан туриб синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларда муваффақиятларга эришиб бўлмайди. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни директорнинг маънавият бўйича ўринбосари бошқаради. Унинг ташкилотчилик вазифалари қуйидагича:

- A. дарсдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштириш ва унинг амалга оширишни назорат қилиш;
- b. ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари кўп қиррали ишларини педагогик жамоа, ўқувчилар ташкилотлари, синф фаоллари ёрдамида йўлга қўйиш;
- d. синфдан ва мактабдан ташқари ишларни йўлга қўйишда, унинг бу йўналишига бевосита раҳбарлик қилган ҳолда, ўқитувчилар, синф раҳбарлари, ота — оналар, ўқувчилар ташкилотлари, синф фаолларига услубий ёрдам кўрсатиш;
- e. умуммактаб ва мактаблараро ўтказиладиган энг муҳим тарбиявий тадбирларда қатнашиш;
- f. ўқувчиларнинг бўш вақтларининг ташкил қилишда болаларнинг тарбия ва маданият муассасалари ҳамда жамоатчилик кучидан кенг фойдаланиш;

Бу борада ташкилотчилар фаолигини учта асосий томонини кўриш мумкин: ташкилотчилик, усулий ва маъмурий.

Булар кўпинча бир — бири билан узвий боғланган ҳолда намоён бўлади.

Ташкилотчининг ташкилотчилик фаолиятига қуйидаги бир қатор ишларни киритиш мумкин:

- a. тарбиявий ишлар соҳасида эришган ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиш;
- b. тарбиявий ишларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
- c. тарбиявий, оммавий — сиёсий ишларни режалаштириш ва уларнинг мазмуни, шакл ва усулларини аниқлаш;
- d. синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни гуруҳлаштириш, бажарувчи шахсларни аниқлаш.

Мактабда тарбиявий ишларни аниқ режалаштирмасдан унинг мазмуни шакл ва усулларини аниқламасдан, маълум бир тизимга солмасдан туриб кўзда тутилган мақсадда эришиш қийин.

Тарбиявий ишларнинг сертармоқлиги, унинг кенг мазмунлиги, серқирралиги, таъсир доирасининг чексизлиги, уни режалаштириш амалга оширишда ташкилотчига бир қадар қийинчиликларни вужудга келтиради. Аниқ равшан ва мақсадга мувофиқ тузилган режа тарбиявий ишлар мувафаққияти учун асосий гаровдир. Ташкилотчининг тарбиявий ишлар режаси эса ҳар хил шаклларда мавжуд бўлади. Шулардан энг муҳими йиллик режадир. Йиллик режа асосий бўлгани учун ҳам ташкилотчи унга кўпроқ вақт сарфлайди. Чунки мактабда амалга ошириладиган йиллик: тарбиявий ишлар режа ўз аксини топиши зарур. Йиллик тарбиявий ишлар режасини тузишда ташкилотчи, мактаб шароити, унинг анъанаси, мактабни ўраб олган муҳит мактабга кирувчи кўчалар, жамоа хўжаликлари, туман, шаҳар, вилоят, ота — оналар ва жамоатчиликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши муҳимдир. Тарбиявий ишларни режалаштиришда мактабга яқин бўлган жойларда маданий оқартув, мактабдан ташқари муассаса, маҳалла, уй бошқармалари ва уларни мактабга кўрсатадиган амалий ёрдамини ҳисобга олиш ҳам зарур. Режалаштиришда анъанага айланиб қолган давлат аҳамиятига молик халқ байрамлари, тарихий ва қизақарли саналарга алоҳида аҳамият бериш керак. Ташкилотчи режалаштиришда педагогик жамоаси, ўқувчиларнинг сони ва ёш хусусиятлари, уларнинг маълумотларга эга бўлиши лозим. Режалаштиришда ўқувчилар жамоасини, уларнинг ўзлаштириши, давомати, интизومي, тарбияланглик даражаси, руҳий хусусиятлари — қизиқишлари, интилиши, мойиллиги, меҳнатсеварлиги, соғлиги, оилавий яшаш шароити каби маълумотлардан хабардор бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштиришда ота — оналар жамоатчилигининг бола тарбиясида мактабга кўрсатадиган ёрдами ҳақида ҳам ўйлаш зарур. Чунки ташкилотчи синф раҳбари учун ота — оналарнинг моддий ва маънавий қиёфаси, маълумоти, уларнинг оила ва иш жойларидаги мақкеи, тарбия соҳасидаги тутган усули, мактабга кўрсатадиган амалий ёрдами, оила анъанаси, жамоатчилик фаолияти, яшаш жойларида тарбиявий ишларни ташкил қилишдаги имконияти, мактабнинг мактабдан ташқари болалар муассасалари билан боғланиш даражаси каби масалаларни билиши кенг имкониятларни вужудга келтиради. Шунинг, тарбиявий тадбирларнинг мувафаққиятли ҳал қилишда мактаб кутубхонаси, спорт заллари, мусобақа майдончалари, спорт инвентарлари; сув ҳавзалари, тарбиянинг турли соҳаларига тегишли кинофильмлар, экскурсия ва туристик бағчалар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчиларнинг синфдан ташқари фаолияти уларнинг дарсдан бўш вақтларида педагоглар раҳбарлигида хилма-хил ишларни бажаришларидан иборат бўлиб, фаолиятни асосий хусусияти шуки, у биричидан, синфдаги ўқув фаолияти сингари билим характериға, иккинчидан эса, ўз моҳиятиға кўра жуда катта тарбиявий аҳамиятға эға. Синфдан ташқари ишнинг тарбиявий аҳамияти таъсири уни аниқ режа асосида ташкил қилиш билан ҳам белгиланади.

Синфдан ташқари ишнинг тарбиявий таъсири кўл даражада ўқув жараёнининг ташкил этиш савиясиға ҳамда ўқувчилар жамоасининг хилма-хил ишлари қандай йўлга қўйишлариға боғлиқдир. Синфдан ташқари фаолият мажбурий дастури билан чегараланмайди, балки ёшлари ҳар хил ўқувчиларни ихтиёрий равишда бирлаштиради.

Уларнинг ташаббуси асосида амалға оширилади, фанға қизиқтиради, халқнинг маданий ҳаёти муҳитиға олиб қиради. Синфдан ташқари ишлар шахсға ижтимоий фаоллик, ижтимоий он ҳамда ахлоқий одатларни таркиб топтиришнинг энг муҳим омилдир. Бу фаолият илмий жамоат, клуб, адабий ва мактаб театрларининг ишлари, турли мавзуларда ўтказиладиган китобхонлар конференцияси ва мунозалар, сиёсий, ахлоқий илмий оммабон ва меҳнат мавзулардаги маъруза ва суҳбатлар, ижтимоий фойдали меҳнат, сиёсий ахборот, байрам кечалар ва эрталиклари, тўғарак машғулотларини ўз ичига олади.

Ўқувчиларнинг синфдан ташқари ишлари ўз мазмуниға кўра тафаккур фаолияти ва муносабат воситаси ҳисобланади. Чунки синфдан ташқари ишларда олинган ахборот идрок этилади, қайта ишланади ва шу асосда янги билимлар ҳосил қилинади. Тарбияланувчиларнинг атрофдаги нарсаларға муносабати вужудға келади, унда эътиқод шаклланади.

Ўқувчилар мактабдан ташқари ишларда қатнашиб, турли кишилар билан муайян муносабатта киришадилар, турли вазиятларға дуч келадилар. Шунинг учун ўқувчиларнинг мактабдан ташқари фаолиятлари қанчалик хилма-хил бўлса, уларнинг муносабатлари шунчалик бой, муносабат доираси кенг ва маънавий ўсиши ҳам самарали бўлади.

Мактабдан ташқари тарбиявий ишлар таълимий ва амалий вазифаларни биргаликда олға суради, ҳа қилади, буида биричидан, олинган билимлар мустаҳкамланади ва кенгайтирилади, иккинчидан эса амалий ўқув ва малакалар сингдирилади. Ўқувчилар иш пайтидаги ўзаро алоқа киришиб маълум бир тарбиявий тадбирни бошқаришда муайян муносабатларға эришиб, ўртоқларига, синфға, умумий мақсадға, жамиятға ёрдам берадилар. Шу тариқа уларда масъулият, ўзаро ёрдам, жамоа учун хизмат қилиш ҳислари ривожланади.

Мактабдан ташқариги тарбиявий ишларда ўқувчилар қатнашиб жамоада ишлашни ўрганадилар, ижтимоий меҳнат қувончини ҳис қиладилар, ишлаб чиқариш меҳнатига қўшиладилар, жамоатчилик манфаатларини қадрлашга одатланадилар, уларда мустақиллик ва ташаббускорлик сингари инсоний фазилатлар такомиллашиб боради. Мактабдан ташқари фаолиятни унда қатнашувчиларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши ҳамда ёш хусусиятларга кўра белгиланади, бу жараёнга улар таълим олаётган мактабнинг шароити ҳам таъсир этади. Чунки мамлакатимиздаги барча мактабларнинг вазифалари бир бўлсада, уларнинг ўзига хос хусусиятлари бор ва бу хусусиятлар мактабларнинг маданий ва миллий шароитларида яққол кўринади. Тарбиячилар, синф раҳбарларининг синфдан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган тарбиявий ишларида қуйидаги иш усулларидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

1. Оғзаки, иш усуллари. Турли ахборотлар, мажлислар, эрталабки йиғинлар маърузалар, китобхонлар конференцияларини, мунозаралар, учрашувлар, оғзаки газеталар, радиожурналлар.

2. Амалий иш олиб бориш усуллари. Турли жойларга саёҳатлар, кичик спорт мусобақалари, олимпиада, изтопарлар иш фаолияти, тўгараклар, техника ижоди, ёш табиатшунослар тўгараклари, шанбаликлар.

3. Кўргазмали иш усуллари.

Мактаб музейлари, уруш ва меҳнат қаҳрамонлари хонаси, бадий ижод янги китоблар кўргазмалари.

Тарбиявий иш бўлажак педагогдан бутун қобилиятини ишга солишни, тинмай изланишни тақозо этади. Чунки келажак авлод, тарбияланган, уюшган, аҳил жонажон ватанчимизнинг ҳақиқий фуқаролари бўлишлари лозим.

### **Мавзу бўйича таянч сўзлар:**

Синфдан ташқари иш, мактабдан ташқари иш, якка тартибда, гуруҳли, ялпи, оғзаки, амалий, кўргазмали иш усуллари.

### **Билимларни мустақамлаш учун саволлар:**

1. Синфдан ташқари ишларнинг асосий шакллари нима? Ифодалаб бериш?
2. Мактабдан ташқари тарбиявий иш шакллари – қандай?
3. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг тизимлари нима? Ифодаланг?
4. Синф раҳбарининг тарбиявий ишлардаги вазифаларини ўқувчиларнинг ишларидан иборат?
5. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг режалаштиришда нимага асос бўлади?

### Адабиётлар:

1. И.Каримов. «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари. Т., 1999.3.02
2. И.Каримов. Миллий мафкурамиз, миллатни миллат, халқни халқ қилишга хизмат қилсин. «Тафаккур». Т., 1998 й.
3. М.Ҳайитбоев. Педагогикадан маърузалар.Н.,НамДУ. 2000 й.
4. М.Ҳайитбоев. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар. «Педагогика» ўқув қўлланма. «Ўқитувчи» Т., 1996 й. XXII БОБ.

## МУНДАРИЖА

1	КИРИШ	4
2	I БОБ Педагогика предмети, мақсади ва вазифаси.	6
3	II БОБ Уқувчи шахсининг ривожланиши ва тарбия.	13
4	III БОБ Ўзбекистонда халқ таълими тизими.	23
5	IV БОБ Ўқитувчи шахси ва унга қўйилган педагогик талаблар.	31
6	V БОБ Таълим жараёни.	38
7	VI БОБ Таълим қонуниятлари ва қоидалари.	43
8	VII БОБ Ўқитиш методлари.	53
9	VIII БОБ Ўзбек мактабида таълим мазмуни.	69
10	IX БОБ Таълимни ташкил этиш шакллари.	74
11	X Тарбия жараёни.	83
12	XI БОБ Тарбия қоидалари.	85
13	XII БОБ Тарбиянинг умумий методлари.	90
14	XIII БОБ Уқувчилар жамоасини шакллантириш ва унинг ўқувчилар шахсига таъсири.	94
15	XIV боб Ахлокий тарбия.	100
16	XV – БОБ Ҳуқуқий тарбия	110
17	XVI – БОБ Меҳнат тарбияси	119
18	XVII БОБ Синф раҳбарининг тарбиявий вазифалари.	123
19	XVIII – БОБ Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар.	128



C. 29